

Собиров Соҳибжон Нуруллаевич-401-тарих
Ўрта аср хориж сайёҳлари асарларида Хоразм воҳаси тарихининг акс
этиши.
Режа:

Кириш.

I – Боб. Хоразм воҳаси тарихи акс этган ўрта аср хориж манбалари ва уларнинг ўрганилиши тарихи.

I.1. Хоразм воҳасига ташриф буюрган ўрта аср сайёҳлари ва уларнинг асарлари.

I.2. Хоразм тарихига оид ўрта аср хориж манбаларининг ўрганилиши тарихи.

II – Боб. Ўрта аср хориж сайёҳлари асарларида Хоразм сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихининг акс этиши.

II.1. Ўрта аср хориж манбаларида Хоразм сиёсий тарихининг акс этиши.

II.2. Ўрта асрлар Хоразм ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг хориж манбаларида акс этиши.

III – Боб. Ўрта асрларда Хоразмда маданий ҳаёт ва унинг хориж сайёҳлари асарларида акс этиши.

Хулоса.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Хоразм цивилизацияси, бу воҳада шаклланган қадимий Хоразм давлати нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Асрлар давомида бу ҳудудда шаклланиб, ривожланган давлатлар ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичларни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов Хоразм тарихи ва унинг аҳамияти борасида қуйидаги хулосаларини берган: “Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айнан Хоразм воҳасида қўйилган... Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир... Хоразм ҳамда Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади...¹”.

Айни шу сўзларни Хоразм тарихи ва маданиятини узоқ асрлар оша бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг маълумотлари ҳам исботлаб беради. 1998 йили Ислом Каримов бир гуруҳ тарихчилар билан учрашар экан, ўзбек давлатчилиги тарихини манбалар асосида жиддий ўзрганишни муҳим, долзарб илмий йўналиш сифатида белгилаб берган². Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш” ҳақидаги Қарорида³ мазкур илмий йўналиш тарих фанининг истиқболли ва долзарб мавзуи сифатида белгиланди ҳамда давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

Хоразм давлати ўрта асрларда Марказий Осиёда бўлиб ўтган барча сиёсий жараёнларда фаол қатнашган. Бу ерда ҳукмрон қилган сулолаларнинг баъзи ҳукмдорлари ислом тарихида ҳам катта таъсир ўтказган. Хоразм воҳаси қайси бир салтанат ва давлат таркибида бўлмасин ўзига хос тарихи ҳамда маданияти билан ажралиб, унинг моддий ва маънавий мероси ўзбек халқининг бой ўтмишининг намунасидир.

Қарийб уч минг йиллик ёзма тарихга эга бўлган Хоразмнинг ўтмиши, тарихи ва маданияти, бу ерда кечган турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлари билан бугунги кунда ўрганилиши долзарб бўлган мавзулар объектига айланмоқда. Айни шу мавзу ўрта асрларда Хоразм воҳасига ташриф буюрган хориж сайёҳлари ва уларнинг турли тиллардаги битилган ёзма манбаларда ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам форс, араб, европа ва туркий тилларда ёзилган манбаларда ўзбек давлатчилик тарихининг масалаларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш мавзуи муҳим долзарблик аҳамиятини пайдо қилади. Мазкур тадқиқотда ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим ва бой қатламини ташкил этган Хоразм тарихи ўрта асрлар ёзма манбалари асосида тадқиқ қилиниб, хулоса ва натижалар берилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Хоразм IX – XV асрларда юксак даражада ривожланган ҳудуд сифатида доимо хориж сайёҳларининг эътиборини жалб қилган. Хоразмга умумий ҳолатда қўплаб сайёҳлар кириб келиб, мазкур ҳудуд ҳақида мавжуд маълумотларни ўз асарларида қайд қилганлар.

Хоразмдаги IX-XV асрлар тарихи кўпгина тадқиқотчилар меросидан ўрин эгаллаган. Улар яшаган ва ижод қилган вақтга қараб мавжуд манбаларни шартли равишда бир неча даврларга ажратиш мумкин:

1. IX-XIII аср бошларидаги (мўғул-татарлар истилосигача) араб-форс манбалари;
2. XIII-XV асрлардаги араб-форс ва европа тилларидаги манбалар;

Хоразмнинг ўрта асрлар даври ҳақида IX-XIII асрларда яшаган араб-форс сайёҳлари, савдогар, элчи ва тарихчиларидан Ибн Руста, Ал-Яқубий, Ал-Балазурий, Ибн-Хурдодбех, Ибн-Фадлан, Ал-Мақдисий, Ал-Истаҳрий, Ибн Хавкал, Ас-Саолибий, Ас-Самъоний, Ибн

¹ Каримов. И.А. Хива шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Каримов. И.А. Асарлар. 6-том. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б-375.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 5 ва кейингилари.

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш” ҳақидаги Қарори // Халқ сўзи, 1998, 20 июль.

ал-Асир, Ёқут Ҳамавий, Гардизий, Байҳакий асарлари ва номаълум муаллиф қаламига мансуб “Худуд ал-олам” китобида қимматли маълумотлар берилган⁴.

XIII-XVI асрлардаги араб-форс ва Европа манбалари орасида Плано Карпини, Марко Поло, Франческо Бальдуччи Пеголетти, Антоний Женкинсон каби сайёҳларлар асарлари ва айрим Европа ҳариталари (Франческо ва Доминико Пициганилар ҳаритаси, Фра-Мауро ҳаритаси, “Каталон атласи”), араб-форс ва Ўрта Осиёлик сайёҳ, тарихчи ва олимлари: Ибн Баттута, Ибн Арабшоҳ, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, ал-Бакувий асарлари XIII-XVI асрлар Хоразм тарихи ҳақида маълумотлар берувчи қимматли манбалар сифатида ажралиб туради⁵.

IX-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган савдо-сотик марказлари тўғрисидаги маълумотлар араб-форс, европа ва эски ўзбек тилидаги манбаларда бўлса-да, аммо улар воҳа шаҳарларининг ҳўжалик ҳаёти, ўлкада тутган мавқеи тўғрисида тўлақонли ва аниқ тасаввурларни шакллантиришга имкон бермайди.

XIX асрдан бошлаб турли мақсадларда Хива хонлигини ўрганиш учун ҳаракат қилган рус географ, этнограф, тарихчи, рассом, ҳарбий топограф ва сайёҳларидан Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Г.Тизенгаузен, А.Л.Кун, А.Н.Самойлович, М.И.Иванин, М.Н.Галкин, Н.В.Хаников, А.И.Левшин, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.С.Никитин, А.В.Каульбарс каби олим ва ўлкашунослар илмий аҳамиятга эга бўлган бир

⁴ Ибн Русте. Китоб ал-алак ан нафиса, часть VII // Материалы по истории туркмен и Туркмении (далее: МИТТ). Т. 1. — М.-Л., 1939, с. 150; Kitab al-a'lak an-nafisa auctore Abu Ali Ahmed ibn Omar ibn Rosteh et Kitab al-Buldan auctore Ahmed ibn Abu Jakub ibn Wadhah al-Katib al-Jakubi (ed. M.J.De Goeje), edit.2, Lugduni Batavorum, 1892 (BGA, VII), p. 231-373; Ал-Белазури. Китоб футух ал-булдан (текст 431) // МИТТ, Т. 1. — М.-Л., 1939, с. 71,74,76,78; Ибн Хурдабех. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (текст, 38) // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 145-146; Ибн Хурдабех. Книга путей и стран // Перевод с арабс., комм., иссл., указ. и карты Н.Велихановой. — Баку, «Элм», 1986; Chrohigue de Tabari traduite sur la versioh persane d-Abou Ali Mohammad Bel-ami par M.N. Zoten Berg. — Paris, 1867; V, IV; Тарихи Табарий. — Т.: «ФАН», 1987; Ибн Фадлан. Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и коммент. А.П.Ковалевского. Под ред. акад. И.Р.Крачковского. — М.-Л., 1939; Изд. 2-е. — Харьков, 1956; МИТТ, т. 2. — М.-Л., 1939, с. 155-158,161; Ал-Истахри. Китаб месалик ал-мемалик // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 176-181; Ал-Макдиси. Ахсан ат-такасим фи маърифат ал-акалим // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 185-189; Ибн Хавкал // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 183-186; Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма Ибн Хаукаля // Труды САГУ. Новая Серия. Вып. 11. — Т.: Изд. САГУ, 1957; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 358, 361-364, 367, 371-373, 383-384; Ас-Сам'ани Абу Са'д. Китоб ал-ансаб // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 327, 331, 334, 337-339, 340-343; Ёякут ал-Ҳамави. Му'жам ал-булдан // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 409-438; Гардизи. Китаб зайн ал-ахбар // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 228; Бартольд В.В. Извлечения из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар» // Сочинения, т. 8. — М.: «Наука», 1973; Абу Саъид Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украшения известий. Пер. с персидского А.К.Арендса. — Т.: «ФАН», 1961; Абу-л-файз Байҳаки. История Маъсуда. — М., «Наука», 1969; Худуд ул-алем // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 209-210, 216-217.

⁵ Плано Карпини Дж. История Монголов; Рубрук Г. Путешествие в восточные страны. Пер. А.И.Мелейна. — М.: «Наука», 1957, с. 46;209; Книга Марко Поло. Пер. И.И.Минаева. — М.: «Наука», 1950, с. 20; Пеголетти Ф.Б. Практический указатель торговцам. Под ред. А.Эванса. — Кембридж-Массачусетс, 1936, с. 22 (на англ. языке); Рихард Хенниг. Неведомые земли. — М.: «Иностранная литература», 1962, с. 211; Бу ҳақда қаранг: Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. — Т.: «Шарқ баёзи», 1993, 58-63-б.; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). — Т.: «Меҳнат», 1992; Бу ҳақда қаранг: Бартольд В.В. Дорожник от Бистама до Куня Ургенча // Соч., т. 3. — М.: «Наука», 1963, с. 260-263; Хамдаллах Қазвини // МИТТ, т. 1. — М.-Л., 1939, с. 510-511; Бу ҳақда қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из арабских сочинений. — СПб., 1884, т. 1., с. 207-208; Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати, 21-б.; Абд ар-Рашид ал-Бакуви. Китаб ат-талхис ал-асар ва-л-аджайиб ал каххар. — М.: «Наука», 1971; Бу ҳақда қаранг: МИТТ, т. 1. М - Л., 1939 с. 514-523; Брун Ф. Перипл Каспийского моря по картам XIV столетия // ЗНУ, т. 9. 1879, с. 23-25 и. карти. Чекалин Ф.Ф. Нижнее Поволжье на карте космографа XV в. Фра-Маура // ТСУАК. т. II, вып. 2. — Саратов, 1890, карта; Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // В сб.: «Английские путешественники в Московском государстве в XVI в.». — Л.: «Наука», 1938.

катор нодир асарлар яратдилар. Айниқса, профессорлар В.В.Григорьев ва Н.И.Веселовский, академик В.В.Бартольд ва В.Г.Тизенгаузен асарларида X-XV асрлардаги Хоразм тарихини ёритувчи манбаларни ва хориж сайёҳлари эсдаликларини танқидий ёритишга интилиш яққол сезилиб туради⁶.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга эътиборини қаратган Европа тадқиқотчиларининг деярлик барчаси ўлка ҳаётининг муҳим қисми бўлган савдо-сотик муносабатларини четлаб ўта олмадилар. Хусусан, инглиз тадқиқотчилари Г.Ланселл, Г.Ле Стрэнж ва голланд шарқшуноси де-Гуелар ҳам ўз асарларида Хоразмнинг хориж сайёҳлари ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар берганлар⁷.

Хоразмнинг ўрта асрлар тарихини ёритувчи манбаларни чуқур ва ҳар томонлама ҳамда археологик тадқиқотлар натижалари билан таққослаган ҳолда ўрганишга XX асрнинг 20-30-йилларида дадил қадам қўйилди. Умуман олганда 1937-2011 йилларда Хоразмнинг ўрта асрлардаги сайёҳлар маълумотлари асосидаги тарихи ва унинг ўрта асрлардаги ҳаётини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотларни Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари ва кейинчалик қорақалпоқ олимлари олиб бордилар⁸.

⁶ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. — СПб., 1877; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху мангольского нашествия // Соч., т. 1. — М., 1963, с. 197-211; Его же: Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVI в. // Соч., т. 3; Его же: К истории орошения Туркестана // Соч., т. 3 и другие работы; Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.1. Извлечения из сочинений арабских. — СПб., 1884.; Его же: Т. II. Извлечение из персидских сочинений. — М.-Л., 1941; Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Аму-дарьи // МСТК, вып. IV. — СПб., 1886; Самойлович Н.А. Краткий отчет о поездке в Ташкент и в Бухару и в Хивинское ханства прикомандированного Университетом и русским комитетом приват-доцента Самойловича в 1908 г. // ИРКСА. — СПб., 1909, № 19, с. 15-29; Иванин М.И. Хива и река Амударья. — СПб., 1873; Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России со Средней Азией со времени кончины Абулхайрхана (1748-1765 гг.). Т. 1. — Уфа, 1853; Галькин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. — СПб., 1868; Хаников Я.В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с ее окрестностями // ЗРГО, кн. V. — СПб., 1851; Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. 1. — СПб., 1832.

⁷ Lansdell H. Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol. I-II, London, 1885, p. 314-347; Le Strange G. The Lands of the Eastern Califat. - Cambridge, 1905, p. 446-459; De Goeje M.J. Das alte Bett des Oxsus Amu-darja. — Leyden. 1875; Ibn Fadlan's reisebericht von A.Zeki Validi Togan. — Leipzig, 1939; Шигабиддинов Р. Неизвестные страницы А.Валидий. Перевод с башкирск. языка Д.Рашидова // "Ўзбекистон тарихи", 2000, № 1-2, 57-70-б.

⁸ Якубовский А.Ю. Городище Миздахкан // "Записки коллегии востоковедов", т. V. — Л., 1930. - С. 551-591; Его же: Развалины Ургенча // ИГАИМК вып. 2, т. VI. — Л., 1930; Voyevodsky M.A. Summary Report of a Khwarizm Expedition. ВАИАА, 1938, № 3; Gulom J. Otmush izlari // "Guliston", 1937, № 4; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. — М., 1962; Его же: По следам древнехорезмийской цивилизации. — М., 1948; Древний Хорезм. — М., 1948; Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. // ТХАЭЭ, т. II. — М.: "Наука", 1958; Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1947 г. // ИАН СССР. СИФ, т. V, № 2. — М.; 1947. - С. 182-192; Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемахакала // ТХАЭЭ, т. 1. — М., 1952. - С. 173-192; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ, вып. 7. - М., 1963; Вышневецкая О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма // МХЭ, вып. 7. — М., 1963; Воробьева М.Г., Лапиров—Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХЭ, вып. 6. — М., 1963; Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования в правобережной части дельты Амударьи в 1958-1959 гг // МХЭ, вып. 6. — М., 1963; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи // МХЭ, вып. 7. — М., 1963 и др.; Ягодин В.Н. К изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана // В кн. История, археология и этнография Средней Азии. — М., 1968; Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. — Т.: "Фан", 1970; Манылов Ю.П. К изучению городища Кят // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1966, № 2; Манылов Ю.П., Ходжайов Т.К. Средневековый мавзолей Джанпыккала // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1972, № 2; Манылов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. — Т., 1973; Его же: О пути Ибн Фадлана из Хорезма через плато Устюрт // СА, 1979, № 2; Его же: Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта // В сб.: Археология Приаралья, вып. 1. — Т.: «Фан», 1982; Мамбетуллаев М., Кдырнязов М. Городище Воянган // Археология Приаралья, вып. 1. — Т.: «Фан», 1982; Манылов Ю.П., Кдырнязов М. Городище Джанпыккала // Археология Приаралья, вып. 2. — Т.: "Фан", 1984; Кдырнязов М. Городище Миздахкан в

Тадқиқотчиларнинг бир неча авлодлари биз танлаган мавзуни ёритиш учун бебаҳо маълумотларни тўплаганини миннатдорчилик ила эътироф этиш билан бир қаторда, изланувчиларнинг ҳеч бири X-XV асрлар Хоразм тарихини, унинг Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳамда кўчманчилар дунёси билан муносабатларини амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини махсус ўрганиш ҳамда тўпланган ноёб маълумотларни изчил ва мунтазам равишда умумлаштириш вазифасини ўз олдига қўймаганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқот предмети сифатида Хоразмнинг хориж сайёҳлари маълумотлари асосидаги ўрта асрлар тарихини асосан археологик ва ёзма манбалардаги маълумотларни таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш усуллари асосида илмий ўрганиш вазифаси қўйилди. Мавзуни илмий ўрганиш асосида ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларини шакллантириш, хорижий мамлакатлар билан фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги кенг қамровли ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан назарий ва амалий хулосаларни чиқаришга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг даврий чегаралари X-XV асрларни қамраб олади. Зеро, X-XV асрларда Хоразм нафақат Маворауннаҳрда, балки жаҳон муносабатларида ҳам катта аҳамият касб этганлиги танланган мавзуни тадқиқ этиш учун ушбу даврий чегарани белгилашни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари сифатида Хоразмга ўрта асрларда келган сайёҳлар маълумотлари асосида Хоразмнинг шу даврлар тарихини ўрганиш, Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳамда кўчманчилар дунёси билан сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий алоқаларини қай даражада бўлганлигини аниқлаш ва чуқур тадқиқ қилиб, ҳар томонлама ҳаққоний ёритиш муаммоси қўйилади. Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муаммоларни объектив равишда ёритишга ҳаракат қилинади:

— Хоразмга келган хориж сайёҳлари қолдирган маълумотларни чуқур илмий таҳлил қилиш;

— Ана шу маълумотлар асосида Хоразмнинг ўрта асрлар тарихининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш;

— Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари билан ўрта асрлардаги муносабатларини ёзма ва янги археологик маълумотлар асосида ҳаққоний ёритиш;

— Хоразмнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ва воҳа аҳлининг жаҳон сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий муносабатлар ривожига қўшган хиссасини кўрсатиш;

— Хоразм ўрта асрлар тарихини илмий таҳлил қилиш асосида Осиё ва Европа ҳудудлари тарихи билан таққослаш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва хоказо.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари, мақолалари, фундаментал асарлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз тарихини ўрганиш билан боғлиқ қарорлари, таникли археолог, тилшунос, ўлкашунос, адабиётшунос, манбашунос, тарихчи олимларнинг асарлари ҳамда илмий тадқиқотлари хизмат қилади.

Танланган мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни янада чуқурроқ ва батафсилроқ ёритиш мақсадида бир қатор тадқиқот усулларида фойдаланилди.

золотоординское время // XI НТК: тезисы докладов и сообщений. — Нукус, 1987 и др.; Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. // ИАН, т. IV. - М., 1947, № 2; Кдырнязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV веках. - Нукус: "Каракалпакстан", 1989; Городище Миздахкан в золотоординское время. - Нукус, 1987: Мастерские-винодельни золотоординского Миздахкана // "Вестник" ККО АН РУз. Нукус, 1999, № 3. - С. 101; Об аграрном характере производственной деятельности населения Миздахкана // ОНУ, 1999, № 5-6. - С. 83; О роли Хорезма в евроазиатской торговле XIII-XV веков // ОНУ, 2000, № 1. - С. 35-41; Кдырнязов М.-Ш., Бауатдинов Р. Новые археологические данные о средневековом Миздахкане // ОНУ, 2001, № 3. - С. 52-56 и др.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда ўрта асрлар тарихчи, сайёҳ ва географларининг Хоразм тарихи тўғрисида ёзиб қолдирган маълумотлари, янги давр ва ҳозирги кунда ижод қилаётган тарихчи-олимларининг олиб борган тадқиқотлари асосида билдирган фикр-қарашлари изчил ва тугал умумлаштирилиб, илмий асосда таҳлил қилинди.

Тадқиқотда янги археологик маълумотлардан кенг фойдаланилгани ҳолда ўрганилаётган даврда Хоразм тарихи ҳақидаги хориж сайёҳлари маълумотлари чуқур таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг янгилиги яна шундаки, унда Хоразм ўрта асрлар тарихи бевосита Осиё ва Европа давлатлари шу даврлар тарихи билан қиёслаш орқали тадқиқ этилди.

Тадқиқот манбаларини араб, форс, хитой ва европалик географлар, сайёҳлар, тарихчи олимларнинг IX-XV асрларга оид илмий асарлари, хотиралари ва бошқа нодир қўлёзмалар ташкил этади. Диссертацияни ёзишда археолог олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тўпланган ноёб маълумотлар ва улар асосида чиқарилган хулосалари юқоридаги манбалар маълумотлари билан қиёсий таққосланди. Қўлёзмада қайд қилинган манбалардан олинган маълумотлар муаллифнинг исми-шарифи, унинг асарининг номи ва маълумот олинган саҳифаси кўрсатиб борилди.

Тадқиқотнинг амалий-назарий аҳамияти. Тадқиқот ишида X-XV асрларда Хоразмнинг инсоният тараққиётига, жаҳон маданияти ва илм-фани тараққиётига беҳад катта ҳисса қўшганлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди. Хориж сайёҳлари маълумотлари Хоразмнинг ўрта асрлар тарихини очиб беришда ҳам катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Диссертацияда кўтарилган муаммолар ва улардан чиқарилган хулосалар бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар халқимизнинг ўзлигини чуқурроқ англаш ва дунё ҳамжамияти билан фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам беради.

Ишнинг таркиби – кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – Боб. Хоразм воҳаси тарихи акс этган ўрта асрлар хориж манбалари ва уларнинг ўрганилиш тарихи.

1.1. Хоразм воҳасига ташриф буюрган ўрта аср сайёҳлари ва уларнинг асарлари.

Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига оид материаллар ўрта аср манбаларида у ёки бу кўламда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Хоразм тарихига оид ўрта асрларда яратилган нодир қўлёзмалар: жумладан, Ибн ал-Асирнинг (1160-1234) “Ал-комил фи-т-тарих” (“Муфасссал тарих”)⁹ асари Шарқ мамлакатлари халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Асар 12-жылддан иборат бўлиб, дунёнинг “яратилиши”дан то 1231йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеаларни йилма-йил баён этиб беради. Асарнинг VII-XII жылдлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 924-1231 йиллар орасида Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ва асосан, қўлёзма манбалар, шунингдек, воқеалар гувоҳлари берган ахборот ҳамда муаллифнинг шахсий кузатувлари билан тўпланган аниқ маълумотлар асосида ёзилган.

Асарнинг, айниқса мўғуллар истилосига бағишланган XII жылди алоҳида аҳамиятга эга ва Ўрта Осиё ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди. Шунингдек, муаллифнинг “Тарих ал-баҳир фи-д-даула ал- атабикийя”¹⁰ китобида Отабеклар давлатини ёритиш жараёнида Хоразмшоҳлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради.

Ёкут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-булдон” (Мамлакатлар қомуси)¹¹ асари қомусий характерга эга бўлиб, унда Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм воҳасига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Асарда, жумладан, Хоразм географияси ва унинг мўғуллар истилосигача бўлган даври тарихи, маданий ҳаёти (таниқли шахслар, уларнинг фаолияти) тўғрисида ҳикоя қилувчи қимматли маълумотлар тўпланган.

Асардаги Хоразм воҳасига оид маълумотлар Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг географик ўрни, иқлими, сувлари ҳақида маълумот

беради. Муаллифнинг яна бир асари “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”)¹² асарида эса замонасига қадар яшаб, ижод этган минг нафардан ошиқроқ Шарқ адиб ва шоирларининг таржимаи ҳоли ва асарларидан намуналар берилган. Шулар қаторида хоразмлик ўн тўққиз нафар адиб ва шоирнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Рашидуддин ибн Фазлуллоҳ ибн Имомуддава Абу-л-хайр ал-Ҳамадоний (1247-1318)нинг жаҳон тарихини ўз ичига олган “Жомеъ ут-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”)¹³ унинг қаламига мансуб асарлар жумласидандир.

Олимнинг бизнинг давримизгача тўла тарзда етиб келган бирдан-бир асари шу “Жомеъ ут-таворих” бўлиб, у ўрта аср тарихшунослигининг ўзига хос ноёб асари ҳисобланади. Асар ўрта аср Шарқ тарихчилигида янги анъанани бошлаб берган асардир. Маълумки, Рашидуддиндан аввал ўтган, шунингдек, ундан кейинги даврларда яшаб ижод этган тарихчиларнинг кўпчилиги умумий тарих деганда, фақат мусулмон мамлакатларининг тарихини тушунганлар. Рашидуддин эса, улардан фаркли ўлароқ, умумий тарих деганда, Шарқ мамлакатлари билан бир қаторда, Ғарб мамлакатлари, Хитой ҳамда Ҳиндистон

⁹ Ибн ал-Асир. Ал-комил фи-т-тарих. // Қўлёзма, ЎзФАШИ №824, I-VI жылдлар; №825, VII-XII жылдлар; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка, примечения и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Т.: Узбекистан, 2006.

¹⁰ Ибн ал-Асир. Тарих ал-баҳир фи-д-даула ал-атабикийя. // Қўлёзма. ЎзФАШИ № 7423.

¹¹ Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Миср, 1906.

¹² Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-удабо. Миср, 1925, 1929, 1931; Элмуродов И. Ёкут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-удабо” асари X-XII асрлар Хоразм илм-фани ва адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба. Тарих фанлари номзод. дисс. Т., 2002.

¹³ Рашидуддин ибн Фазлуллоҳ. Жомеъ ут-таворих. // Қўлёзма. Ўз ФАШИ № 1620, №1643. Сборник летописей. Т. I-III. М., -Л., 1940, 1952.

тарихини ҳам назарда тутди; Шарқ мамлакатлари тарихини жаҳон тарихининг бир қисми деб ҳисоблади.

Бу асар уч қисмдан иборат:

1) мўғуллар ва улар асос солган давлатлар (Улуғ юрт, яъни Мўғулистон); Элхонийлар давлати ҳамда мўғуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар;

Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилосига бўлган қисқача тарихи;

2) Шарқ мамлакатлари халқларининг исломиятдан аввалги тарихи; Араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган давлатлар (Ғазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати ва б.); Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи;

3) Ер қурраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати ҳақида маълумот беради.

Асарнинг айниқса, турк-мўғул халқлари тарихини ўз ичига олган қисми Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказorti халқларининг XIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам бениҳоят қимматлидир.

Абу Наср Муҳаммад ибн Абду-л-Жаббор Утбий (тахм. 961-1077 ёки 1036 йй.)нинг “Тарихи Яминий” (“Ямин уд-давла тарихи”)¹⁴ асари Сабуктагин ва Султон Маҳмуд даврида Ғазнавийлар империяси таркибига кирган Афғонистон, Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳрнинг 975-1021 йиллардаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этувчи ҳамда қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши (992-996 йиллари) ҳақида маълумот беради. “Тарихи Яминий” асари бениҳоя қимматлидир. Асарда ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, тўхтовсиз давом этаётган урушлар, зулм, турли-туман солиқлар туфайли азоб чекаётган меҳнаткаш халқларнинг оғир турмушига оид маълумотлар берилган.

Низомулмулк (Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий) (1018-1092 йй.) давлатни идора қилиш масалаларига бағишланган “Сиёсатнома” (ёки “Сияр ал-мулк” - “Подшолар ҳаёти”)¹⁵ номли асари билан ном қолдирган. Бу асар 51 бобдан иборат бўлиб, унда марказий давлат аппаратининг тузилиши ва молиявий ҳисоб-китоб ишлари, қўшиннинг тузилиши, юқори давлат мансаблари ва уларга тайинлаш тартиби, қабул маросимлари ва уларни тайёрлаш ҳамда ўтказиш тартиби, мансабдорларнинг фаолияти устидан назорат қилиш каби умумдавлат масалалари ўртага қўйилган.

Асарда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи ҳақида ҳам муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Сомонийлар даврида турк ғуломларининг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Туркистон хонлари (Қорахонийлар) саройида хизмат қилувчи ходимларнинг маиший аҳволи, Сомонийлар хизматида бўлган амирларнинг унвонлари, Хоразмшоҳ Олтинтош (1017- 1032) билан Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан ўртасидаги ёзишмалар шулар жумласидандир. Асарда, бундан ташқари, карматлар, ботинийлар ҳаракати, Муқанна қўзғолони ҳақида ҳам айрим диққатга сазовор маълумотлар мавжуд.

Шихобиддин Муҳаммад Насавий (? - 1249) Ўрта Осиё, Ўзбекистон, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан мўғул истилоси давридаги (1220-1231 йй.) ижтимоий-сиёсий аҳволдан баҳс юритувчи “Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менкбурни” (“Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва тафсилоти”)¹⁶ қимматли китоб ёзиб қолдирган.

“Сийрат ас-султон” асари эсдалик тарзида ёзилган асар бўлиб, муқаддима ва 108 та бобдан иборат. Асарнинг I-IV бобларида мўғул-татарлар, Чингизхоннинг келиб чиқиши,

¹⁴ Утбий Абу Наср. Тарихи Яминий. // Қўлёзма, ЎзРФАШИ № 3252/V.

¹⁵ Низомулмулк. Сияр ал-мулк. (Таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов ва А.Эркинов) Т.: Адолат, 1997.

¹⁶ Унинг ўзбек тилидаги таржимасига қаранг: Насавий Шихобиддин Муҳаммад. Султон Жалолиддин Мангуберди. (К.Матёкубов таржимаси) Т.: Ўзбекистон, 2006.

Чингизнинг хон бўлиб кўтарилиши ва унинг Мўғулистон ва Шимолий Хитойни бўйсундириши масалалари қисқача баён этилган. V-XXII боблар Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. XXIII бобдан бошлаб китобнинг то охиригача мўғул истилоси ва Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ўз юртини шармандаларча ташлаб қочиши; султон Жалолиддиннинг ҳаёти ва унинг мўғул истилочилари билан олиб борган қаҳрамонона кураши, унинг Озарбайжон ҳамда Ироқдаги фаолияти ва ниҳоят, фожиона ҳалокати ҳикоя қилинади.

“Сийрат ас-султон” асарининг, айниқса, 1224-1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари ноёб ва муҳим илмий қимматга эга, чунки баён этилган воқеаларнинг кўпчилигида муаллифнинг шахсий иштироки кўриниб турибди.

Низоми Арузи Самарқандий (XI асрнинг 90 йилларида туғилган - ?)нинг “Мажмаъ ал-ғаройиб” (“Ажойиботлар мажмуаси”) ёки “Чор мақола”¹⁷ номи билан машҳур бўлган асар муаллифидир. Асар 1156-1157 йилларда ёзилган бўлиб, тўрт қисмдан иборат: 1) дабирлар (котиблар) ва дабирлик ҳунари ҳақида; 2) шеърят илми ва шоирнинг кадр-қиймати хусусида; 3) сайёралар ҳақидаги илм ва мунажжимлар ҳақида; 4) тибб (медицина) илми ва табибларга панд-насиҳатлар.

Биринчи қисмда қорахитойлар билан Султон Санжар ўртасида 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш, қорахитойлар билан Хоразм, шунингдек, Султон Маҳмуд Ғазнавий билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Буғрохон Муҳаммад (1033-1056 йиллар атрофида вафот этган) ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қорахитойлар истилоси арафасида Бухоро садрларининг умумий аҳволи ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган.

Асарнинг иккинчи қисмида, қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг адабий ва маданий ҳаётига оид маълумотлар бор. Хуллас, бу асар Ўзбекистоннинг X-XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда маълум аҳамиятга эга бўлган манбалардан бири ҳисобланади.

Абу Саъид Абдулхай ибн Заххок ибн Маҳмуд Гардизий (XI аср)нинг “Зайн ул-ахбор” (“Тарихлар беағи”) ¹⁸, асосан қадим замонлардан исломиятдан аввал ўтган қадимги Эрон подшолари давридан то 1041 йилгача, яъни ғазнавийлардан Султон Мавдуд (1041-1051 йй.) билан Султон Муҳаммад (1030-1031; иккинчи марта 1041 й.) ўртасида, яъни 1041 йили Диноварда бўлган урушгача Хуросонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Асарда, айниқса, Хуросоннинг араб истилосидан 1041 йилгача бўлган тарихи бошқа асарларга қараганда кенгроқ ёритилган. Асарда румликларнинг маданияти, турли халқларнинг диний маросимлари ва йил ҳисоблари, Ўрта Осиёнинг туркий аҳолиси ва Ҳиндистон ҳақида деган боблардан иборат. Гардизийнинг ушбу асари Хуросон ва Ўрта Осиёнинг араблар истилосидан то XI асрнинг ўрталаригача бўлган сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Фахриддин Муборакшоҳ Марварудий. (XII аср иккинчи ярми XIII аср бошлари). Ўзининг машҳур “Тарихи Муборакшоҳ” (“Муборакшоҳ тарихи”) ¹⁹ асарини ёзган.

Асар 136 қисм (шажара)дан иборат бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар, хулафайи Рошидин (Абубакр, Умар, Усмон, Али), ансорлар, саҳобалар, Сурия ҳукмдорлари, Яман подшолари, Ғассонийлар, арабларнинг “жоҳилият” замони, яъни исломиятдан аввал ўтган шоирлар, саҳобалар орасидан чиққан шоирлар, Ажам подшолари (Пешдодийлар, Кайёнӣлар, Ашконӣлар, Сосонӣлар), Уммавийлар, Аббосийлар, Тоҳирийлар, Саффорӣлар, Сомонӣлар, Ғазнавийлар ва Ғурийлар тарихи баён этилган.

¹⁷ Низоми Арузи Самарқандий. Мажмаъ ал-ғаройиб (Чор мақола) (Форс тилидан ўзбек тилига Б.Аҳмедов томонидан таржима қилинган)

¹⁸ Гардизий. Зайн ул-ахбор. Техрон, 1969. (А.К. Арендс томонидан рус тилидаги таржимаси 1991 йилда Тошкентда чоп этилган)

¹⁹ Фахруддин Муборакшоҳ Марварудий. Тарихи Муборакшоҳ. Муфасссал қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2001. 150, 151- бетлар.

Асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Туркистоннинг сарҳадлари ва Туркистонда ишлаб чиқариладиган мол ва матолар, уларнинг хорижий мамлакатларда эътибор қозонган навлари, турк қабилалари ва уруғлари, уларнинг тили ва маданияти (ёзувлари, урф-одатлари) ҳақида бой далилий маълумотлар келтирилади.

Абул-Фазл Байҳақий (995-1077) “Тарихи Оли Маҳмуд” (“Султон Маҳмуд хонадонининг тарихи”) ёки “Жомеъ фи тарихи Оли Сабуқтакин” (“Сабуқтакин хонадони тарихидан ҳикоялар мажамъси”)²⁰ номли асарлари

билан машҳур “Тарихи Оли Маҳмуд” асари 30 жилддан иборат бўлган. Лекин бизгача унинг кичик бир қисми етиб келган холос. Бу қисмлар Султон Масъуд (1030-1041) ҳукмронлиги даври тарихини ўз ичига олган ва “Тарихи Масъудий” номи билан ҳам маълум. “Тарихи Масъудий” муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан эшитган маълумотлар, шунингдек, ҳукумат маҳкамаларида сақланаётган расмий ҳужжатлар асосида ёзилган. Асар далилий ҳужжатларга бойлиги, воқеаларнинг чуқур ва атрофлича баён этилиши ва ниҳоят, зўр бадиий маҳорат билан ёзилганлиги билан бошқа тарихий асарлардан фарқ қилади. Асарда Султон Маҳмуд даврида Ғазнавийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий аҳволига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари асарда Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар тарихига оид муҳим маълумотлар ҳам бор. Айниқса, Ғазнавийлар билан Хоразм, Салжуқийлар ҳамда Қорахонийлар давлати ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар кўп.

Алоуддин Отамалик Жувайний (1226-1283) Мўғулистон, Ўрта Осиё, Ўзбекистон ҳамда Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя

қилувчи “Тарихи Жаҳонкушой” (“Жаҳонгир (Чингизхон) тарихи”)²¹ номли шоҳ асари билан шухрат топди. Асар 1260 йилда ёзиб тамомланган.

Асар уч қисмдан иборат: 1) Мўғуллар; уларнинг Чингизхон (1246-1249) давригача, шунингдек, Жўчихон, Чигатойхон ва авлодларининг тарихи; 2) Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258 йилгача) тарихи; 3) Эроннинг 1256-1258 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Исмоилийларнинг диний-ҳарбий уюшмаси ва Исмоилийлар давлати (1090-1258 йй.) тарихи.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи учун бу асарнинг I-II қисмлари алоҳида қимматга эга. Асарнинг Хоразм ва Хоразмшоҳлар тарихига оид (II қисм), Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон тарихи, шунингдек, Мўғулистон ҳақидаги хабарлар асосан муаллифнинг бу мамлакатларга қилган саёхатлари вақтида тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний (ибн Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфийи (1281-1350)нинг “Тарихи гузида” (“Сайланган тарих”)²² умумий тарих йўналишида ёзилган бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Асар муқаддима (фотиҳа) ва олти бобдан иборат: 1) пайғамбарлар ва авлиёлар; 2) исломиятдан аввал ўтган Эрон подшолари; 3) Муҳаммад пайғамбар, халифайи Рошиддин, Уммавийлар ва Аббосийлар тарихи; 4) Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар: (Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Дайламийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар ва б.); 5) исломият даврида ўтган шайхлар, олимлар ва шоирлар; 6) Қазвин шахрини тарихи.

Асар Эрон, Ўрта Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

²⁰ Абу-л-Фазл Байҳақий. Тарихи Оли Маҳмуд. Қаранг: Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар, 152, 153- бетлар. (Асар А.К. Аренде томонидан рус тилида чоп этилган. Т., 1962; М., 1969)

²¹ Жувайний. Тарихи жаҳонгушой. // Қўлёзма, ЎзФАШИ № 12148; №610; № 4597.

²² Ҳамдуллоҳ Қазвиний. Тарихи Гузида. // Қўлёзма, ЎзФАШИ №7; №8; №36, 24. Яна қаранг: Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трёх частях (Перевод с английского, переработал и дополнил Брегель Ю.Э. Ч. I. М., 1972. С. 327-334)

Жамол Қаршийнинг “Ал-Мулҳақот би-с-Сурах” (“Сурах луғатига илова”)²³ асари ҳам нодир асарлар сирасига киради. Унда Хоразмшоҳлар давлати тарихи, Чингизхон истилоси ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Фаҳриддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абу-л-Фазл Муҳаммад Банокатий(? - 1330)нинг жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзат ули-л-албоб фи таворих ал-ақобир ва-л - ансоб (“Ақобирлар ва асил (кишилар”) тарихи хусусида оқиллар боғи”)²⁴ номли асари билан машҳур бўлди. Асар муқаддима ва тўққиз қисмдан иборат: 1) Одам Атодан то Мусо пайғамбаргача ўтган даврда яшаган пайғамбарлар; 2) Қадимий Эрон подшолари; 3) Муҳаммад пайғамбар, халифайи Рошиддин, имомлар, Уммавия ва Аббосия халифалари даври; 4) Аббосийлар билан ҳамаср бўлган сулолалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва б.); 5) яҳудийларнинг пайғамбарлари ва подшолари; 6) христианлар ва франклар тарихи; христианларнинг дини ва эътиқоди, Арманистон ва франк мамлакатларининг географик ҳолати; 7) Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8) Хитой тарихи ва унинг географик ҳолати; хитойларнинг дини ва урф-одатлари; 9) Мўғулларнинг тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари. Хуллас, Банокатийнинг мазкур асари Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, географик ҳолати ва аҳолисининг турмушини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Мирхонд (Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурхонуддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий) (1433-1498)нинг “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”)²⁵ номли асари бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ўзбекистонда бўлиб ўтган ижтимоий- сиёсий воқеалар кенг баён этилган бўлиб, Хоразмшоҳлар давлатининг турли жиҳатлари баён этилади. Асар муқаддима, хотима ва етти жилддан иборат. Биринчи жилдда дунёнинг “яратилиши” то Сосоний Яздижурд III (632-651) давригача ўтган тарихий воқеалар; иккинчисида Муҳаммад пайғамбар ва халифайи Рошидин даврида бўлиб ўтган воқеалар; учинчи жилдда ўн икки имом тарихи; тўртинчи жилдда Аббосийлар билан замондош сулолалар; Уммавия ва Аббосия халифалари; бешинчи жилдда Чингизхон ва унинг авлоди; олтинчисида Амир Темур ва унинг замонидан то Султон Абу Саид ўлими (1469 й.)гача бўлиб ўтган воқеалар; ва ниҳоят, асарнинг еттинчи жилдида Султон Ҳусайн ва авлодининг тарихи (1523 йилгача) баён этилган. Асарнинг I-V жилдлари компиляция бўлиб, мустақил аҳамиятга эга эмас. Унинг сўнгги қисмлари, хусусан, VI жилднинг бир қисми ва VII жилд асл нусха бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

“Мужмал ат-таворих ва-л-қиссас”²⁶ муаллифи номаълум. Қисқа тарзда ёзилган умумий тарихга оид асар. Қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган Эрон подшолари замонидан) то ўғузлар томонидан Султон Санжарнинг асир олиниши (1153 йили) ва Нишопурнинг вайрон этилишигача бўлган давр ичида Эрон ва қисман Осиёда юз берган ижтимоий- сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар 1153 йилдан кейин ёзилган. Асарнинг илмий қиммати шундаки, унда туркий халқлар, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар, туркларнинг ватанларидан бири Иссиққўл ҳақидаги бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар келтирилган.

Бу асарлар умумий тарих йўналишида ёзилган бўлиб, Хоразм тарихига оид маълумотлари ҳам бор. Мавзунинг манбаси бой. Давлатчилик тарихини ёритиш учун турли тилларда битилган тарихий асарлар ҳам кўп. Уларда жамланган ҳужжатлар, маълумотлар Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг давлатчилиги қадимий тарих ва узок тараққиёт йўлига эга эканлигидан далолат беради.

²³ Джамал Карши. Мулҳақот би-с-Сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле III. Вохидова, Б. Аминова. Алматы: Даик-Пресс. 2005. -408 с.

²⁴ Банокатий. Равзат ули-л-албоб фи таворих ал-ақобир ва-л-ансоб. // Қўлёзма, ЎзФАШИ № 7330.

²⁵ Мирхонд. Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо. // Қўлёзма, ЎзФАШИ № 5257.

²⁶ Бир нусхаси Франция Миллий кутубхонаси (қадимий форсий китоблар фонди)да сақланади.

1.2. Хоразм тарихига оид ўрта асрлар хориж манбаларининг ўрганилиш тарихи.

Ўтмишда Ўрта Осиёга келган сайёҳларнинг ва бошқа давлатлар вакилларининг ўз таассуротлари асосида ёзган асарлари мамлакатнинг ўша давр тарихини ўрганишга ёрдам беради.

Хоразмшоҳлар сулоласи Хоразм тарихининг ажралмас, муҳим қисми бўлганлиги сабабли, ушбу мавзуга бу минтақага яқин қўшни бўлган мамлакатларнинг бир қанча олимлари ўрганиш мақсадида мурожаат қилганлар. Жумладан, Россиялик тадқиқотчилар В.В. Бартольд “Туркестан в эпоху монгольского нашествия”²⁷19, “К вопросу о Чингизидах- христианах”²⁸20, “К истории арабских завоеваний в Средней Азии”²⁹21 асари катта аҳамиятга эга. Унинг “Туркестан в эпоху монгольского нашествия” асари илк бор Ўрта Осиё тарихини манбалар асосида, ижтимоий ва маиший шароитларга эътибор берилган ҳолда ёритади.

Асарнинг кириш қисмида муаллиф китобининг номи мазмунига тўлиқ келмаслигини ёзади. Муаллиф махсус тадқиқот учун мўғуллар босқини даври, Ўрта Осиё тарихининг муҳим даврини олган. Ўрта Осиёнинг ундан аввалги асрлар тарихига эса ўзининг мақсади учун зарур бўлгани қадар мурожаат қилмоқчи эди. Бироқ мавзуга оид адабиётлар билан танишув муаллифга ўзигача бўлган тадқиқотчиларнинг манбалар бўйича хулосалар қилмаганликларини кўрсатди. Уларсиз эса мўғуллар келганда Ўрта Осиё қай аҳволда эканлигини аниқлаш мушкул эди. Асар “Кириш”, Тўртта боб ва илоадан иборат. “Кириш” – бу тарихшунослик, у араб тарихчи ва жўғрофиюнларидан тортиб, то темурийларнинг тарихчиларигача бўлган тарихшуносларнинг Ўрта Осиё тарихига бағишланган манбаларга берган баҳоси ва танқидий шарҳига бағишланган. В.В. Бартольд монографиясининг биринчи қисмида XI-XV аср тарихий манбалари, таржималари ва кўчирмаларини келтиради. Муаллифнинг Шарқ муаррихлари асарларини тўплаш бўйича бажарган ишлари Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганиш, тарихшуносликни тиклаш учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

С.П.Толстов эса “По следам древнехорезмийской цивилизации”³⁰ асарида Хоразмшоҳлар ҳақида тўхтаб ўтади. Муаллифнинг яна бир асари “Древний Хорезм”³¹ асари Хоразмшоҳлар тарихига археолог олим сифатида ёндошган ва у атоқли тарихчи В.Минорский таъбири билан айтганда, Хоразмнинг шон-шуҳратини кўрсатиш Хоразмнинг буюк тарихий хизматларини кўрсатиш мақсадида бу давлатнинг сиёсий ва ижтимоий тарихига доир баъзи маълумотларни баён қилган.

Шунингдек, А.Ю. Якубовский³², Н.Я. Бичурин³³, С.Е. Малов³⁴, А. Самойлович³⁵, С. Волин³⁶ ва бошқа муаллифларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган олимлардан ташқари ўзбек олимларидан Исо Жабборовнинг “Буюк Хоразмшоҳлар давлати”³⁷ рисоласи жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ёзилган. Бир неча минг йиллар давомида ўз қудрати ва тарихий, воқеаларга бойлиги тарих саҳифаларини тўлдириб келган хоразмликларнинг узок ўтмишидан Буюк Хоразмшоҳлар давригача ривожланиб

²⁷ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч.І. СПб., 1898.

²⁸ Бартольд В.В.. К вопросу о Чингизидах-христианах. // ЗВОРАО. Т. XII, 1914.

²⁹ Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии. // ЗВОРАО. Т. XVII, 1906.

³⁰ Толстов С.П По следам древнехорезмийской цивилизации. М., -Л.: Наука, 1948.

³¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. М. –Л., 1948.

³² Якубовский А.Ю. Сельджукское движение и туркмены в XI веке, - ИАН СССР, ООИ, 1937, № 4.

³³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Редакция текста, вступит статьи, комментарий А.Н.Брештама и Н.В.Кюнера. Т. I-III. М., – Л., 1950-1953.

³⁴ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М., – Л., 1959.

³⁵ Самойлович А. Два отрывка из «Хорезмнаме». // ЗВОРАО, т. XIX, 1910.

³⁶ Волин С. К истории древнего Хорезма. // ВДИ, 1941, № 1; Его же, Новый источник для изучения Хорезмийского языка. // ЗИВАН СССР, т. VII, 1939.

³⁷ Жаббаров И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати (Қадимий тарих саҳифалари). Т.: Шарқ, 1999.

келган қадимий давлат ва унинг маданияти тарихи тўғрисида ҳикоя қилинади. Асар тарихий, археологик, этнографик адабиёт ва манбалар асосида ёзилган.

Т.Саидкулов томонидан “Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар”³⁸ китоби Ўрта Осиё халқлари тарихига оид масалаларни қадимги даврдан то XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Ўрта Осиёнинг тарихшунослиги масаласи, Ўрта Осиёда юзага келган қадимий давлатлар, феодал муносабатлар, араблар, мўғуллар истилоси ва халқларнинг унга қарши кураши, шу даврдаги маданий тараққиёт, мусулмон уйғониши, сўнгра Темур ва темурийлар ҳамда Ўрта Осиёнинг XVI-XIX асрлардаги тарихий адабиётларини, айниқса, араб, форс, турк тилларида ёзилган манбаларни таҳлил этиш асосида баён этилган.

Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва сўнгра емирилиб кетиши нафакат Ўрта Осиё, балки ўрта аср бутун мусулмон Шарқи тарихида муҳим жараён бўлди. Шу сабабдан ҳам бу мавзуга бағишланган бир қанча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, чет эллик олимлардан хусусан, таркиялик олимлардан Иброҳим Қофас ўғлининг “Хоразмшоҳлар давлати тарихи” (485-618/1092-1221)³⁹ китобида 1092-1221 йиллар давомида Хоразмшоҳлар давлатида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий воқеаларни батафсил баён қилади.

“Ислом Энциклопедияси”нинг⁴⁰ Туркия нашридаги Фуод Кўпрулу томонидан тайёрланган Хоразмшоҳлар бўлими ҳам ўзининг тўлиқлиги билан ажралиб туради.

Нафи’ Тавфиқ ал-Убиднинг⁴¹ 1978 йили Боғдодда нашр қилинган диссертациясида ҳам Хоразмшоҳлар давлатига оид қизиқарли маълумотлар жамланган.

Ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотлардан яна бири бу – З.М. Буниятовнинг “Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати” (1097-1231)⁴² асаридир. Китоб Марказий Осиё халқларининг 140 йиллик даврини қамраб олади. Мовароуннаҳрда вужудга келиб, Буюк салжукийлар давлатини ва Боғдод халифалигини ларзага солган, босқинчи қорахитойлар давлатини тор-мор келтирган, сўнгги ғазнавийларни ҳам ўзига бўйсундирган, маркази Хоразм бўлган қудратли давлатимиз тарихи сиёсий-иқтисодий тузуми, юксак маданияти бу китобда ишончли асл манбалар асосида ёритиб берилди.

Хоразмшоҳлар – Ануштагинийлар сулоласининг сўнгги вакили, буюк саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди шахсиятига ва унинг ҳукмронлик даври жаҳон олимларининг эътиборини алоҳида жалб этиб келган. Турли мамлакатларда яратилган бу давр ҳақидаги асарлар эса фикримизнинг яққол исботидир.

1971 йили Римда Ж.А. Бойлнинг “Исфаконнинг мўғуллар тарафидан бўйсундирилиши”⁴³ номли асари эълон қилинди. Ушбу муаллифнинг бошқа бир “Жалолиддин Хоразмшоҳ Ҳиндистонда”⁴⁴36 мақоласи Жалолиддин Мангубердининг Ҳиндистондаги фаолиятига бағишланади.

Ж.А. Бойлнинг таҳрири остида нашр қилинган Эроннинг Кэмбриджа тайёрланган “The Cambridge History of Iran”⁴⁵ китобининг салжукийлар ва мўғуллар даврига бағишланган бўлимида Хоразмшоҳлар давлатига катта ўрин берилган.

³⁸ Т. Саидкулов. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Т.: Ўқитувчи, 1993.

³⁹ Иброҳим Қофас ўғли. Хоразмшоҳлар давлати тарихи 485-618/1092-1221. Анкара (Туркия), 1992.

⁴⁰ Қаранг: “Жалолиддин Мангуберди – Ватан, юрт ҳимоячиси” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Урганч. 1999 йил 27 октябрь. Т.: “Фан”, 26-27 -бетлар.

⁴¹ Ўша жойда.

⁴² Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) (Аҳмад Ашраф ва Маҳкам Маҳмуд таржимаси). Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.

⁴³ Бойл Ж.А. Исфаконнинг мўғуллар тарафидан бўйсундирилиши. Рим (Италия), 1971. Қаранг: “Жалолиддин Мангуберди – Ватан, юрт ҳимоячиси” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Урганч, 1999 йил 27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. 27-бет.

⁴⁴ Бойл Ж.А. Жалолиддин Хоразмшоҳ Ҳиндистонда. Рим (Италия), 1971.

⁴⁵ Beyle J.A. The Cambridge History of Iran. Кэмбридж. (Англия).

Инглиз тилида нашр этилган асарлар орасида ҳам мазкур мавзуга оид маълумотлар талайгина. Жумладан, капитан Лиддел Хартнинг “Captaing Unveiled (Chap I on Chengiz khan and Sabutai)”⁴⁶ асари кўпчилик мутахассисларга яхши таниш. Муаллиф ўз асарида Мовароуннахрнинг мўғуллар томонидан забт этилиши масаласига алоҳида тўхталади.

Яна бир инглиз олими К.К. Валкернинг муайян ҳажмда қайта ёзилган “Чингизхон”⁴⁷ деб номланган китоби чоп этилган.

Номлари юқорида тилган олинган муаллифларнинг асарлари кейинчалик шу мавзуда тадқиқот олиб борганлар учун манбалардан бири сифатида хизмат қилди.

XX аср инглиз адабиётлари орасида инглиз тилига ўгиришлар француз муаллифи Рене Крауссетнинг “Дашт империяси. Марказий Осиё тарихи”⁴⁸ асари алоҳида ўрин тутди. Китобда мўғуллар билан боғлиқ воқеалар, Жалолиддиннинг уларга қарши кураши алоҳида боб сифатида берилган. Крауссетнинг қайд этишича, у асосан, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асосий манбалардан бири бўлган Насавийнинг асарида фойдаланган. У китобида асарлардан иқтибослар келтиради ва айтарли янги маълумот бермайди.

Навбатдаги адабиётимиз Десмонд Мартиннинг қаламига мансуб “Чингизхоннинг пайдо бўлиши ва унинг Шимолий Хитойни забт этиши”⁴⁹ асаридир. Шунини таъкидлаш жоизки, китобнинг илова қисмида берилган “Мовароуннахрнинг мўғуллар томонидан забт этилиши”ни ҳисобга олмаганда, асарнинг ўзида Хоразмшоҳлар, хусусан, Чингизхоннинг ҳаёт йўли ва унинг фаолиятини ёритганда муаллиф деярли бутун асар давомида Жалолиддин ёки Хоразмшоҳларни тез-тез тилга олади.

Овен Латтиморенинг қайд этишича, муаллиф Хитой ва мўғул манбаларидан фойдаланган. Асар сўнгида хитой, япон ва мўғул адабиётлари рўйхати берилган.

Ҳиндистонлик Рахула Махапандитанинг “Марказий Осиё тарихи. Бронза асридан (мил. ав. 2900) Чингизхон давригача (мил. ав. 1229 й.)”⁵⁰ китоби дастлаб ҳинд тилида ёзилган бўлиб, у инглиз тилига таржима қилинган эди. Китоб 27 бобдан иборат бўлиб, унинг 26 ва 27-боблари Хоразмшоҳлар ва хусусан, Жалолиддинга бағишланган. Китобда Хоразмшоҳлар ва Ҳиндистон ҳукмдорларининг қиёсий диаграммаси ҳам берилган. Муаллиф асарида Хоразмнинг маъмурий бошқаруви, Чингиз билан Хоразмшоҳлар ўртасидаги низо, Жалолиддиннинг қочиши, унинг Парвондаги муваффақияти, унинг ўлдирилиши кабиларни алоҳида мавзу сифатида ёритиб берган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар олиш мумкин бўлган асарларнинг яна бири Едгар Кнобличнинг “Оксус ортида. Марказий Осиёнинг археологияси, санъати, архитектураси”⁵¹ асаридир. Китобда муаллиф Крауссет ва бошқаларнинг асарларидан иқтибос келтиради. Едгар Кнобличнинг мазкур асарида тилга олинган воқеалар маҳаллий адабиётлардаги фикрларга мос келади.

Хорижда нашр этилган адабиётлар орасидан “Мўғуллар дунёвий империяси. 1206-1370”⁵² китобини алоҳида тилга олиш керак. Китобда чет элда чоп этиладиган турли журнал ва газета саҳифаларида босилган мақолалар жамланган. Тўпламдан жой олган мақолалар орасида “Historians of the Middle East” журналарида 1962 йилда чоп этилган “Жувайний ва Рашидиддин асарлари мўғуллар тарихи манбалари сифатида” мақоласи ҳам қизиқарли бўлиб, унда бир қанча хорижлик муаллифларнинг асарлари таҳлил этилиб, қуйидагича ёзилади: “Д ‘Оссоннинг мўғуллар тарихи бўйича ёзган асарида ... бу икки маъмурлар

⁴⁶ Hart Liddell. Captaing Unveiled (Chap I on Chengiz khan and Sabutai) Edinburg and London, 1927.

⁴⁷ Walker C.C. Chengiz khan. London, 1940.

⁴⁸ Grousset R.L. Empire des steppes. Paris, 1938.

⁴⁹ Desmond Martin. The Rise of Chingiz khan and his conquest of North China. Baltimore. The Johns Hopkins Press. 1950.

⁵⁰ Mahapandita Rahula Sankrityayana. History of Central Asia. Bronze age (2900 B.C.) to Chengiz khan (1229 A.D.). New Dehli. 1964.

⁵¹ Knobloch Edgar. Beyond the Oxus. Archaeology. Art's Architecture of Central Asia. London, 1979.

⁵² Boyle John Andrew. The Mongol World Empire. 1206-1370. London, 1977.

(Жувайний ва Рашидиддин ҳақида сўз бармоқда – С.С.)нинг таассуротлари умуман бирига мос бўлмаганлиги учун уларнинг асарида иқтибослар келтирилади, уларнинг қайси бирига ишониш кераклиги аниқланмаган. Бу ноаниқлик Крауссет асарида ҳам давом этиб, у Жувайнийни ҳам Рашидиддинни ҳам қайд этади ва бунга Десмонд Мартин ҳам қўшилади”. Бу ерда икки тарихчи ўзларининг маълумотларини бир- бирига қарама- қарши манбалардан олган деган мазмун келиб чиқади. Бу ҳолда Рашидиддиннинг манбаси яхши маълум ва буни унинг ўзи ҳам аниқ

қайд этган. Бу доимо содиқ, ёши улуғ амирларнинг қўлларида эҳтиёт қилиб сақланган хоннинг қимматли буюми “Олтин дафтар” (Altin Debter – Golden book)⁵³ эди. Рашидиддин мўғулларнинг муқаддас ҳисобланган бу расмий солномасидан бевосита фойдалана олмаган, унга Булат Чингсанг томонидан оғзаки тушунтириб берилган. (Булат Чингсанг – элчи бўлиб, у Чингизхоннинг Эрон саройидаги вакили эди. “Олтин дафтар”нинг мўғулча

асл нусхаси бизгача етиб келмаган, аммо унинг хитойча таржимаси 1285 йилдан олдинроқ ёзилган.

Туркиялик таниқли олим Ойдин Тонарий қаламига мансуб “Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври”⁵⁴ асари кўпгина асл манбалар, жумладан, арабий, форсий, гуржи ва армани қўлёзмалари асосида яратилган.

Ушбу китобда баён этилган кўпгина воқеа-ҳодисалар, тарихий жараёнлар, ўша замондаги давлат, армия ва адлия ташкилотлари, турли мансабдорлар, маросимлар тўғрисидаги маълумотлар янгилик бўлиши шубҳасиз.

Г. Броккелманнинг “Ислом миллатлари тарихи”⁵⁵ каби асарлар ҳам қимматли маълумотларга бойдир ва бошқаларнинг асарлари ва илмий тадқиқотлари (жумладан, Ҳ.Муҳамедов)даги фикрлари Хоразм давлатчилиқ тарихини илмий таҳлил этишда асосланган.

II – Боб. Ўрта асрлар хориж сайёҳлари асарларида Хоразм сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий тарихининг акс этиши.

2.1. Ўрта асрлар хориж манбаларида Хоразм сиёсий тарихининг акс этиши.

Ўрта Осиёга арабларнинг босқини ва ислом динининг ёйилиши натижасида мусулмонларнинг тарихий тафаккури, исломий историография ва историософияси ҳам кириб келишига сабаб бўлган. Араб халифалиги таркибига кирган ватанизмнинг ҳудудларидаги Сомонийлар, Қарохонийлар, Салжукийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларининг ҳукмронликлари ягона бир тарихий жараён, аниқроғи халифалиқ тарихи доирасида ўрганилиб, талқин этилиши кузатилади. Жаҳон тарихига, шу жумладан, мусулмон олами тарихига бағишланган барча асарларда маҳаллий сулолалар, ёки халифа гунаҳталари тарафидан тузилган барча давлатларнинг тарихи халифалиқ/ислом давлатининг ажралмас бир қисми сифатида ёритилган.

Халифалиқ ва мусулмон давлатларнинг тарихига бағишланган муҳим асарлардан бири - бу Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид аш-Шайбоний, яъни Иззатдин Ибн ал-Асир ал-Жазарий номи билан машҳур бўлган муаррихнинг “ал-Комил фи-т-тарих” (Комил тарих, Тарихи комил) номли асаридир. Иззатдин Ибн ал-Асир ал-Жазарий 13 май 1160 йили (жумод ал-увла ойининг тўртинчи куни, 555 йили) Дажла ва Фурот дарёларининг юқори қисмида жойлашган Жазират Ибн Умар деган мавзеда оламга келган⁵⁶. Ибн ал-Асирнинг отаси Абулкарим Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдалкарим ибн Абдалвоҳид аш-Шайбоний Мосулдаги Зангийлар

⁵³ Boyle John Andrew. The Mongol World Empire. 1206-1370. London, 1977.

⁵⁴ Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржимаси) Т.: Шарқ, 1999.

⁵⁵ Қаранг: Ойдин Тонарий. Кўрсатилган асар, 3- бет.

⁵⁶ Ибн Халликан. Вафайат ал-а'йан ва анба' абна' аз-заман. Джилд 3. Байрут: Дар Садир. – С. 349.

давлатининг юқори мартабалик амалдори бўлиб, раис уд-девон унвонида Мосул вазирининг Жазират Ибн Умарда волий эди. Давлат хизматидан ташқари, буюк муаррихнинг отаси бой тожир ҳамда Жазират ва Мосулнинг жанубида жойлашган Қаср ал-Ҳарбдаги катта ер, мулкларга эга эди. Абулкарам Муҳаммаднинг учта ўғли бўлгани маълум. Улар ислом оламида буюк ва машҳур олимлар сифатида донг таратган. Улардан Иззаддин Ибн ал-Асир ўртанча ўғил сифатида тарих илмида, катта акаси Абусаодат ал-Муборак ибн Муҳаммад ал-Жазарий – Маждаддин (544-606/1149-1210) муфассир, фоких, муҳаддис ва араб тилининг сарфу нахви бўйича, укалари эса Абулфатҳ Нусуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Жазарий – Зиёуддин (558-637/ 1163-1239) адиб ва филолог сифатида шуҳрат топган⁵⁷. Зиёуддин ал-Жазарий Дамашқнинг ҳукмдори Али ибн Носир ал-Афзал саройида вазир бўлиб хизмат қилгани ҳам маълум⁵⁸.

Ибн ал-Асир оиласи билан Мосулга кўчиб келиб, бошланғич билимлар ва ҳадисларни Мосулнинг хатиби Абулфазл Абдуллоҳ ибн Аҳмади Тусий ҳузурида ўрганади. 21 ёшга тўлганда Ибн ал-Асир ҳажга бориб қайтганда Бағдод шаҳрида ҳадис илмини ўрганиб Мосулга қайтади. Мосул ҳукмдорининг махсус элчиси сифатида у бир неча маротаба Бағдодда бўлган ва шу сафарлари давомида Абулқосим Йаъшо ибн Садақа, Абу Аҳмад Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Суфи ҳузурларида фикҳни ўрганган⁵⁹. Сурияда эса у Зайн ал-Усмон дарсларига қатнашгани маълум⁶⁰.

Илм олиш ниятида Ибн ал-Асир Ироқ, Сурия Фаластин ва Хижоз шаҳарлари бўйлаб кўп сафар қилган⁶¹. 581/1185-86 йили у Мосулда бўлган вақтида султон Салоҳиддин иккинчи марта бу шаҳарга юриш қилади, 584/1188-89 йили тарихчи 28 ёшида мазкур султон раҳбарлигида Сурия ва Фаластиндаги насронийлар билан хочдорларга қарши урушларда қатнашган⁶². 590/1193-94 Ибн ал-Асир Дамашқда эди⁶³.

Мосулга қайтгач, Ибн ал-Асир ҳадислар ривояти билан шуғулланиб, адабиётларни ўрганиб, илмий асарлар ёзиш билан машғул бўлади. У бир муддат Мосул отабекларининг саройида вазир вазифасида ҳам фаолият кўрсатиб, Мосул отабекларининг муҳим топшириқларини бажариб, Бағдоддаги давлат арбоблари ва амалдорлари билан учрашган. Умрининг охирларида Ибн ал-Асир бир муддат Ҳалаб (Алеппо)да шаҳар ҳокими Шихобаддин Туғрул ал-Ходим Отабек Малик ат-Тавоший саройида фахрий меҳмон сифатида яшаб ижод қилади. Шу аёмда Ибн ал-Асир билан буюк тарихчи Ибн Холликон (681/1282-83 вафот этган) учрашгани маълум. Бу вақтда Ибн Холликон 18 ёшда бўлган ва у Ибн ал-Асирнинг комил муаррих ва илоҳиётшунос эканини таъкидлаган⁶⁴. 627/1229-30 Ибн ал-Асир аввал Дамашққа, бир йилдан кейин эса Ҳалаб, сўнгра Мосулга келади. Ҳалабда бўлганида у билан машҳур араб географи ва филологи Ёқут ал-Ҳамавий (ваф. 626/1228-29) учрашиб, ибн ал-Асирдан вафотидан кейин кутубхонаси ва қўлёзмаларини Бағдодга кўчиришини илтимос қилган. Ёқутнинг васиятига розилик берган Ибн ал-Асир бу илтимосни бажара олмай, 25 шаъбон 630/6 июн 1234 йили 75 ёшида оламни тарк этди⁶⁵.

Ибн ал-Асир муҳаддис ҳамда арабларнинг насабларини мукаммал билган олим сифатида шуҳрат қазонган бўлса ҳам уни илм оламида машҳур қилган илмий мероси

⁵⁷ Қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введения и указатели Ш.С. Камалиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. – С. 9. Ибн Асир таржимаи ҳолига оид маълумотлар асосан шу нашрдаги кириш қисмидан олинди. Кириш муаллифи Ш. Камалиддин – М.Э.

⁵⁸ Муфассал қаранг: Ibn al-Athir. / The Encyclopedia of islam. New edition. I-VI volumes. Leiden: E.J. Brill. 1960-1986. Vol. III. – P. 724.

⁵⁹ Richard D.S. Ibn al- and the Later Parts of the Kamil: A study of Aims and Methods / Medieval Historical Writing in the Christian and the Islamic World. London. 1982. – P. 76-77.

⁶⁰ Ibn al-Athir. / Islam Enciklopedisi. Istanbul, jild 5. – S. 852.

⁶¹ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. – С. 8.

⁶² Brockelman C. Geschichte der Arabischen Literature. I SB. Leiden, 1937. – S. 587-588.

⁶³ Richard D.S. Ibn al- and the Later Parts of the Kamil. – P. 77.

⁶⁴ Ибн Халликон. Вафайат ал-а'йан ва анба' абна' аз-заман. Джилд 3. – С. 349.

⁶⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. – С. 9.

орасида “ал-Комил фи-т-тарих” асари алоҳида ўрин тутати. Бу асардан ташқари, Ибн ал-Асир “Тарих Атобака ал-Мосул” (Мосул отабекларининг тарихи) ёки “тарих ад-давлат ал-атабакийя” (Отабеклар давлати тарихи) номли асар ҳам ёзган. Мазкур асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган ва Мисрда ҳам чоп этилган⁶⁶ ва мутахассисларнинг фикрича, бу манба Мосул зангийлари давлати тарихини ўрганишда бирламчи манбадир. Асар Ибн ал-Асир ва унинг отасининг маълумотлари асосида, гувоҳлар ва воқеа иштирокчилари тилидан битилган. Шамсиддин Камолиддин бу асарни Ибн ал-Асир Мосул ҳукмдорлари буюртмаси билан ҳам ёзган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди⁶⁷.

Ибн ал-Асирга яна охиргача ёзиб тугатилмаган “Тарих ал-Мосул” (Мосул тарихи) номли асарни ҳам нисбат берадилар⁶⁸. Бундан ташқари, Ибн ал-Асир Абу Саъд Адулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (506-562/1113-1162)нинг саккиз жилдли “Китоб ал-ансоб” (Насаблар ҳақида китоб) асари маълумотларидан фойдаланган ҳолда уни уч жилдда мухтасар “ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб” (Нисбаларни тўғирлашда Покланиш) номи билан тузади. Шунда у ас-Самъонийнинг баъзи бир хато ва камчиликларини ҳам тузатган. Мазкур асар жумоди-л-увла ойи, 615/июл-август 1218 йили ниҳоясига етган ва ўша даврда нусхалари кенг тарқалган бўлган. Ибн Холликон мазкур мухтасарнинг Самъонийнинг саккиз жилдли нусхасидан ҳам кўпроқ тарқалганини алоҳида таъкидлаган⁶⁹. Ибн ал-Асирнинг “ал-Лубоб”ини 873/1468-69 йили яна бир араб тарихчиси ва филологи Жалоладдин ас-суйутий (ваф. 911/1505 й.) бир жилдгача қисқартириб, уни “Луб ал-лубоб” (Покланишнинг қалби) деб номлади. Ибн ал-Асир ва ас-Суйутининг асарлари бизгача етиб келган ва нашрдан ҳам чиққан.

Ибн ал-Асир қаламига мансуб яна бир асар “Усуд ал-ғоба фи маърифати-с-саҳоба” (Саҳобаларни билишда чангалнинг арслонлари) ёки “Усуд ал-ғоба фи асмо ас-саҳоба” (Саҳобалар исмларида чангалнинг арслонлари), ёки “Ахбор ас саҳоба” (Саҳобалар ҳақида хабарлар) бўлиб, у олти жилддан иборатдир. Мазкур асар ҳам бизгача етиб келган ва унда 7554 саҳоба ҳақида маълумот мавжуд. Асар Мисрда (ал-Қоҳира: Дор уш-Шаъб, 1970) чоп этилган.

Ибн ал-Асирнинг илм ал-баён ва илм ал-балоғага бағишланган “ал-Жомийъ ал-кабир” (Катта тўплам) ва ўз замонасининг қизиқарли воқеаларига бағишланган “Тухфат ал-ажойиб ва турфат ал-ғаройиб” (Ажойиб тухфалар ва ғаройиб ҳадялар) асарлари ҳам етиб келган⁷⁰.

Юқорида айтилганидек Ибн ал-Асирга шуҳрат келтирган асари “ал-Комил фи-т-тарих” саналади. Муаллиф мазкур асарининг асосий қисмини ватани Қаср ал-Ҳарбда ёзган. Бу ерда Ибн ал-Асирнинг катта ва бой кутубхонаси мавжуд бўлган. Баъзи хулосаларга кўра, асар ёзишни муаллиф 595/1198-99 йилгача бошлаган ва аввалбошда унинг номи “ал-Мустақса фи-т-тарих” (Тарихни тадқиқ қилувчи китоб) бўлган⁷¹.

Саккиз жилддан иборат бўлган “Тарихи комил” умумжаҳон тарихига бағишланган асар бўлиб, йилнома тарзида тузилган. Асар араб халифалиги ва барча ислом мамлакатлари тарихини “Олам ва Одамни яратилишидан” то 628/1230-31 йилгача бўлган даврни қамраб олиб, “мусулмон солномалари тарихнавислигининг ёрқин намунаси ва энг юқори босқичи” (Ш.Камолиддин) саналади. “Агарда машҳур географ Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ал-булдон” (Мамлакатлар луғати) асари ўз замонасининг географиясига оид

⁶⁶ Ўша жойда. – Б. 9-10.

⁶⁷ Ўша жойда.

⁶⁸ Тарихчи Ш. Камолиддин бу номдаги асар Ҳожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” асарида тилга олинмаганини таъкидлайди. Қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 10. (Прим. 17 на стр. 410).

⁶⁹ Ибн Халликан. Вафайат ал-а’йан ва анба’ абна’ аз-заман. Джилд 3. – С. 349. Яна қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 10. (Прим. 19 на стр. 410).

⁷⁰ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 11-12.

⁷¹ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12. Яна қаранг: Richard D.S. Ibn al- and the Later Parts of the Kamil. – P. 78-79.

барча маълумотларнинг тўплами бўлса, унинг замондоши Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асари тарихга оид адабиётларнинг тўплами” деса бўлади⁷². Ибн Холликон “ал-Комил фи-т-тарих”ни мусулмон олами тарихининг ёрутгувчи маълум асарлар ичида энг сараси эканини айтиб ўтган⁷³.

В.В. Бартольд Ибн ал-Асир асарларининг қийматини юқори баҳолаб, уни ўз асарларига маълумот тўплаш жараёнида улуг бир виждонийлик ва ўша даврда камдан-кам кўзга ташланадиган танқидий ёндашув билан иш тутганини қайд қилади. Муаррих ўз асарида келтириладиган иккита қарама-қарши фикрдан қайсисини танлашда қийналган ҳолда иккаласини ҳам келтирган. Бундан ташқари, Ибн ал-Асир сиёсий воқеаларнинг баёни билан чекланмасдан Шарқ халқларининг маданиятига оид маълумотларни ҳам келтиради. У турли давр, замонларда ҳукм сурган ғоялар ва қадриятлар, тарихий шахслар ҳамда адибларнинг ҳаққоний тавсифини беради⁷⁴.

Ибн ал-Асирнинг асари ўз замонасида маълум бўлган барча ёзма ёдгорликлар асосида ёзилган бўлиб, араб ва мусулмон манбаларининг тарихий маълумотларини кенг қамраб олган. Жумладан, Ибн ал-Асир асарининг олдинги етти жилди, яъни исломгача бўлган давр ва исломнинг биринчи уч асри тарихи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (ваф. 310/923)нинг “Тарих ар-русул ва-л-мулк” (пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи, ёки “Тарихи Табарий”) асари асосида (302 ҳижрий йилгача даври) ёзилган. Шунинг учун ҳам олимларнинг хулосаларига биноан, иккала асар ҳам ислом тарихининг илк даврига оид муҳим бирламчи манба саналади⁷⁵.

Ат-Табарий ўз асарида барча муаллифларнинг маълумотларини танқидий ёндашмасдан қайта баён қилиш билан чегараланган бўлса, Ибн ал-Асир унинг маълумотларини қайта ишлаб, қисқартирилган ҳолда келтиради, бизгача етиб келмаган бошқа манбаларнинг ахбороти билан уларни тўлдиради. Шундай илова ва аниқ маълумотлар Ўрта Осиё, Миср, Шимолий Африка ва Испания тарихларига оид маълумотлардир.

Ибн ал-Асир асарининг манбалари қаторида бағдодлик машҳур тарихчи Аҳмад ибн Йаҳё ибн Жабир ал-Балазурийнинг (ваф. 279/892) “Ансоб ал-ашроф” (Шарифлар насаблари) асарини тилга олиш мумкин⁷⁶. Хуросон ва Мовароуннаҳр VII асрнинг иккинчи ярмидан то X асрнинг ўрталаригача бўлган тарихини ёзишда Ибн ал-Асир бизгача етиб келмаган Абулҳусайн Али ибн Аҳмад ас-Салламийнинг “Тарих фи ахбори вулот Хуросон” (Хуросон волийлари тарихи) асарида кенг фойдаланган. Ас-Салламий сомонийларнинг амалдорларидан бўлган Абу Бакр Чағоний ва унинг ўғли Абу Алининг яқинларидан бўлиб, ўз асарида воқеалар баёнини Абу Али вафотининг санаси бўлган 344/955 йилгача келтирган⁷⁷.

Саффорийлар тарихига оид маълумотларни Салламий асарида ташқари, Ибн ал-Асир бизгача етиб келмаган, бироқ Ибн Халликон ҳам фойдаланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Азҳар ал-Ахборий (ваф. тақ. 325/936-37)нинг китобидан олган. Ибн ал-Асирнинг “Тарихи комил”ида фойдаланган бошқа манбалари маълум эмас, чунки уларни муаллиф ҳам кўрсатмаган.

Ибн ал-Асир асарининг X асрдан XIII асрнинг бошларигача бўлган маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга. “Бу давр тарихини ёзишда, у тахминан ат-Табарий асарига

⁷² Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12.

⁷³ Ибн Халликон. Вафайат ал-а’йан. Джилд 3. – С. 348.

⁷⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах. Т. 1. Москва, 1963. – С. 46.

⁷⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12. Яна қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. 1. – С. 46.

⁷⁶ Ал-Балазури, Аҳмад ибн Йаҳё. Ансаб ал-Ашроф. Ал-Қоҳира: Дор ал-маориф. 1959.

⁷⁷ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.14.

қилинган барча иловалар ва маҳаллий тарихий асарлардан фойдаланиши мумкин бўлган⁷⁸.

Ибн ал-Асирнинг “Тарихи комил” асари Хоразмшоҳлар ва мўғуллар босқини даврига оид энг муҳим, бирламчи манба саналади. Зеро унинг муаллифи шу даврда яшаган ва кўп воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган. Мазкур давр араб тилидаги яна икки асарда – Шихобаддин Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насавий (ваф. 647/1249)нинг “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мункбурний” ва Минҳожуддин Абу Умар Усмон ибн Муҳаммад ал-Жузжоний (ваф. 658/1250 йилдан кейин)нинг “Табақоти Носирий”асарида ёритилган, холос.

Ибн ал-Асир баъзи воқеалар тафсилотини ахборотчилари орқали олганига ишора қилади. У оғзаки маълумотларни бухоролик бир факих, хоразмлик савдогарлар (12 жилд, 170⁶), дақуқлик бир шахс (196⁶), Алоуддин Муҳаммад ибн Текешнинг амириларида бири бўлган Абу Бакр Тожиддиннинг бир хизматкори (139⁶), мадиналик бир саййид (171⁶) ва бошқалардан олган экан.

Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асари X асргача бўлган тарихни ёритишда гарчи компилятив аҳамиятга эга бўлса-да, хусусий ва умумий масалаларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир⁷⁹. X асрнинг иккинчи ярмидан XII асрнинг ўрталаригача муаррих Ибн ал-Асир бизга кам маълум бўлган, ёки бизгача етиб келмаган кўпгина манбалардан фойдаланган. XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 1230-31 йилгача бўлган даврни ёритишда Ибн ал-Асирнинг асари бирламчи манба сифатида хизмат қилади ва унинг маълумотлари ҳамда ахбороти оригиналлиги билан ажралиб туради.

Ибн ал-Асир ал-Жазарийнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асари қўлёзма ва тошбосма шаклида, турли тиллардаги таржимаси билан илмда маълумдир. Асарнинг қўлёзмалари турли кутубхона ва хазиналарда сақланади. Асарнинг тўла илмий-танқидий матни 1851-1876. С. Торнберг тамонидан 14 жилдда чоп этилган⁸⁰. Асарнинг арабча матни ҳам қайта-қайта нашрдан чиққан. Асарнинг эски ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси 1901-1907 йиллари Хива хони Муҳаммадраҳимхон Соний Ферузнинг фармонига биноан, бир гуруҳ таржимонлар томонидан таржима этилган⁸¹. Асарнинг бошқа нусхалари ва таржималари ЎзФАШИ фондида сақланади (№№ 824, 825, 6679-6802, 7290-7294, 7423-7425).

Ибн ал-Асирнинг асаридан турли давр ва давлатлар тарихига оид парчалари XIX-XX асрларда қисман рус⁸² ҳамда француз⁸³ тилларига ўгирилди, алоҳида тадқиқотлар олиб борилди⁸⁴.

⁷⁸ Ўша жойда. – С. 15. Яна қаранг: Беляев В.И. Арабские источники по истории туркмен и Туркмении // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. -М.-Л., 1939. – С. 37-38.

⁷⁹ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.16.

⁸⁰ Қаранг: Ibn al-Athiri Chronicon quod perfectissimum inscribitur / Ed. C.J. Tornberg. Vol. I-XIV. Upsaliae et Lugduni Batavorum, 1851-1876.

⁸¹ Қаранг: СВР. Т.1. Ташкент, 1954. – №№ 10-18. СВР (История). Ташкент: Фан. 19

⁸² Қаранг: Медников Н.А. Палестина от завоевания ее арабами до крестовых походов по рабским источникам. Т 1-4 / Православный Палестинский сборник. Т. 17. Вып. 2. Спб., 1897-1903; Крымский А.Е. История арабов и арабской литературы. С. 1-3. Москва, 1911-1913; Из летописи Ибн ал-Асира / Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды в переводах В.Г. Тизенгаузена. Т.1. Извлечения из сочинений арабских. Спб., 1884. Мазкур асарнинг қайта нашрига қаралсин: Золотая Орда в источниках. Том первый. Арабские и персидские сочинения. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды в переводах В.Г. Тизенгаузена. / Составление, вводная статья и комментарии Р.П. Храпачевского. Москва, 2003. – С. 11-39; Мазкур асар 2006 йили Алматида тўлдирилган, қайта нашр этилган. Қаранг: История Казахстана в арабских источниках. Том 1. -Алматы:Дайк-Пресс, 2006; Извлечение из «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира. Перевод с арабского И.Н.Леманова и С. Волина // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1.VII-XV вв. Арабские и персидские источники. -М.-Л., 1939. – С. 358-409; Материалы по истории Азербайджана из Тарих ал-Камиль (Полного свода истории) Ибн ал-Асира [Перевод с арабского П. Жузе]. -Баку. 1940; Извлечение из «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира. Перевод с арабского К.Б. Старковой // Материалы по истории киргизов Киргизии. Вып.1. -Москва, 1973. – С. 52-76; Ибн ал-Асир. Kitab al-Kamil fi-t-tarikh (первод с арабского Б.Вахабовой) // Материалы по истории Средней и

Тадқиқотда Ибн ал-Асир асарининг 2006 йилда амалга оширилган рус тилидаги терма таржимаси (Тошкент: Узбекистон. Таржимонлар П.Г.Булгаков ва Ш. Камолиддин) ҳамда Хивада амалга оширилган ўзбекча таржимасидан кенг фойдаланилди.

Ибн ал-Асирнинг «Тарихи комил» асари Хива хони Муҳаммадраҳимхон Соний буйруғи билан ҳижрий 1321/1903-04 – 1325/1907-08 йиллари давомида таржима қилган. Шунда биринчи жилдини Нуруллоҳ муфти эшон Хивакий ва Мулло Муҳаммадшариф охунд (1321/1903-04); иккинчи жилдини Муҳаммадрафиъ ибн Нуруллоҳ махдум Хоразмий (17 рабиъ ас-соний 1322/1 июль 1904 йили); учинчи жилдини Мулло Убайдуллоҳ махдум (тахминан шу даврда); тўртинчи жилдини Домулло Худойберган махдум (таржима 3 зу-л-қаъда 1325/8 декабрь 1907 йили кўчирилган); бешинчи жилдини Домулло Муҳаммадъякуб охунд Бешариғлиқ ибн Дўстмуҳаммад Сўфи (таржимани зу-л-қаъда 1321/январь-февраль 1904 да бошлаб, жумоди ал-аввал 1322/ июль 1904 йили тугатган); олтинчи жилди таржимони Мулло Отаниёз ибн Хўжа Ниёз (1322/1904-05 йили, коиби Домулло Отажон ибн Муҳаммадкарим); еттинчи жилдини Домулло Ибодуллоҳ хўжа охунд ва Домулло Оллоҳберган ибн Домулло Муҳаммадризо (рабиъ ал-аввал 1325/апрель 1907 йили); саккизинчи жилдини Домулло Ибодуллоҳхўжа ибн Иваз хўжа ибн Бобо хўжа (1907-1909 йилларида. Таржимани асл матни билан хон буйруғига биноан, Ота Ниёз охунд ибн Амон Ниёз Сўфи ибн Нурмуҳаммад Сўфи Хоразмий сорлиштириб чиққан, муҳаррири эса Домулло Саййид Ниёз ибн Мулло Муҳаммадъякуб); тўккизинчи жилдни Домулло Ҳабибуллоҳ Хивакий (котиб ва муҳаррири Домулло Рўзмуҳаммад Хоразмий. 1324/1906-07 кўчирган); ўнинчи жилдни Мулло Жумъа Ниёз 4 муҳаррам 1322/21 март 1904 йили таржимага киришиб, 1323/1905-06да тугатган. Домулло Вайс Ниёз ибн Абдалниёз ўн биринчи жилд таржимасини 7 раб ал-аввал 1325/20 апрель 1907 йили бошлаб, уни 28 жумоди ас-соний 1326/ 28 июль 1908 йили таҳрир қилиб, кўчирган. Асарнинг ўн иккинчи жилди эса Домулло Отажон хўжа махдум ибн Домулло Қаландар охунд Хоразмий қаламига мансуб. Таржимани у 1323 йили рамазон ойида/ноябр 1905 йили тугатди⁸⁵.

Ибн ал-Асир ал-Жазарийнинг Хоразм давлатчилиги тарихига оид баъзи маълумотлари Хоразм ва Хоразмшоҳлар тарихининг энг мураккаб даврини ёритадиган манбадир. Унда Хоразмнинг XI-XIII асрдаги тарихи араб тарихчиси томонидан кенг ёритилган.

Хоразм давлатчилиги тарихининг энг мураккаб ва фожиавий даврини ёритишда Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолоддин Манкоберти” (Султон Жалолоддин Мангубертий (ёки Манкубирни) ҳаётининг тафсилоти) асари муҳим ўрин эгаллайди. Айтиш жоизки, Ибн ал-Асир, Насавий ва Жузжонийлар (охирги муаллиф ҳақида куйроқда алоҳида тўхталамиз) Чингизхон, унинг ҳарбий бошлиқларининг юришлари тарихини тўла баён этмаганлар. В.В.Бартольд хулосасига қараганда “улар шундай бир шароитда қолиб кетганларки, шу хавотирли замоннинг фақат бир қисмидан хабардор бўлиб қолганлар, холос”⁸⁶. Ибн ал-Асир шу вақтда Байаннаҳрайн (Месопотамия)да бўлган ва Туркистонда бўлган воқеалар ҳақида тўлиқ маълумот

Центральной Азии X-XIX вв. -Ташкент: Фан. 1988. – С. 93-94; Ибн ал-Асир. «Ал-Камил фи-т-тарих»(перевод со староузбекского Б. Ахмедова) // материалы по истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент: Фан. 2003. – С. 136-190.

⁸³ Қаралсин: Ibn al-Athir. Annales du Maghreb et de L’Espagne. Trad. Ed annote par E. Fagnan. // Revue Africaine. XI. XLI. Alger. 1901/

⁸⁴ Қаранг: Seref ed-din. Ibn Atirler. Stanbul. 1322/ 1904-05; Фролова О.Б. Источник летописи Ибн ал-Асира (XII в) в разделах посвященных истории народов СССР. Автореферат дисс. канд.филол. наук. Л.:ЛГУ, 1954; Richard D.S. Ibn al- and the Later Parts of the Kamil: A study of Aims and Methods / Medieval Historical Writing in the Christian and the Islamic World. London. 1982. – Р. 76-108; Юлдашев А. Ходжент в «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира // Исследование по истории и культуре Ленинабада. -Душанбе, 1986. – С. 101-107.

⁸⁵ Мазкур таржима нусхаларининг бошқа кодикологик хусусиятлари ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 26-30.

⁸⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения, Т. I. -Москва: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 86.

ололмаган. Фақат баъзи воқеалар, айнан Бухоро ва Самарқанднинг босиб олиниши воқеаси гувоҳлари тилидан баён қилинган.

Ан-Насавий эса мўғуллар босқини даврида Хуросонда яшаб (Насада оламга келган, Хурандиз қалъасининг волийси бўлган ва), хоразмшоҳ Жалолиддин хизматига 1223 йили мунший сифатида кирган. Бироқ у бу санадан олдинроқ Хоразмнинг баъзи амалдорлари билан алоқада бўлиб, шу давр Хоразм давлати тарихига оид жуда қизиқарли маълумотларни беради. Туркий ва араб тилларини ҳам билган Насавий ўз асарини Жалолиддин вафотидан 10 йилдан сўнг 1241 йили ёзишга киришган ва 1249 йили вафотидан олдинроқ тугатган.

Ан-Насавийнинг асари араб тилида ёзилган ва унинг тўлиқ бўлмаган икки нусхаси етиб келган. Ундан бир нусха Франция Миллий кутубхонасида ва иккинчиси Британия музейида сақланаётир. Асарнинг арабча матнини 1891 йили Октав Уда нашр этган. Шу олим уни 1895 йили француз тилига ҳам таржима этиб, чоп этган (Paris, 1895. In *RÉLOV*, III^e, sér., vol. IX-X). Шу таржима асосида 1914-1916 йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳид, 1934 йили мустақил тарзда Нажиб Осим асарни турк тилида, 1945 йили Муҳаммад Али Носих томонидан араб тилидан форс тилига, 1953 йили эса О.Уда таржимаси асосида яна араб тилига Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий ўгирган. Асар рус тилида қисман 1850 ва 1900 йиллари чоп этилган. “Сийрат”нинг рус тилидаги тўлиқ таржимаси асарнинг арабча матни билан Зиё Буниётов томонидан 1973 йили Бокуда чоп этилди.

2006 йили Камол Матёкубов мазкур асарни 1973 йилдаги Зиё Буниётов амалга оширилган рус тилидаги таржимаси асосида ўзбек тилига ўгириб, “Султон Жалолдиддин Мангуберди (ҳаёти тафсилоти)” номи билан Тошкентда “O‘zbekiston” нашриётида чоп этган⁸⁷. Китоб таржимоннинг кириш сўзи, таржима ва изоҳлардан (изоҳлар муаллифи Зиё Буниётов) иборат. Асар таржимасидаги баъзи камчиликлар сифатида тарихий шахслар, жой номлари, араб тилидаги асарлар номлари, баъзи истилоҳларнинг ўзбек тилида берилишидаги хатоларни кўрсатиш мумкин).

Жалолиддинга бағишланган шу манба асосида у ва Хоразмшоҳлар ҳақида Ғарбда К. Д’Оссон (бу олим биринчи маротаба 1852 йили “Сийрат” асари ҳақида маълумот берган), А.Мюллер, Ж.Бойль, В.Фишель, В.Одлен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готшалк, Б.Шпулер, Лен-Пуль, В.Розен, Е.Томас, К.Мейман, К. Витфогел, С. Босворт, В.В. Бартольд, А. Иқбол, И. Қафасўғли, О. Тонарий, В. Минорский, Е. Давидович ва бошқалар асарларини ёзганлар.

“Сийрат”да:

1. 1218 йилдан 1231 йилгача Жалолиддин қўл остида вақтинча бўлса ҳам, бўлган салтанатда, яъни Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Озарбойжон, Грузия каби давлатларда бўлиб ўтган воқеалар, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятлари, Чингизхон босқини ҳикоя қилинади;

2. Асарда келтирилган воқеалар тафсилоти Хоразмшоҳлар мавқеида турган тарихчи тарафидан баён қилинади.

3. Ан-Насавий Ибн ал-Асир ва Жузжонийлардан фаркли ўлароқ Хоразмшоҳлар давлатининг ички ва ташқи ҳаёти, Туркон хотун ва унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни, салтанатнинг емирилиши сабаблари, кўчманчи турк қабилаларнинг (айниқса кипчоқлар ва Туркон хотун уруғидагиларнинг) сотқинликлари, Боғдод халифасининг икки юзлама сиёсати, Жалолиддиннинг ички ва ташқи сиёсати (исмоилий ва аюбийлар, ғуррийлар билан муносабатлар), юришларининг сабаб ҳамда оқибатлари янгича асосда баён қилиниб, талқини берилади.

4. Ан-Насавий асаридаги маълумотлари асосида Хоразмшоҳлар давридаги Хоразм давлатчилигининг долзарб муаммоларидан бўлган, шарқ монархияси ва деспотизми масаласи, бошқарувнинг шохалари (вертикал ва горизонтал тарзда), ички ва

⁸⁷ Қаранг: Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. -Тошкент: O‘zbekiston, 2006. – 384 б.

ташки сиёсат, алоҳида шахсларнинг ўрни, гегемон қабилалар ҳамда уларнинг ўтроқ аҳоли билан муносабатларини кенг ёритиш мумкин.

Ан-Насавийнинг асарида ўша даврда ва ундан кейин яшаб ўтган тарихчилардан ал-Макдисий, Абал-Фидо, Ибн Холдун, ал-Фуватий, ал-Айний, ал-Хазражий Ибн Шаддод, аз-Заҳабий, ас-Сафадий, кейинги даврларда эса кўпгина бошқа тарихчилар фойдаланганлар. Кейинги асрларда барча мусулмон оламидаги тарихчилар ўз асарларида Хоразмшоҳлар даври тарихини кенг ёритишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёда жаҳон тарихига бағишланган барча асарларда Хоразмшоҳлар ва Хоразм тарихи алоҳида, махсус баён қилинади. Ана шундай асарлар сирасига Ёкут Ҳамавий, Сибт Ибн ал-Жавзий, Ёсин ал-Умарий, Закарий ал-Қазвиний, Ал-Калкашандий, Ибн Тиктақа, Ибн Тагрибердий, Мирзо Улуғбек, Ибн Холликон, Ибн Қосир, Ибн ал-Ибрий, Ибн ал-Вардий, Ибн ал-Амид, Ғози Аҳмад Ғаффорий, Абулфараж, Байҳақий, Мирхонд, Вассоф, Абулғозий Баҳодирхон ва бошқа ўнлаб тарихчиларнинг асарларини тилга олиш мумкин⁸⁸.

Ўрта Осиёнинг XIII асри тарихини тўлиқроқ баён қилувчи асарлардан яна бири Абу-л-Фазл ибн Муҳаммад Жамолиддин Ал-Қаршийнинг “Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ (Суроҳ луғатига иловалар)” асаридир. Ушбу асар Чигатой улусидаги (1227-1370) Қайдунинг вориси Чопар⁸⁹ ҳукмронлиги даврида битилган ҳамда маҳаллий мусулмон олимга тегишли, мўғуллар ҳукмронлиги даврида айна шу усулда ёзилган ягона тарихий асар ҳисобланади. Айнан шунинг учун мазкур асар мўғуллар ҳукмронлиги даврида (1218-1370) Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон тарихи, ҳамда маданий ҳаётини ёритишда муҳим аҳамият касб этади⁹⁰.

Жамол ал-Қаршийнинг ушбу асари Ўрта Осиё тарихшунослигида мусулмон намоёндаси, филолог, тарихчи, адабиётшунос ҳамда тилшунос сифатида муҳим аҳамият касб этади. Асарни Чигатой улуси ва Қошғар маданияти тарихига бағишланган энциклопедик характерга эга бўлган мустақил равишдаги асар деб ҳисобласак, муболаға бўлмайди. Унда мўғуллар давридаги диний ва дунёвий ҳаёт, ислом маданияти марказлари, Ўрта Осиё шаҳарларининг олиму-уламолари, фозилу-фузалолари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Асарда, шунингдек, автобиографик характердаги кўплаб маълумотларга дуч келиш мумкин.

Маълумки, Чигатой ва унинг авлодлари ҳақидаги маълумотлар Эрон ҳамда Хитой манбаларида берилган маълумотларга нисбатан анчайин заиф берилган ва ана шу даврнинг заиф қисмини Жамол ал-Қаршийнинг “Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ” асари маълум даражада тўлдиради. Шунингдек, айна пайтда мазкур асар XIII аср тарихини баён этувчи ҳамда Ўрта Осиё минтақасида битилган ягона асар бўлиб қолаётганини яна бир марта таъкидлаш лозим.

Муаллиф ҳақида гапиришдан аввал, шуни айтиш керакки, асарнинг матнида муаллиф ўзи ҳақида ҳам кўп маълумот беради. Унга кўра, Жамол ал-Қарший хижрий 628/1230-31 йилида Олмалиқ шаҳрида, шу даврнинг маҳаллий ҳукмдори бўлган Бузархоннинг ўғли Сигноктегин даврида туғилган бўлиб, отаси Боласоғун шаҳри хофизларидан бири⁹¹ ва онаси эса шайх Абу Алишоҳ авлодидан эди.

⁸⁸ Уларнинг асарлари номлари ва таркиби ҳақида муфассал қаранг: СВР (История). -Тошкент: Фан, 1998. (См. разделы: Всеобщая история, История Центральной Азии. – С. 15-252).

⁸⁹ Чопар ибн Қайду ибн Қистой ибн Ўқтой – 1302 йилда тахтга ўтирган.

⁹⁰ Қаранг : Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 611.

⁹¹ Мирзо Хайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида айтилишича отаси Боласоғун хофизларидан бўлган ҳамда Куръонни ва 20 мингга яқин ҳадисни ёддан билган олим, зот бўлган. – Қаранг: Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996.

Муаллифнинг тўлиқ исми шарифи асарда келтирилган бўлиб, – Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холиддир⁹². Бироқ илмий адабиётларда уни кўпроқ Жамол ал-Қарший⁹³ номи билан учратамиз.

У ўз давлати ҳукмдорлари ҳомийлигидан фойдаланиб, давлат ишларидагина хизмат қилмай, Сигноқ-тегиннинг ўғли валиахд Ил-Бутар ва Жўжининг қизи Билган-беканинг тарбиячиси ҳам бўлди. Жамолнинг давлат ишларидаги бу каби фаоллиги ва сулолага яқинлиги, унга “Жамол ал-Қарший” (мўғул тилида – қарши «сарой», жамол эса «хусн, кўрк» дегани)⁹⁴ тахаллусини берди.

Ушбу манба ҳақидаги илк маълумотларни биз Мир Ҳайдарнинг (905/1499-958/1551) «Тарихи Рашидий» асарида учратамиз⁹⁵. Н.Ф. Петровский «Тарихи Рашидий» да эслатилган ва мусулмон олимлари томонидан унга тақдим етилган “Ас-Суроҳ мин ас-Сихоҳ луғатига иловалар”и ҳақида ўзининг асарларидан бирида маълумот беради⁹⁶. «Тарихий Рашидий» асарининг муаллифи ҳам ушбу «Мулҳақот» ўзида муҳим тарихий-адабий маълумотларни жамлаганлиги билан қимматли эканлигини таърифлайди. Рус шарқшунос олими Барон В.Р. Розен ҳам «Ас-Суроҳ»нинг Оксфорд нусхаси ҳақида Петровский мақоласига изоҳ сифатида кўрсатиб ўтади. Лекин 1895 йилида академик В.В. Бартольд Оксфордда бўлганида Барон Розеннинг В. Петровский мақоласи изоҳида берилган кўрсатмасига биноан, “ас-Суроҳ”нинг нусхасини кўриб чиқиб, ушбу нусха «Тарихи Рашидий»да қайд қилинган «Мулҳақот умуман алоқаси йўқлигини айтади. Шунда Барон Розен афсусланган ҳолда вақт ўтиши билан Ўрта Осиёда “Мулҳақот би-с-Суроҳ”нинг яна бошқа нусхалари топилиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда ўзи ҳам бунга ишониб қолади.

Ҳозирга қадар “Мулҳақот би-с-Суроҳ”нинг учта нусхаси маълум бўлиб, улардан икки нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида сақланмоқда. Асарнинг яна бир учинчи нусхаси эса профессор Ш. Х. Воҳидов томонидан топиб ўрганилди ва тўла қонли таржима қилиниб, айни пайтда эса китобхонларни қизиқтирувчи бир китоб ҳолида нашр эттирилди. Аммо Ш. Х. Воҳидов асарни фақатгина таржима қилган бўлиб, ундаги маълумотлар кенг таҳлил қилинмаган. Бизнингча, таржимон ва ноширларнинг вазифаларига ҳам унинг тўлиқ таҳлили вазифаси қирмаган эди. Бугунги кунларда манбанинг мазкур нашридан кенг илмий жамоа фойдаланмоқда.

Маълумки, тарихий китоблар Ўрта Осиёнинг XIII асрдаги сиёсий, маданий ҳамда географик аҳволи бир мунча бўш ёритилган. Айтилган гаплар ҳам узук-юлук бўлиб, бу давр тарихидаги кемтик жойларни тўлдиролмайди. Аммо Муҳаммад ибн Умар ибн Холиднинг биз ўрганаётган “Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ” асари тарихчиларимиз учун айни қулайлик яратади. Чунки Жамол ал-Қарший номи ила шўҳрат қозонган бу муаллифнинг мазкур меҳнати биз учун, авваламбор, айни вақтда Ўрта Осиё тарихидаги ана шу юқорида айтиб ўтилган кемтик жойларни маълум даражада тўлдирса-да, иккинчидан, муаллифнинг бу асари яна такрор бўлса ҳам айтиш даркорки мўғуллар даврида Чигатой улуси ҳудудида мусулмон аҳли илми бўлган шахс томонидан битилган ягона тарихий манба бўлганлиги билан янада қимматлидир⁹⁷.

92 Қаранг: Джамал ал-Қарши ал-Мулҳақот би-с-сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Воҳидова, Б. Б. Аминова. История Казахстана в персидских источниках. Т. I. -Алматы. Дайк-Пресс. 2005. - С. 27.

93 Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. - Москва:Наука. 1963. – С. 485.

94 Қаранг: Бартольд В. В. Мулҳақот ал-Сурах. Сочинение. Т. VIII. -Москва:Наука,1973. 101-б. (8-изоҳ)

95 Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. - Москва:Наука. 1963. - С. 52.

96 Петровский Н.Ф. Башня «Бурана». // ЗВОРАО. Т.VIII. – С. 353. Қаранг: Бартольд В. В. Мулҳақот ас-Сурах. Сочинение. Т. VIII. - Москва:Наука,1973. – С. 101.

97 Қаранг: Джамал ал-Қарши. Ал-Мулҳақот би-с-сурах. - С.19 ; Бартольд В.В. Мулҳақот ал-Сурах. Сочинение. Т. VIII. -Москва:Наука,1973. – С. 101.

Асарда араб грамматикаси, араб-форс лексикографияси, ислом тарихи, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар ҳамда муаллифнинг мемуарлари, Жанд, Барчкент, Олмалиқ каби шаҳарлар ҳақида маълумот акс этган.

Ҳажмига кўра, “Ал-Мулҳақот би-с-Сурах” асари турли хилдаги маълумотлардан иборат бўлиб, 41 боб (зикр) дан иборат. Шубҳасизки, биз учун унинг тарихий қисми, яъни боблари муҳимдир.

Шулар жумласидан, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, “Мўғул ҳукмдорлари ва уларнинг тарихи зикри” қисмлари мавзумиз учун қимматли⁹⁸. Асарнинг бу қисми ўзида мўғул ҳукмдорлари, Чингизхон тарихи, унинг авлодлари ҳамда Чигатой улусининг Чопар (Жаъфар) ибн Қайду (Ҳайду) ҳукмронлик қилган вақтига қадар қимматли ва муҳим маълумотларни мужассам этган.

Мўғуллар саройидаги хизматлари бизнинг муаллиф учун маҳаллий туб аҳолиси вакили ҳамда мусулмон олими сифатида катта ҳурмат-эҳтиром олиб келди. Зеро, у тарих илмида мутахассис бўлмаса-да, лекин ўз даврининг етук адабиётшуноси ва тилшуноси ҳисобланади. Унинг асарини эса Чигатой улуси ва Қошғар маданияти тарихига бағишланган энциклопедик характерга эга бўлган мустақил равишдаги асар деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Унда мўғуллар босқинидан олдин ва кейинги даврдаги диний, дунёвий ҳаёт, ислом маданияти марказлари, Ўрта Осиё шаҳарларнинг олим-уламулари, фозилу-фузалолари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Асарда, шунингдек, автобиографик характердаги кўплаб маълумотларга дуч келиш мумкин.

Асар ҳаққоний тарихий манба ҳисобланиб, унда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар ва ўша даврда яшаб, ижод этган машҳур шайхлар-у, олимлар зикри битилган. Унда бошқа кўлёзма асарларда учрамайдиган маълумотлар ҳам ўрин олган. Жумладан, Қорахонийлар, Қошғар ва XIII асрда Олмалиқда ҳукмронлик қилган Туркий сулолалар, шунингдек, шу даврнинг машҳур шайху уламулари ва улар яшаб, ижод этган давр ҳақидаги маълумотлар ҳам таъкидланган.

Асарнинг “Таниқли амирлар, вазирлар ва буюк шахслар” ҳақидаги боби давлат арбоби, хоразмлик Маҳмуд Яловоч ва унинг ўғли Маъсуд ҳамда унинг авлодларига бағишланган. В.В.Бартольднинг айтишича, айнан шу асарда Маҳмуд Яловочнинг вафот этган йили аниқ берилган (1254). Жамол ал-Қарший уни энг адолатли вазир, ишончли шахс ҳамда ислом намоёндаларининг вафодор ҳимоячиси сифатида кўкларга кўтаради. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозим бўладики, мазкур асардаги воқеалар жараёни, асосан, Моварауннаҳр бўйлаб ёритилгандир.

Шунингдек, асарнинг худди шу қисмида Маҳмуд Яловочнинг вориси Маъсуд ибн Маҳмуд ал-Хоразмий⁹⁹ ҳақида ҳам бошқа манбаларда берилмаган кўпгина қизиқарли маълумотлар эътироф этилади. Жамол ал-Қарший уни ўз замонасининг етук шахси сифатида кўкларга кўтаради. Муаллиф унинг вафот этган йилини шаввол ойи 688/ ноябрь 1289 йил Бухорода деб кўрсатади¹⁰⁰.

Жамол ал-Қаршийга яна «Зубдат ат-таворих» (Тарихларнинг қаймоғи) асарини нисбат берадилар. Форс тилида битилган «Тазкират ат-таворих» асари муаллифи мазкур асарни фойдаланган манбалари рўйхатида берган¹⁰¹. Бироқ ал-Қаршийнинг бу номдаги тарихий асари топилмаган.

Хоразм ва хоразмшоҳлар даври тарихига оид муҳим манбалардан бири бу шоир, адиб ва муаррих Абу Жаъфар Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий (350/961-62–413/1022-23 ёки 427/1035-36 ёки 431/1039-40) қаламига мансуб бўлган «Тарихи

⁹⁸ Қаранг: Ш. Ҳ. Воҳидов, Б. Б. Аминов. Ўша ерда/ Упоминание о монгольских хаканах и изложение их истории. – С. 117-126.

⁹⁹ Маъсуд ибн Маҳмуд ал-Хоразмий – отасидан сўнг 1239-1289 йилларда Туркистон ва Моварауннаҳрни муғуллар номидан идора этган амалдор.

¹⁰⁰ Қаранг : Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1994. Б. 172.; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 5. 2005. Б. 506.; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. -Москва:Наука, 1963. С. 549.

¹⁰¹ Кобулий Абдуллоҳ. Тазкират ат-таворих // Кўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. – № 2093. 2^а варак.

Йаминий»дир. Утбий Ғазнавийлардан Абу Мансур Сабуктегин (366/977–387/1030), Султон Маҳмуд ва унинг ўғли Масъуд саройида хизмат қилган. Араб тилидаги асарини Утбий Маҳмуд ибн Сабуктегинга бағишлангани учун султон Маҳмудга халифа берган «Йамин ад-давла» унвонига атаб «Тарихи Йаминий» деб қайд этган¹⁰². Утбий асари X–XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Ғазнавийлар даврида бўлиб, ўтган тарихий воқеалар тафсилоти баёнидан иборат (асар муқаддима ва 45 боб – зикрдан иборат). «Тарихи Йаминий» мутахассисларнинг тахминига кўра, 412/1021–22 йили ёзилган¹⁰³.

Асарни 602/1205/06 йили Абу Шараф Носих ибн Зафар ибн Саъд ал-Мунший ал-Жарбадақоний форс тилига таржима қилиб, уни Ҳамадон атрофидаги Фарзин қалъасининг ҳокими Улуғ Борбек Аюбга бағишлаган. Мазкур ҳоким Муҳаммад Илдегиз(1172–1186)нинг кули бўлган. Таржимон Утбий асарига «хотима» ёзиб унда 582/1186–582/1186 йилларда содир бўлган воқеаларни баён қилган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Утбийнинг шу форсча таржимаси жуда кенг тарқалган¹⁰⁴. Хоразм тарихи ва Ануштегин Хоразмшоҳлар даври тарихи, кўпинча, шу таржимоннинг иловаларида кенг ёритилган.

Абулфазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий «Тарихи Байҳақий», бироқ «Тарихи Оли Сабуктегин» номи билан шуҳрат топган асарнинг муаллифи. Абулфазл Муҳаммад Сабзавордаги Байҳақ вилоятининг Ҳорисобод қишлоғида 385/995 йили оламга келган. Вафоти 470 йили сафар ойида/1077 сентябрь. Ғазнавийларга бағишланган «Тарихи Оли Сабуктегин» тўла 451/1059–60 йили ёзиб тугатилган. Бироқ асарнинг бизгача етиб келган қисми, кўпинча, «Тарихи Масъудий» номи билан машҳур. Ибн Фундуқ маълумотида қараганда асар 30 жилддан иборат бўлган. Бироқ унинг ҳар бир жилдининг катта ҳажми яна нусхалар кўчирилиб тарқалишига тўсқинлик қилинганига тахминлар бор¹⁰⁵.

Бизгача етиб келган қисмда (V–X - жилдлари) султон Масъуд Ғазнавийнинг охириги ўн йиллик даври (421–432/1030–1041) систематик, йилма-йил берилишга интилиш кўзга кўринади. Бироқ, бу солномада Ғазнавийлардан олдинги сулолалар ҳукмдорлари (сомонийлар, хоразмшоҳлар) га ҳам катта аҳамият берилади. Асарнинг ўнинчи жилди (манбада муджаллад) Хоразм ҳақида алоҳида боб киритилган ва у тўла бизгача етиб келган. Унда Султон Масъуд Ғазнавийнинг Хоразмга нисбатан сиёсати ёритилган¹⁰⁶. Шу қисмларда Байҳақий бизгача етиб келмаган Берунийнинг «Тарихи Хоразм» асарида Маҳмудни Хоразмни босиб олиниши тафсилотларини олган¹⁰⁷.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» (Илмлар калитлари) асарида X асрда Эрон ва Туронда мавжуд бўлган давлатлардаги маъмурий бошқарув терминларига оид муҳим маълумотларни берган¹⁰⁸.

Хоразм тарихига оид яна бир асар муаллифи Абу Аҳмад ибн Саъид ал-Кози (ваф. 346/957)дир. Унинг «ал-Кофий» асари ҳақида Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф уз-зунун» асарида (II, 129) маълумот беради¹⁰⁹.

¹⁰² Утбий Абу Жаъфар Абу Наср Муҳаммад. Тарихи Утбий (Тарих ал-Утбий ал-мусаммо би-л-йаминий). // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. – №3252/V.

¹⁰³ Миклухо-Маклай Н.Д. Описание... – С. 159–165. Яна қаранг: Уватов У. Об Абу Насре ал-Утби и его труде «Тарих ал-Йамини» // Востоковедение. – Ташкент, 1983. – С. 80–87.

¹⁰⁴ Утбий Абу Жаъфар Абу Наср Муҳаммад. Таржимайи Йаминий // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. – №3144/II; 5828. Россия ФА Санкт-Петербургдаги Шарқ Қўлёзмалари институти фондида № В 666 (572 ббсс).

¹⁰⁵ Ибн Фундуқ (асар ёзилишидан юз йилча кейин) мазкур асарнинг тўла нусхасини ҳеч кўрмаганини эслатиб ўтган. Қаранг: Миклухо-Маклай Н.Д. Описание. – С. 162. Академик В.В. Бартольд эса «Тарихи Оли Сабуктегин»нинг фақат аввалги ўн жилдига манбаларда (Жузжоний, Ҳофизи Абўй асарларида – М.Э) ҳаволаларни кўрган экан. Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 68.

¹⁰⁶ Байҳақи. Тарихи Байҳақи(тарихи Масъуди). Бо саъй ва эҳтимоми Ғани ва Файйоз. Техрон, 1324/1945. Рус тилидаги таржимаси: Абу-л-Фазл Бейҳақи. История Масуда. /Вступительная статья, перевод и примечания А.К. Арендса. – Ташкент: Фан. 1962.

¹⁰⁷ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 66.

¹⁰⁸ Ўша жойда. – С. 53. 3-изоҳ.

¹⁰⁹ Яна қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 62.

Абулфутух Баракат ибн Муборак ибн Исмоил (525/1131 йили Нишопурда вафот этган) «Ламаот ат-таворих» (Тарихлар жилоси) асарини ёзиб, унда Салжукийлар тарихини 1106-07 йилгача баён қилган экан. Бироқ бу асар ҳам бизгача етиб келмаган. Ундан баъзи парчалар Имаддин Исфакхонийнинг «Харидат ал-қаср ва жаридат ал-аср» (Қасрнинг сулув кизи ва асрнинг хабарномаси) асарида келтирилгани маълум.

Абу Тоҳир Хотуний (у Султон Муҳаммад Маликшоҳнинг хотини Жавҳархотунга муставфий бўлгани учун шундай нисбат олган) «Тарихи Оли Салжук» (Салжукийлар сулоласининг тарихи) асарини ёзган. Аммо бу асар ҳам бизгача етиб келмаган¹¹⁰.

Шараф ад-дин Абу Наср Анушервон ибн Холид Кошоний (ваф. 533/1138-39) авваллари халифа Мустаршид, кейин Султон Масъуд Салжукийга вазир бўлган киши «Фатарот фи замони-л-вузаро ва вузаро фи замони-л-фатарот» (Вазирлар замонида фатарот ва фатарот давридаги вазирлар) асарини форс тилида ёзган бўлса ҳам, унинг араб тилидаги Имодаддин Исфакхоний таҳриридаги варианты («Нусрат ал-фатра ва усрат ал-фитра» номи билан) етиб келган. Имодаддин воқеалар баёнини шаввол ойи 575/февраль-март 1180 – йилгача давом этган¹¹¹. Шу асарни яна бир марта Фатҳ ибн Али ибн Муҳаммад Бундарий 623/1226 йили қисқартириб, унга «Зубдат ан-нусра ва нуҳбат ал-усра» («Ёрдам» китобининг қаймоғи ва «Паноҳ» китобидан сайланма) ном бериб, унда салжукийлар давлатининг шарқий ҳудудлари, Мовароуннаҳрга оид маълумотларини тўлдирган¹¹².

XII асрнинг охирларида, 590/1194 йилдан кейин Хоразмшоҳ Текешнинг хизматида бўлган Садриддин Абулҳасан Али ибн Носир ал-Хусайний «Зубдат ат-таворих» (Тарихлар қаймоғи) асарини араб тилида ёзган. Ундан бир нусха Британия музейида сақланаётгани маълум¹¹³. Асардаги Текеш давридаги тарихий воқеалар баёни муҳимдир.

Маълумки, XII асрнинг иккинчи ярми XIII асрнинг бошларидаги давр ислом тарихининг энг қоронғу саҳифаларини ташкил қилади. Бизгача етиб келган манбаларнинг маълумотлари бир-бирларига қарама-қарши бўлиб, муҳим тарихий воқеалар саналарини аниқлаш ҳам қийин. Бу муаммога ҳатто В.В. Бартольд ҳам дуч келганини айтган¹¹⁴. Ваҳоланки, бу давр мусулмонлар тарихида муҳим аҳамият касб этади: бу даврда салжукийлар давлати таноззулга дуч келиб, икки янги сулола Ғурийлар ва Хоразмшоҳларнинг юксалиши, Хоразмшоҳларнинг мусулмон рақиблари ва қаро-хитойлар устидан ғолиб чиқишлари, уларнинг тахти итоатида барча ислом оламининг шарқий ҳудудларининг кириши, қудратли империя (салтанат)га айланиши даврига тўғри келади. Ташқаридан шундай қудратли кўринган салтанатнинг ички томондан заифлиги ташқи душман билан тўқнашувида тез намоён бўлгани эса жуда мафҳум.

Хоразмшоҳлар билан ҳамаср бўлган Ғурийлар тарихи Жузжонийнинг «Табақоти Носирий» асарида кенг ёритилган. В.В. Бартольд Жузжоний ўз асарини ёзишда Ибн Хайсамнинг «Қисас ас-соний» асаридан, Фахриддин Муборакшоҳ Марварудийнинг генеалогияга оид асаридан кенг фойдаланганини таъкидлайди¹¹⁵.

Жузжоний – Миҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожуддин Муҳаммад хижрий 5 раби ал-аввал 658/20 февраль 1260 йили ўз асари «Табақоти Носирий»ни Дехли Султони Элтутмишнинг ўғли Носируддин Маҳмуд (644-664/1246-1265)га бағишлаган. Умумжаҳон

¹¹⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 93.

¹¹¹ Мазкур асардан XIX асрга тегишли бир нусхаси Франция Миллий кутубхонасида (№2145) сақланмоқда.

¹¹² Histoire des Seljoucides de L'Iraq par al-Bondârî d'après Imâd ad-dîn al-Kâtîb al-Isfahânî/ / Texte arabe publié d'après Les Mss. D'Oxford et de Paris par M.Th Houtsma, Leide. 1889 (RTHS. Vol. II).

¹¹³ Мазкур асарни Муҳаммад Иқбол 1933 йили Лохурда чоп этган.

¹¹⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 77.

¹¹⁵ Бартольд В.В. О некоторых восточных рукописях. // ИРАН, серия VI, т. XIII. – С. 924. – №4.

тарихига оид мазкур асарнинг 16-чи табақасида Хоразмшоҳлар (18 саҳифада), 23-табақасида эса мўғулларнинг босқини ҳақида (62 саҳифада) маълумот беради¹¹⁶.

Хоразмшоҳлар тарихига бағишланган энг муҳим асарлардан бири ал-Жувайний – Алоуддин Атомалик ибн Баҳоуддин Муҳаммаднинг «тарихи жаҳонкушо» асаридир. Мазкур асарда Жувайний Ибн ал-Асирга ўхшаб, Абулҳасан Али ибн Зайд Байҳақийнинг «Машориб ат-тажориб ва ғавориб ал-ғароиб» («Тажрибалар» покланишининг жойи ва «Ғароиб нарсалар»нинг чўққиси) асаридан фойдаланган («Машориб» Ибн Мискавейҳнинг «Тажориб ал-умам» асарининг давомидир¹¹⁷).

Жувайний асарининг иккинчи жилди хоразмшоҳлар ва Хуросонда ҳукм сурган мўғуллар тарихини 656/1258 йилгача ёритади¹¹⁸.

Фаҳриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ар-Розий (ваф.606/1210) Хоразмшоҳ Текеш учун «Жомий ал-улум» (Билимлар тўплами) номли энциклопедияни ёзган. Бу асар бизгача етиб келмаган.

Бугунги кунгача етиб келмаган Хоразм тарихига оид манбалардан яна бири 80 жилддан иборат бўлган Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Арслон ал-Аббосий ал-Хоразмий (ваф.568/1172-73)нинг асаридир. Мазкур асарнинг қисқача варианты XIV аср компилятори аз-Заҳабийга (ваф.748/1348) мансубдир. Ёқут ал-Ҳамавий Абу Муҳаммад Маҳмуд ал-Хоразмий асаридан фойдаланган¹¹⁹.

Хоразмшоҳлар даври тарихига оид муҳим манбалардан мурассалот (ёки мактубот, иншо) жанридаги асарларни тилга олиш мумкин. Бундай расмий хат ва номалардан иборат тўпламнинг бири Россия ФА ШИ да сақланади. Хужжатларнинг катта бир қисми мунтажабаддин Бадиъ, султон Синжарнинг муншийси қаламига тааллуқли. Тўпламда Рашидаддин Ватвот қаламига мансуб хат ва номалар мавжуд (масалан, Эл Арслоннинг халифа девонига юборилган хати). Тўпламда Отсизнинг Синжарга итоат этгани ҳақидаги номаси, Отсизни ўз исёнини оқлаб, Синжарни айблаши ва ҳ. жуда қизиқарли материаллар саналади¹²⁰.

Иккинчи хужжатлар тўплами «ат-Тавассул ила-т-тарассул» (Мактублар ила яқинлашмоқ) бўлиб, муаллифи Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муаяд ал-Бағдодий, Хоразмшоҳ Текешнинг девони иншоси қаламига мансуб¹²¹. Баҳоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан қатл этилган машҳур шайх Мажидаддин Бағдодийнинг акаси бўлади. Асар матнидан хужжатлар 578-579/1182-1184 йилларга тўғри келади. Бироқ унда кейинги даврга оид хужжатлар ҳам учрайди.

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийга нисбат берилган яна бир асар “Китоб нафсат ал-масдур фи футури замон ал-масдур ва замон ас-судур ал-футур” дир. Мазкур манба 1930 йили Техронда нашр этилди¹²². Эрон олими ва адиби Мирзо Муҳаммад Қазвини бу асарни Муҳаммад Зайдарига нисбат берилиши хато экани ва у ан-Насавийга

¹¹⁶ Табақоти Носирӣ // Қўлёзма. Россия ФА ШИ Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёмалари институти. – № С 426 (572abb). Нашри: Tabaqati Nasiri. Edited by Abdul Hai Habibi. Kabul. Vol.I. 1963. Vol II. 1964.

¹¹⁷ Муфассал қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения. Том I. – С. 78. Прим.3.

¹¹⁸ Жувайний Хўжа Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо. // Қўлёзма Ўзбекистон ФА ШИ. – № 610. 261 варак. Яна қаранг: Тошов Н.И. «Та’рих-и джахангуша» Ала ад-дина Джувайни – ценный источник по истории Центральной Азии XII-XIII вв. Автореферат канд.ист. наук. Ташкент: ИВ АН Узбекистана, 2004. – 22 с.

¹¹⁹ Ёқут. Иршод. Жилд III. – Лондон. 1910. – Б. 212.

¹²⁰ Тўпламдаги баъзи мактублар нашрига қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. Тексты. СПб., 1898. – С. 23-26, 30-32, 43-44.

¹²¹ Китоб ат-Тавассул ила-т-тарассул. Бо саъй ва эҳтимоми Баҳманёр ва муқаддимаи Мирзо Муҳаммадхон Қазвини. Техрон, 1315/1936. Баъзи хужжатларнинг нашри: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. Тексты. СПб., 1898. – С. 73-82.

¹²² Нафсат ал-масдур. Иншои Шиҳобиддин Муҳаммад Хурандизи Насави. Тасҳиҳ ва тавзиҳи дуктар Амир Ҳасан Йаздагирди. Чопи аввал. -Техрон: Тус, Китобхонаи миллии Эрон. 1381. – 948 с. (форс тилида)

тааллуқли эканини исботлаб берган¹²³. Мазкур асарни иронлик тарихчи, адиб ва шоир Ризоқулихони Ҳидоят (1800-1871) нашрга тайёрлаган, ҳамда у шу олим вафотидан анча кейин Ризоқулихоннинг кириш сўзи билан тошбосма шаклида чоп этилган (79+26 варқ, кичик ҳажмда). Ризоқулихон Ҳидоятнинг сўзига қараганда мазкур асарнинг бир нусхасини у Мирзо Абдулло мунший Табаристонийнинг шахсий кутубхонасидан топган. Муаллиф асарнинг нусхаси ҳақидаги бошқа кодикологик маълумотларини бермаган. Фақат унинг 500 йил муқаддам ёзилгани таъкидланган. Асар нашридан сўнг, юқорида номи тилга олинган Муҳаммадхон Қазвиний «Нафсат ал-масдур» матни ва маълумотларини таҳлил қилиб, унинг муаллифи Муҳаммад Зайдари эмас, балки у Шиҳобиддин Муҳаммад Насавий қаламига мансуб эканини исботлашга уринди. Унинг хулосасига қараганда Ризоқулихон «Сийрат» муаллифининг ватани бўлган Хорандиз сўзини «Зейдер» деб ўқиган (асарда бу сўз диакратик белгисиз келган). Хорандиз эса Ниса шаҳрига яқин бўлган қалъанинг номи бўлиб, у асарнинг икки жойида тилга олинган. Муҳаммадхон Қазвиний ан-Насавийнинг иккала асарида учрайдиган, шеърӣ парчалар («Сийрат»да араб тилида, «Нафсат»да форсча), баъзи воқеаларнинг баёни ва тафсилотлари, муаллифнинг биографик маълумотларини солиштирганда шундай хулосага келган. Муҳаммадхон Қазвинийнинг хулосаларини И.Петрушевский ҳам тасдиқлаган¹²⁴.

Шиҳобиддин ан-Насавийнинг ҳар иккала асарида воқеалар баёни юқори мансабдаги амалдор ва шахс тилидан баён қилинади. Масалан, ҳар иккала асарда муаллифнинг Аламутга, исмоилийлар ҳукмдори олдида Жалолиддин фармонида биноан улар томонига қочиб ўтган бир мўғулни Ширкабут қалъасига етказиш учун боргани ҳикоя қилинади¹²⁵. Муаллиф буйруқни бажариб қайтгач, султонни ўз қароргоҳида топмагани, Хоразмшоҳни топмагач, уч ой Ганжада қолиб кетгани, султонга қарши Шараф ал-мулкнинг исён кўтаришини баён қилади¹²⁶.

1231 йили баҳорида муаллиф Хоразмшоҳ саройига келганида, уни Майафориқин ҳокими аюбийлар сулоласидан бўлган Шиҳобиддин ал-Малик ал-Музаффар Ғозий хузурига элчи қилиб жўнатилади¹²⁷. Ҳар иккала асарда ҳам муаллифнинг Амид яқинидаги урушдан сўнг (1231 йили август ойида) Хоразмшоҳни қайта кўрмаганини айтган.

«Нафсат ал-масдур фи футури замон ас-судур ва замон ас-судур ал-футур» (Замона фатаротининг содир бўлиши ва фатарот содир бўлиши замони шамолининг эсиш овози) асари ан-насавийнинг форс тилидаги мустақил асари саналади. Бу асар муаллифнинг эсдаликлари бўлиб, унда баён қилинган воқеаларнинг иштирокчиси ан-Насавийнинг ўзидир. «Сийрат» эса Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳақидаги тарихий-биографик асар ҳисобланади.

«Нафсат ал-масдур» да ан-Насавий ўзининг бошидан кечирган воқеалари, ғам-қайғулари, тақдирини барча тафсилотлари билан баён қилган. Мазкур асар «Сийрат»дан етти йил олдин, яъни 632 ҳижрий шамсий йили (1634-35) ёзилгани маълум бўлади. Бу асарда султон Жалолиддин биографиясига доир маълумотлар камроқ (26-55 бетлар) тилга олинса-да, бироқ унда «Сийрат»да учрамайдиган султон ҳаётига оид баъзи факт ва маълумотларни ўқиш мумкин. Жумладан, ан-Насавий Ганжада бўлган вақтида ганжаликларнинг султонга қарши кўзғолонга тайёргарчилик кўраётганларини ёзади.

¹²³ Қаранг: Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. // Вопросы истории, 1946. – № 11-12. – С. 121-126.

¹²⁴ Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. // Вопросы истории, 1946. – № 11-12. – С. 122. Оқойи Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний. Дар бобби нусхаи «Нафсат ал-масдур» толифи Нураддин Муҳаммад Мунши. / Нафсат ал-масдур. Иншои Шиҳобиддин Муҳаммад Хурандизи Насави. – С. 38-81.

¹²⁵ Воқеа тафсилотлари ҳақида қаранг: Ан-Насавий. Султон жалолиддин Мангуберди (97-боб. Тотоларнинг Султонга Ширкабут чегараларида қилган хужуми баёни) – Б. 266 ва кейингилари. «Нафсат ал-масдур». – Б. 38-44.

¹²⁶ Ўша жойда.

¹²⁷ Воқеа тафсилотлари ҳақида қаранг: Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди (105-боб.) – Б. 287 ва кейингилари. «Нафсат ал-масдур». – Б. 47-48.

Муаллиф жонини хавфга солиб (Ганжа атрофии мўғуллар қўлида эди), Хоразмшоҳ қароргоҳига келади. Султон бу кўзғолон ҳақида ўз муншийсидан ҳам аниқ маълумот олади. Султон Жалолиддин бу кўзғолонни ҳижрий шамсий 628 йили, ражаб ойида (5 май-3 июнь, 1231 йил) бостиради.

«Нафсат ал-масдур»да муаллифнинг Майафориқинга бориб, Шихобиддин ал-Малик ал-Музаффардан элчи сифатида бориб, Хоразмшоҳга мадад беришини сўрагани «Сийрат»дан кўра тўлароқ берилади. Ал-Малик ал-Музаффар элчи ан-Насавий билан хайрлашиш вақтида Беркридан маълумотномани қаптар орқали олади. Унда мўғулларни 50 да гуруҳ билан Беркри давонидан ўтиб келаётганлари ҳақида хабар бор эди. Шундан кейин ал-Малик Хоразмшоҳга мадад бериш фикридан қатъиян воз кечади¹²⁸.

«Нафсат ал-масдур»нинг учдан бир қисми муаллифнинг Хоразмшоҳдан ажралгандан кейин бошидан кечирган воқеалар баёнига бағишланади. И. Петрушевскийнинг хулосасига қараганда бу манбанинг энг қизиқарли қисмини ташкил қилади. Бу тафсилотлар муаллифнинг кейинги асарида учрамайди.

Ан-Насавий «Нафсат ал-масдур»да гувоҳ ва кўпгина воқеаларнинг иштирокчиси сифатида мўғулларнинг босқини, уларнинг Ироқайн, жанубий Арманистон, Озарбойжонда қилган ёвузликлари, қочоқларнинг азоб-уқубатлари, шаҳар ва қасабаларда феодалларнинг ўзаро уруш ва талошларидан тинч аҳоли бошига тушган оғир оқибатлар батафсил ҳикоя қилинади. Ан-Насавий ўз замонининг фожиасини ёрқин инсоний туйғулар билан ҳужжат сифатида ёзиб қолдирган. Унинг эсдаликлари ўша даврнинг бошқа муаллифларнинг (Ибн ал-асир, Киракос Гандзакский, Жувайний ва б.) маълумотлари билан бирга катта аҳамиятга эга.

1231 йил август ойида (628 ҳижрий шамсий йили, шавволида) Амид яқинида (Дажла дарёсининг юқориси) султон Жалолиддин қароргоҳига бир туркман келиб, атрофда бошқа бир қўшин борлигини айтади. Султон уни душманнынг айғоқчиси деб, унга инонмади. Бироқ кечаси билан ухламай ўз чодарида май ичиб ўтирди. Ан-Насавий эса мунший сифатида бошқа бир чодарда ёзиш ва чизиш билан машғул бўлиб, кеч бироз ухлади. Тонг саҳар қароргоҳга мўғуллар ҳужум қилдилар. Султон бир гуруҳ лашкари билан Майафорқинга қочади. Қолган қўшиннинг бир қисми тормор этилди, бир қисми қочиб қутилдилар. Муаллиф яна бир неча қочганлар билан бир ғорда яшириниб, уч кундан кейин Амидга кириб келдилар. Шаҳар ҳокими Рукниддин Масъуд ан-Насавийни зиндонга ташлайди. Уч ойдан кейин бир кеча дарвишларнинг хирқасини кийиб, ан-Насавий ҳибсдан қочади ва кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, аввал Мардинга, кейин Ирбилга Музаффариддин Кўкбурий Бектегиний олдига боради. У ердан у Урмияга, у ерда эса Али Ироқий деган ҳокимнинг зулмидан қочиб, Хойга бормоқчи бўлганида, ҳоким орқасидан қувиб жўнатган даста уни бир йўлдоши билан ушлаб олиб, чалажон қорда ташлаб кетадилар. Тўрт кундан сўнг у мўғуллар томонидан хароб қилган Хойга келади. Бу ердан у аввал Хуросонга бормоқчи бўлиб, бироқ у ерлар хавфли бўлганидан, Арманистон, Диёри Бақр ва Озарбойжондан қочиб келган аҳоли билан Беркри давонидан ўтиб, Майафориқинга кетмоқчи бўлади. Қочоқлар давонга етмасдан яна бир марта йўлтўсарлар тўдаси томонидан талон-торож қилинди. Охир оқибат Майафориқинда ан-Насавий аюбийлардан Шихобиддин Музаффар Ғозий томонидан илиқ кутиб олинди (ҳукмдор уни 1231 йилдаги элчилиги вақтидан биларди). Шу ерда ан-Насавий хоразмшоҳ Жалолиддиннинг ҳалокати ҳақида хабар топди. Музаффар Ғозий саройига султоннинг оти, қурол-аслаҳаси ва кийимлари олиб келинган эди¹²⁹.

Ан-Насавийнинг «Нафсат ал-масдур» асари шу шаҳарда тўрт йил мобайнида ёзиб тугатилди ва у Хуросон ашрофларидан Саъдаддин Жаъфар ибн Муҳаммадга бағишланган. Бу зот 1220 йили Хуросондаги ан-Насавий ҳоким бўлиб турган Хорендиз қалъасида мўғуллар босқинидан панаҳ топган эди. Шунинг эвазига Майафориқинда, менимча, Саъдаддин Насавийга яқиндан ёрдам бергани ва шу сабабдан унинг мадҳи ҳамда

¹²⁸ Қаранг: Нафсат ал-масдур. – Б. 47-48; «Сийрат» даги маълумот: – Б. 287 ва кейингилари.

¹²⁹ Нафсат ал-масдур. – Б.96-100.

хурматига лойиқ бўлгани бўлиши мумкин. Манба сифатида Жалолиддин атрофидаги шахслар, амалдор ва мансабдорларнинг кайфияти яхши ёритилган. Жалолиддин ва унинг яқинлари ислом дини ҳимояси учун «кофир» (татар-мўғул)ларга қарши муқаддас уруш (ғазот) олиб борилганлари талқин қилинади. Энг асосийси, ан-Насавий тавсифида Жалолиддин тирик бир шахс сифатида, барча камчилик ва хатолари билан гавдаланади. Ваҳоланки, кейинги форс тилида ижод қилган тарихчилар (Жувайний, Рашидаддин, Исфахорий, Мирхонд) Жалолиддинни анча идеаллаштирадilar¹³⁰. Хоразм давлатидан кетиб, Эрон, Ҳинд ва араб мулкларида, Кавказда мўғулларга қарши кураш олиб борган Жалолиддин мўғуллар саройидаги тарихчилардан Рашидаддин ва Жувайний томонидан ҳурмат билан тилга олинади, мард ва довюрак ўғлон, қаҳрамон ҳамда ғозий сифатида мактовларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга, албатта.

«Нафсат ал-масдур» ан-Насавий услубидаги мураккаб, муболағали арабизмдан тўла тилда, саждаги классик форс тилида ёзилган. Мутахассислар орасида бундай услуб «сабки ироқий» номи билан машҳур¹³¹.

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низом ал-мулк Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ал-мулк») асари билан ўчмас из қолдирган.

Абу Али Ҳасаннинг бобоси Байҳақ қишлоғининг энг нуфузли деҳқонларидан бўлиб, тўрт нафар ўғилнинг отаси эди. Унинг катта ўғли Абулҳасан Али отаси вафотидан кейин Хуросон волийси Абулфазл саройига бориб хизматга киради. 1018 йилда¹³² унинг оиласида Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон қишлоғида Абу Али Ҳасан оламга келади. У бошланғич таҳсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига киради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Дабирлик мансабидан салжуқийлар шоҳи Алпарслон (1063-1072 йиллар) саройида вазирлик мансабига кўтарилади ва «Низом ал-мулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан шухрат қозонади. Вазирлик даврида у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради.

Низом ал-мулк сарой ва давлатдаги шунчалик катта обрў эътиборига қарамадан ҳасадгўй, ғаразгўй кишилар ва мансабдорларнинг иғволаридан хавфсираб яшарди. Хатто Алпарслоннинг ўзи ҳам вазирини рофизийликда айблаб, унинг шофеий мазҳабида эмаслигидан афсусланарди. Шоҳнинг шундай муносабатини Низом ал-мулк ўз асарида таассуф билан эслайди.

1072 йили Алпарслон ўлдирилганидан кейин Низом ал-мулк унинг ўғли 17 ёшида тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилиб, бу шоҳнинг давлатига ҳам катта мадад бериб, мулкни бошқариб туради. Маликшоҳ уни ўз ҳомийси *отабек* деб атаган. Вазирлиги даврида у кўп олимлар ва машҳур кишиларга ҳомийлик қилиб, моддий ёрдам кўрсатди. Улуғ олим ва шоир Умар Хайём ҳам Низом ал-мулкнинг оқилона сиёсатидан баҳраманд бўлганлиги яхши маълум.

Шу ҳукмронлар даврида Низом ал-мулк Арабистондан Туркистонгача бўлган мамлакатни бошқарган. Бу даврда хатто халифанинг пойтахти бўлмиш Бағдод ҳам Маликшоҳ қўлида эди ва уни бевосита вазири Низом ал-мулк бошқарган. Тарихчи Мирхонд ўзининг “Равзат ас-сафо” асарида (4 жилд, 107 бет) бир воқеани келтирган. Бир куни Маликшоҳ Низом ал-мулк ўғлидан хафа бўлади. У султон шахнасини таҳқир қилган эмиш. Вазири олдида ўз оламларини юбориб, хафа бўлганини билдириб, айтиб юборади: “агарда мамлакат бошқарувида сен менга шерик бўлсанг майли, бироқ менга тобеъ бўлсанг, нимага ўғлинг қилмишларини назорат қилмайсан, у ҳаддан чиқиб кетибтику.

¹³⁰ Ибн ал-Асир ва Жузжоний Жалолиддин тавсифида муболаға қилмайдилар. Грузин ва арман муаллифлари эса Жалолиддинни прозелитизмга айблайдилар. Қаранг: Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. – С. 125.

¹³¹ Яна қаранг: Мужтабо Минави. Шихобаддин Насави ва нураддин Нишопури. / Нафсат ал-масдур. Иншои Шихобиддин Муҳаммад Хурандизи Насави. – С.83-86.

¹³² Низом ул-мулк сўзига қараганда 1092 йили у 96 ёшда экан. Шунинг учун бу санадан олдинроқ Низом ул-мулк оламга келган бўлиши мумкин.

Хоҳласам буюраман, олдингдан давотни оладилар (яъни вазирликдан тушираман сени)”. Низом ал-мулк унга жавоб бердики, сенинг давлату тожинг менинг давотимга боғлиқ, вазирликни мендан олсанг, сендан тожингни оладилар.

Низом ал-мулкнинг оқилона ва адолатли давлат бошқарувидан Маликшоҳнинг номи тарихда қолди. У адл ва инсофнинг буюк меъмори эди ва вазирлиги даврида Бағдод, Басра ва Исфаҳонда “Низомия” номидаги мадрасалар бино қилади.

Маликшоҳ ва унинг вазири Низом ал-мулк давлатида иқтисодий шароит яхшиланган даврда 30 ёшли Умар Хайём (1040-1123) таниқли астроном эди. Уни 1074 йили Сосонийларнинг шамсий таквими (календари)ни ислоҳ этиш учун тузилган гуруҳга раҳбарликка таклиф қилишади. Умар Хайём бу ишни бажариб, девоннинг илмий ва давлат ишларига таклиф қилинди. Бу таклифни Умари Хаём рад этса ҳам Низом ал-мулк унга йилига 1200 туман ҳақ бериб, илмий ва адабий фаолиятини олиб бориши учун нишопурда шароит яратиб беради.

Маликшоҳ салжуқийлар империяси пойтахти бўлмиш Марвда катта обсерватория қурдиради. Саройда илмий маданий муҳит шаклланади. Бўлғуси буюк олим - Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга берилаётган, арабийнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Туғрой кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эдилар. Низом ал-мулк 1067 йили Бағдодда оламга машҳур «Низомийя» мадрасасини қурдиради. Муҳаммад Ғаззолий ўз вақтида шу мадрасада дарс берган.

Низом ал-мулк ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлмиш Ҳасан Сабоҳни ҳам Маликшоҳ саройига жалб этади. Аммо кейинчалик у билан келиша олмай, уни сарой хизматидан четлатади. Улар ўртасида очиқ душманлик муносабати пайдо бўлади. Ҳасан Сабоҳ Мисрга бориб таҳсил олиб, исмоилия мазҳабининг дохийси-тарғиботчиси бўлиб қайтгач, куч билан Қазвин яқинидаги Аламут қалъасини босиб олади ва Маликшоҳ Салжуқий ва унинг вазири Низом ал-мулкка қарши ҳаракатларини бошлайди.

Бундан ташқари, Маликшоҳ ўлиmidан кейин унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш бошланади. Низом ал-мулк Маликшоҳнинг катта ўғли Барқаёриқнинг тахт учун курашувига мадад беради ва бу билан Маликшоҳнинг хотини Туркон хотуннинг ашаддий душманига айланади. Давлат ишларига таъсири жуда сезиларли бўлган Турконхотуннинг бевосита иштирокида Низом ал-мулк вазирликдан олиниб, ўрнига шу хотиннинг яқин кишиси Тоҷулмулк Абулғаноим ибн Хусрави Фируз тайинланади.

Вазирликдан кетган Низом ал-мулк ана шу кишиларнинг иғволари ҳамда Ҳасан Сабоҳнинг иштироки билан Бағдод сафари йўлида, Наҳованд шаҳри яқинида Абу Тоҳир исмли ёлланган қотил тифидан 1092 йили 14 октябрда ўлим топади.

Маликшоҳ тахтдан тушгач, меросхўрлар ўртасидаги тож-тахт учун талашувлар натижасида у бунёд этган обсерватория ёпилиб, Умар Хайём ҳам бу ерни тарк этади. Маданий муҳит таназзулга юз тутаяди.

Маликшоҳ Салжуқий ҳукмронлиги даврида саройнинг фозил ва олимларига давлатни бошқариш қоидалари, тартиботи, усуллари ҳақида бир рисола ёзиб, унда ўтган шоҳлар тарихи ва ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиришларини буюради. Бу рисола, аввало, давлат бошқарув ишларида дастур вазифасини бажариши кераклигини таъкидлайди. Ўзига хос ушбу ижодий беллашувда Низом ал-мулк ҳам иштирок этади. Унинг сўзига қараганда, мазкур ишга Шарафулмулк (Абу Саид Муҳаммад бини Мансур бини Муҳаммад ал-Хоразмий), Тоҷулмулк, Маждулмулк (Абулфазл Асад бини Муҳаммад ал-Қумий) ва бошқалар қўл урадилар.

1091 йили Низом ал-мулк ёзган 39 бобдан иборат «Сиёсатнома» ёки «Сияр ал-мулк» («Подшоҳлар турмуши») номли асар шоҳга манзур бўлади. Сўнгра Низом ал-мулк асарини қайта ишлаб, уни янги боб ва қисмлар билан бойитади. 1092 йили уни кўчириб, Султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг махсус котиби Муҳаммад Мағрибий ан-Носихга топшириб, ўзи Бағдод сафарига йўл олади.

Низом ал-мулкдан кейин, 1092 йили Маликшоҳ ҳам ўлдирилиб, тож-тахт учун кураш авж олиб кетади ва давлат ишлари тартибсизликка учраб, халқнинг аҳволи

ёмонлаша боради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Мағрибий фақат 1105 йилга келиб, яъни Ғиёс уд-дин Муҳаммад бини Маликшоҳ даврида (1105-1118 йиллари) асарни эълон қилишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, котиб Муҳаммад Мағрибийнинг Низом ал-мулкка садоқати ва шижоати туфайли унинг васиятномаси бизгача етиб келди.

«Сиёсатнома» асари яратилган давридан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоҳу ҳокимлар диққатини тортиб келади. Бу асарни султонлар ва бошқа мансабдорлар кўчиртириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар. «Сиёсатнома» Шарқ маданиятини, салжукийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба бўлиши билан бирга, форс адабиётининг дастлабки бадий асарларидан саналади.

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур ўзининг тузукларида улуғ вазир ва давлат арбоби Низом ал-мулк амалларини ҳурмат-эҳтиром билан эслаб, жумладан, шундай дейди: «Масалан, Маликшоҳ Салжукий ўз вазири - Низом ал-мулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулми-ситами ва нафси бузуклиги касофатидан салтанат биноти бузила бошлади». Соҳибқирон бошқа бир жойда Низом ал-мулкни давлатни бошқаришда ибрат қилиб кўрсатиб, унинг фазилатларига таъриф беради: «Низом ал-мулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир».

Амир Темур ақлли, билимдон ва хушёр вазир мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида жуда катта куч эканлиги, подшоҳининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тadbиркорлиги ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиришини олийжанобларча эътироф этади. «Бундай вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар», «давлат шериги билиб, азиз тутсинлар. зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл кўзгусидир», дея қайта-қайта таъкидлар экан, шундай ҳурматга сазовор вазир сифатида яна Низом ал-мулкни мисол келтиради.

Асарнинг тарихий, сиёсий ва бадий аҳамияти шундаки, у салжукийлар ҳукмронлигига оид обрўли манба бўлиб, бу силсила шоҳлари учун давлатни бошқаришда бир дастур тарзида яратилган. Асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабдан асарга, Низом ал-мулк шахсиятига Амир Темур, Алишер Навоий, «Дастур ал-мулк» муаллифи Самандар Термизий, «Осор ал-билод» муаллифи Абу Яҳё Закарийе ибн Муҳаммад ал-Қазвиний ҳамда Ибни Исфандиёр, Ибни Биби, Ибни Тиктак, Хожа Халифа ва бошқа кўплаб улуғ алломаю давлат арбоблари ғоят юксак баҳо берганлар.

Ушбу асар машҳур шарқшунос олимлардан Ш.Риё, В.Дорн, Э.Брове, А.Кристенсен, Ш.Шефер, Т.Нелъдеке, В.В.Бартольд, А.Кримский, Муҳаммад Низомиддин, Файз ал-Ҳасан Файзий, Б.Ғафуров, Б. Аҳмедов ва бошқалар диққатини тортиб, уларнинг жиддий хулосаларига асос бўлган. Кўпгина хорижий нашрларда «Сиёсатнома» асари бугунги сиёсатчилар учун ҳам энг яхши қўлланма сифатида баҳоланади.

«Сиёсатнома» асари ва Низом ал-мулкнинг шахсияти кўп мутахассислар қатори ўзбек олимлари ҳамда ўқувчиларини қизиқтириб келмоқда. Бу асардан баъзи парчалар ва маълумотларни биз академик Бўрибой Аҳмедовнинг мақолаларида ҳамда «Ўзбекистон тарихига оид манбалар» китобида учратамиз.

«Сиёсатнома» ёки «Сияр ал-мулк» асарини олимлар салжукийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низом ал-мулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Ўқувчи Низом ал-мулк асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, ҳикоя ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ахлоқий-тарбиявий, диний далилларга ишонади, асар муаллифининг тили, бадиий тасвир маҳоратига қойил қолади.

Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Хожа Камолиддин Ҳусайн номли шоир ҳақида гапира туриб шундай ёзади: «Хожа Низом ал-мулкнинг ўғлидир. Отасининг таайюн ва иштиҳори бурунги Низом ал-мулкдин ортиқроқ бўлмаса, ўксук ҳам эмас. Ўтибор юзидин анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидин ортти...» Навоийнинг гаплари шуни кўрсатадики, Ҳирот маданий муҳити учун салжуқийлар вазири таниқли шахс бўлган. Шу боисдан ҳам бошқани унга нисбат бериб таърифлапти.

Низом ал-мулк фикрича, адолат ва саховат хайр-садакадан, ночор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга ҳазинадан нафақа ажратиш, инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат, ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш кўришлари кўзда тутилади. Низом ал-мулк шох ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оқсоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Низом ал-мулкнинг яна бир фикри замонамиз билан ҳамоҳанг. Бу ғоя шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат (яъни шох ҳокимияти) жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ҳамда адолат, мурувватда яшайди.

XI аср вазири Низом ал-мулкнинг фикрича, раият аҳли, зулму ситам кўрган ҳар бир киши, умуман норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан бошлаб вазир ҳамда шохнинг ўзигача қабулларига бориб, шикоятчи ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур. У ёзади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб, кўрқиб, бедодлик қилмайдилар».

Низом ал-мулк ҳар бир ғояни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ҳамда салтанатлар тарихи, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради. Давлат бошқаруви ва ҳукуматчиликка у 875-999 йилларда ҳукм сурган сомоний ҳамда ғазнавий султон ҳамда шохларини намуна қилиб кўрсатади. Бу сулолаларнинг намоёндаларини ниҳоятда улуғлаб, баъзан уларга хос бўлган фазилат ва яхши ҳислатларни, хулқ-атворларни эъзозлаб, замона шохларида ҳам шундай сифатларни кўрмоқчи бўлади ва шу йўл билан уларга давлатни бошқариш борасида самимий маслаҳат қилади.

Низом ал-мулк замонасидаги салбий муносабатларни баъзан очикчасига баён қилади, лекин оқил инсон, давлат арбоби бўлганлигидан баъзи ҳаракатлари зое кетаётганлигини яхши тушунади. Ўша даврларда ҳам ҳасадчи ва ғаразли амалдорлар борлиги, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирларига қасд, душманликлари давлат ишлари, халқ ва салтанатга зиён эканлигини яширмайди. «Бизнинг замонда, деб ёзади у, амирлар бир ҳаром динордан чўчимайдилар, ҳақиқатни ёлғонга чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар». Бошқа жойда «ҳозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўкилса ҳам, бировнинг заррача иши йўқ. Олтинларни олганда ҳам бировни жавобгар қилмайдилар, ишни ҳам охиригача олиб боролмайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!»- деб ёзади.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишларини яхши тушунган Низом ал-мулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ

амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг хатосини кўриб, уни дарров ишидан олиш тўғри эмаслиги, уни биринчи маротаба кечириб, яна хато қилмаслиги учун ҳимоя қилиш кераклигини айтади.

Асарнинг баъзи қисмлари ва бобларида халифаларга қарши бўлиб ўтган қўзғолон ва урушлар, исломдаги ҳар хил мазҳаб, жараёнлар, уларнинг намояндалари ва тарафдорлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маздак ҳаракати, Муқанна қўзғолони, Абу Муслим ҳаракати, Озарбайжонда афшин Бобакнинг чиқишлари ҳамда қарматий, ботиний, рофизий, қадария ва шиалар ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф бу воқеаларни баён қилиб, уларнинг сабаблари ва оқибатларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг энг асосий хулосаси шундан иборатки, марказий давлат ягона бир ғояга соҳиб бўлмаса, ҳар хил ғоя ва фикр тарафдорлари ҳукумат учун курашадилар, бу мақсад эса қон тўкишлар ва зулму ситамларга сабаб бўлиши мумкин. Марказий ҳукумат, давлат, шоҳу ҳокимлар халқ бирлиги, давлат истиқлоли, қудрати ва мудофаасини таъминлаш учун куч-ғайратларини сарфлашлари зарур, деган ғоя етакчи ўринда туради.

«Сиёсатнома» мавзу жиҳатдан жуда кенг қамровли ва сермазмун асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, хазина ва байтулмол, элчиларга муносабат, ҳатто шоҳнинг оилавий ишлари, унинг базм ва мажлислари, хос ходим ва шахсий соқчилари ҳақида маълумот ҳамда маслаҳатлар бор. Асардан молия ва хўжалик ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Улар баъзан керакли даражада очиқ берилган бўлмаса ҳам, муайян тадқиқотларга озуқа бўла олади.

Асар ҳозирги давр сиёсатчилари, давлат амалдорлари ва мансабдор кишилари, умуман ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий руҳ ва куч беради, деб ўйлаймиз.

Асарнинг бадий қиймати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли ҳикоятлар воситасида исботлаб, мустаҳкамлаб боради. Қарашлари ўқувчига тезроқ етиши учун турли тарихий шахслар, ҳар хил қаҳрамонлар ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятларни келтиради. Салжукий ҳукмдорларга панд-насихат қилаётган муаллиф, асосан, илгари ўтган ҳукмдорлар билан боғлиқ воқеаларни келтириш билан уларнинг ижобий хусусиятларини замонаси шоҳлари, ўтмиш ҳукмдорларига намуна қилиб кўрсатишни истади. Салбий жиҳатларни тилга оларкан, уларнинг оқибатларидан сабоқ беради. Асарнинг тили соддалиги билан китобхонни ўзига тортади. Низом ал-мулкнинг баён услубидаги публицистик руҳ ҳам асарни ўқимишли қилган.

«Сиёсатнома», – деб ёзади Б.Н.Заходер, – бу жиддий сиёсий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукумат парчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, кучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа текшириш воситаларини яратишга чақиради»¹³³.

«Сиёсатнома»нинг энг қадимий нусхаси Британия музейида (АДД 23516) ҳамда Берлинда сақланади. Бу нусхалар 1168-69 йили Урмия шаҳрида амир-ҳожиб Алп Жамалиддин фармонига биноан кўчирилган, Шарл Шефер 1291 йили кўчирилган бошқа нусхадан фойдаланиб, асарни француз тилига ўгириб ва 1893 йили нашр этган. 1914 йили Калкутта шаҳрида асарнинг тош босма нусхаси ҳам чоп қилинган. Кейинчалик, 1932 йили Техрон шаҳрида Иброҳим Халҳолий иштирокида «Сиёсатнома» асари беш нусха асосида солиштирилиб, босиб чиқарилган.

¹³³ Қаранг: Сиасатнаме. Книга о правлении визира XI столетия Низам аль-мулька. -Москва-Ленинград: Наука, 1949, 242 бет.

Низом ал-мулкнинг бу асарини Б.Н.Заходер кўп йиллик тадқиқотларидан сўнг 1949 йили рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. 1960 йили асар инглиз тилида чоп қилинди.

«Сиёсатнома»нинг яна бир нашри 1989 йили Душанбеда амалга оширилди. Асарни нашр этган олим А.Девонакулов ўзининг сўз бошисида асарнинг асосан бадиий аҳамиятини умуминсоний қадриятлар жиҳатидан таҳлил этган. Аммо бу нашр баъзи камчиликлардан ҳоли эмас: асарнинг баъзи боблари тушириб қолдирилган.

«Сиёсатнома»нинг ўзбек тилига илк бор Шодмон Воҳидов ва Афтондил Эркиновлар томонидан таржима қилиниб чоп этилган (Тошкент: Адолат, 1997. Иккинчи нашри: Тошкент Янги аср авлоди, 2008.)

Форс тилидаги кейинги аср тарихий асарлардан Хоразмшоҳлар даври тарихи Носираддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Имомаддин Абулқосим Умар ибн Фахриддин Абулҳасан Али ал-Базавийнинг (вафоти 684/1285-86) «Низом ат-таворих» асарида¹³⁴ (Ўз ФА ШИ 9720 рақамли нусхадаги тўртинчи қисмидаги Хоразмшоҳлар ва мўғулларга бағишланган бобларида. 72^а-82^а; Санкт-Петербургдаги В 234-2 (266bb) рақамли нусхада 148^а-154^б варақлар) ҳам Аббосийлар халифалари тарихи доирасида мавзуга оид баъзи масалалар ёритилади¹³⁵.

Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфий Қазвинийнинг (ваф.750/1349-50) «Тарихи гузида» (Сайланган тарих) асари машҳур тарихчи Рашидаддиннинг ўғли Ғиёсиддин Муҳаммадга (736/1336 ўлдирилган) бағишланган. Унинг асарининг тўртинчи бобидаги «Ислом даврида бўлган сулолалар» қисмида еттинчи сулола сифатида Хоразмшоҳлар (163^а-168^б) даври тарихи ва улар билан замондош бўлган бошқа сулолалар даври ёритилган. Унда Хоразмшоҳлар сулоласининг намояндалари, уларнинг халифалик билан бўлган муносабати, Хоразмшоҳнинг мўғуллар билан олиб борилган сиёсати, мўғуллар босқини ва унинг оқибати ёритилган (186^а-201^б варақ)¹³⁶.

Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абу Бакр Шабонгарой (693/1293-94–733/1332-33) «Мажмаъ ал-ансоб» (Насаблар тўплами) асарида компилятив тарзда умумжаҳон тарихини Одам ато давридан бошлаб баён қилади. Асар иккинчи жилдининг иккинчи қисми учинчи бобида Аббосийлар даврида ҳукм сурган сулолалар тарихи берилган. Муаллиф унда саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, дайлабийлар, салжукийлар, ғурийлар, исмоилийлар ва хоразмшоҳлар тарихини қисқа ёритиб беради.

Муинаддин Натанзий ўзининг «Мунтахаб ат-таворихи Муиний» асарини теурийзода Форс ҳукмдори Искандарга (1409-1414) бағишлайди. Умумжаҳон тарихига бағишланган асарнинг иккинчи жилди бутунлай Аббосийлар халифалиги даврида ҳукм сурган сулолалар тарихига бағишланган. Асарда Хоразмшоҳлар даври «Хоразм султонлари» номи билан тилга олинган (171^б-177^а). Асарнинг учинчи жилди турк ва мўғул қавмлари тарихи, мўғул хонлари тарихи амир Темур давригача кенг ёритилади. Учинчи жилд ҳам мўғуллар, уларнинг босқини ва оқибатларини ўрганиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этади¹³⁷.

Машҳур тарихчи Мирхонд (ваф. 2 зу-л-қаъда 903/ 24 февраль 1498 йил) Алишер Навоий ҳомийлигида «Равзат ас-сафо фи сийрат ал-анбий ва-л-мулк ва-л-хулафо» (Анбиё, шоҳлар ва халифалар ҳаётларининг сафоли боғи) асарини (олтита жилдини) 1498 йили ёзиб тугатган. «Равзат ас-сафо» кўп форс ва араб тилида битилган манбалар асосида ёзилган. Муаллифнинг ўзи муқаддимасида 25 форс тилида ва 15 араб тилидаги асарларни

¹³⁴ Ал-Базавий. Низом ат-таворих. // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – № 9720. 80+3 вар.; Шу муаллиф. Низом ат-таворих. // Қўлёзма. Россия ФА Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти. – № В 234-2 (266bb)

¹³⁵ Мазкур асар нусхаларининг тавсифи ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 30-32; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения. Вып. 3. – С. 39-46.

¹³⁶ Асар нусхаларининг тавсифига қаралсин: СВР (История). – 36-36; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения. Вып. 3. – С. 59-66.

¹³⁷ Мунтахаб ат-таворихи Муини мансуб ба Муин ад-дин Натанзи. Ношир Ж.Обен. Техрон. 1336/1957.

ўз манбаси сифатида тилга олади. Муаллиф манбаларининг баъзилари бизгача етиб келмаганини инобатга олсак, унинг асарининг баъзи қисмларини нақадар аҳамиятли эканини тушуниб қолади киши. Мавзуимиз доирасида Мирхонд асарининг тўртинчи ва бешинчи жилдлар (қисм, дафтар, мужаллад)и жуда муҳимдир.

Мирхонднинг мазкур асари ҳам Хива хонлари ва Муҳаммадраҳимхон биринчи (1221/1806–1240/1825), Муҳаммадамин (1262/1846–1271/1855) Муҳаммадраҳимхон Соний «Феруз» (1282/1864–1328/1910) буйруғи билан таржима қилинган. Татқиқот мавзуига тегишли тўртинчи ва бешинчи жилдларини Муҳаммад Юсуф Рожий ибн қози Хўжамберди Хоразмий Муҳаммадамин буйруғини Муҳаммадьяқуб меҳтар орқали олиб амалга оширган¹³⁸.

Бундан ташқари, ўзбек тилида «Равзат ас-сафонинг хулосаси», яъни қисқа вариантини Эшонжон ибн Муҳаммад хўжа Тошкандий (Хўжаев, 1872–1953) 1947 йили ўқув қўлланма сифатида тузган ва унга шахсларнинг кўрсатгичини ҳам берган¹³⁹.

Хулосат ал-ахбор фи баёни ахвол ал-ахёр» муаллифи Ғиёаддин ибн Ҳумомаддин Муҳаммад Хонадмир (ваф. 942/1535–36) бўлиб, унда умумжаҳон тарихи «оламнинг яратилишидан» 875/1470–71 йилгача бўлган тарих ҳикоя қилинади. Асарнинг саккизинчи «мақола» си Аббосийлар даври (212^а– 312^а) ва улардан кейинги сулолалар тарихи, туққизинчи қисмида эса мўғуллар даври (312^б–349^а) баён қилинади¹⁴⁰.

Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афроди-л-башар» асарини ўзининг ҳомийси Каримаддин Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишлайди ва унинг иккинчи жилдини мавзуимизга даҳли бор¹⁴¹. Мазкур жилднинг учинчи ва тўртинчи жузвида Аббосийлар ва шу халифалар давридаги машҳур сулолалар тарихи баён қилинади¹⁴².

Мазкур боб бўйича қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

- Хоразмшоҳлар давлатида давлат ташкилоти, давлатчилиги негизини Сарой, Ҳукумат, Ўрду (Қўшин) ва Дор ул-қазо (суд маҳкамаси) ташкил этган.

- Хоразмшоҳлар давлатида давлат мансаблари маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинган.

- Мамлакатнинг бутун ҳудуди маъмурий жиҳатдан вилоят ташкилоти, яъни вилоят ва вилоят вазирликларига бўлинган.

- Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий ташкилоти сарой ва ҳукумат ташкилоти сингари бўлган.

- Хоразмшоҳлар давлатида марказлашган адлия ташкилоти мавжуд топган бўлиб, бу ташкилот шарият суди ва урф-одатга кўра ҳукм чиқаришга асосланган. Қозилар султон томонидан тайинланган. Қуйи судлар юқори судларга тобе эди. Шарият судларидан ташқари, урф ва қонунга асосланган айрим суд муассасалари мавжуд бўлган.

¹³⁸ Шу таржима нусхасидан Ўзбекистон ФА ШИ фондида иккитадан (№№1813(IV ва V жилдалар), 7415(IV жилди), 7393(V жилди)) сақланади. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси нусхаларининг тавсифи ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 61–66; Бошқа нусхалари: Каталог фонда Института Рукописей АН Ўзбекистана. Том I. – Ташкент:Фан. 1989. – С.295 (IV жилд. –№ 1383). Форс тилидаги учинчи ва тўртинчи жилдларидан нусха шу захирада (бугунги кунларда Ўзбекистон ФА ШИ-3) 4282 рақамда сақланарди. Қаранг: Каталог фонда Института Рукописей АН Ўзбекистана. Том I. – Ташкент:Фан. 1988. – С.279.

¹³⁹ Хулосат «Равзат ус-сафо» // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. – №9101/І. – 315+14 с. Айни шу муаллиф Мирхонд асарининг биринчидан еттинчи жилдларигача бўлган барча биографик маълумотларни жамлаб форс тилида 1947 йили «Хулосат «Равзат ус-сафо» асарини тузган(№ 9587/ І, 9102, ҳажми 143 вар). Худди шу муаллиф яна «Равзат ус-сафо»даги барча исмлар кўрсатгичини «Асмо ар-рижол «Равзат ус-сафо» номида тузган ва у ҳам юқоридаги асарлар билан бирга Ўзбекистон ФА ШИ сақланади (№9548).

¹⁴⁰ Хондамир. Хулосат ул-ахбор фи баёни ахвол ал-ахёр. // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. №5365. – 440 варақ. Қолган нусхаларининг тавсифи: СВР (История). – С.68–69.

¹⁴¹ Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди-л-башар. Дар ҳафзор жилд. Бо саъй ва эҳтимом, пешгуфтори Жалол Ҳумойи. Техрон, 1333/1954.

¹⁴² Мазкур асарнинг бир неча нусхаси Ўзбекистон ФА ШИ хазинасида сақланади (Иккинчи жилдининг рақамлари: 2153, 157^б–350^а вар.; 4399; 4431; 5173). Яна қаранг: СВР (История). – С. 70–73. Бошқа нусхалари: Миклухо-Маклай Н.Д. Описание... – С. 115–125.

– Хоразмшоҳлар кучайиб кетган бир замонда у Шарқда шаклланиб, ривожланаётган Чингизхон империяси билан рўпара келиб, у билан тўқнашди. Бу тўқнашув ва Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлати ҳудудларига бостириб кириши аниқ сабаблар, ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Хоразмшоҳ ва унинг ҳукумати бир неча стратегик ва тактик хатоларга йўл бериб, мамлакатни қўлдан бой бердилар.

– Чингизхоннинг босқини бу кўчманчилар ҳарбий-қабилавий тизимининг маданий ўтроқ турмуш тарзига тазйиқи ва босқини эди. Унинг натижасида катта маданий ҳудудлар вайронагарчилик ва тушкунликка дуч келди. Бу босқинчиликнинг оқибатлари узок йиллардан кейин, фақат амир Темур даврида халқимиз ўлкан жасорат ва меҳнати билан бартараф этди.

– Муғуллар босқинига қарши курашни ўн йилдан кўп даврда Жалолиддин Мункбурни бошқарган. Унинг жасорати, қаҳрамонлиги ва ҳаёти турли-хил қарама-қаршилик ва хатоликлардан холи эмас.

– Юқоридаги барча мавзулар Хоразм воҳасининг айна шу мураккаб ва фожиали тарихи, маданий ва маърифий ҳаёти ўша даврда ёзилган араб ва форс тиллардаги тарихий асарларда ўз аксини топган.

2.2. Ўрта асрлар Хоразм ижтимоий – иқтисодий ҳаётининг хориж манбаларида акс этиши.

Х асрга оид бўлган бир қатор тарихий ва археологик ашёвий далиллар Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан тез юксалиш жараёнини бошидан кечирганлигини исботлайди. Ушбу прогрессив жараён Хоразмдаги шаҳарларнинг гуркираб ўсишида ўз аксини топди. Араб тарихчиси Табарий араблар Хоразмни истило қилган вақтда фақат 3 шаҳар — Кат (Фир), Ҳазорасп ва Урганч бўлганлигини кўрсатиб ўтганди¹⁴³. Яна бир араб тарихчиси Ал-Истаҳрий тахминан 930-933 йилларда Хоразмдаги шаҳарларни санаб ўтаркан: Хоразм (Кас), Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузбар, Кардаронхос, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония (Гурганж)¹⁴⁴ каби ўн учта номни тилга олади. Ниҳоят, 985 йилда Хоразмга келган араб муаллифи ал-Макдисий воҳа шаҳарлари сони 32 бўлганлигини ёзади. Жумладан, у Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Кас, Гардман, Ойхон, Арзахива, Нукфаг, Кардар, Миздахқон, Жашира, Садвар, Зардух, Баратегин, Мадкаминия; чап қирғоғида жойлашган Журжония (Гурганж), Нузвар, Замахшар, Рузунд, Вазарманд, Васкаханкас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаронхос, Ҳазорасп, Жигарбанд, Жаз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Садвар, Масасан, Кардар, Андарстан¹⁴⁵ каби шаҳарлар борлигини кўрсатган. Бундан ташқари, Хоразмга борадиган йўлларда Шўраҳон, Хас, Нузкат, Дарсон, Жувикан, Амир, Барабсар, Вардара каби аҳоли пунктлари бўлганлиги таъкидланади.

Хоразмда шаҳарларнинг пайдо бўлиши, деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, айниқса сунъий суғориш жарёни кенгайтириши унга кучли туртки берган. "Ҳазораспдан бошлаб Жайхун қирғоқларида каналлар қазилган, — деб ёзганди ал-Истаҳрий. — Улар орасида Ҳазорасп канали ҳам бўлиб, узунлиги жиҳатидан у Гавҳара каналининг ярмига тенг келади. Кейин эса Ҳазораспдан икки фарсах масофада Кардаронхос канали бўлиб, у Ҳазорасп каналидан каттадир. Ундан сўнг Хива канали келади ва у Кардаронхосдан катта, ундан кемалар то Хивагача қатнаб турганлар"¹⁴⁶. Демак, Истаҳрийнинг кўрсатишча, Амударёнинг чап соҳилида Ҳазорасп (Хасса канали), Кардаронхос (Қалъажик, Довуд қалъа канали), Хива (Полвонёп), Мадра (Ғазовот), Бува (Ёрмиш) ва Вадак (кейинги Шоҳобод) каналлари бўлган. Бува ва Вадак

¹⁴³ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 250-б.

¹⁴⁴ МИТТ, т. I, с. 178.

¹⁴⁵ Ал-Макдиси, текст, 286-289; МИТТ, т. I, с. 186-188.

¹⁴⁶ МИТТ, т. I, с. 179.

каналларининг охири кўшилиб, Журжония (Гурганж) гача етказилган¹⁴⁷. Бу каналлардан кўпларида кемалар қатнаб, улар ички савдода ўзига хос артерия ролини ўйнаган.

Шаҳарларнинг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири бўлиб, янгича асосда юксала бошлаган Хоразм шаҳар цивилизациясининг атрофдаги даштлар ва узоқдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари мустаҳкамланаётгани ва кенгайиб борганидан далолат беради. Хоразмлик савдогарлар, худди қадим замонлардагидек, Туркменистон ва Ғарбий Қозоғистон ўрнида бўлган дашт кўчманчилари билан, Волга бўйи — Хазория (кейинчалик Дашти Қипчок) ва Булғория билан, ниҳоят, Шарқий Европадаги кенг славянлар олами билан савдо-сотик алоқаларини кучайтирдилар. X асрдаёқ юқоридаги ҳудудлар билан савдо-сотик муносабатлари кенгайганлиги тўғрисида ва умуман хоразмликлар ҳақида Истаҳрий ёзганди: "Хоразм — ҳосилдор, озиқ-овқати ва мевалари кўп шаҳар (мадина), фақат ёнғоғи йўқ; бу ерда пахта ва жундан кўп нарсалар тайёрланади ҳамда бу нарсалар узоқ-узоқ жойларга элтилади. Аҳолисининг ажралиб турадиган хусусияти — бойлиги ва мардлик кўрсатишга интилишидир"¹⁴⁸. X аср охирида ёзилган "Худуд ал-Олам" асарининг муаллифи Кат шаҳри тўғрисида қуйидагиларни ёзади: "Шаҳарнинг бойлиги катта. Бу ердан ёстик жилди, қавима кийим-бош, ип газлама, кигиз, қора уй, рухбин (пишлоқнинг бир тури) чиқарилади"¹⁴⁹.

Ал-Мақдисий Булғордан келтирилган моллар қатори Хоразмнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳам кўрсатиб ўтган: "Хоразмда узум, майиз кўп, бодом мағизи, кунжут, йўл-йўл кийим-бошлар, гиламлар, кўрпалар, ажойиб кимхоб, "мулхам" деган чойшаб, қулф, рангли кийимлар, энг кучли одамларгина эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлоқ, зардоб, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади"¹⁵⁰. Ал-Мақдисий келтирган рўйхатда Хоразмдан ташқарига чиқариладиган моллар ичида металл ишлаш (қулф), қуролсозлик (камон), кемасозлик саноати маҳсулотлари ҳам бўлганлигини кўрамыз. Хоразм хунармандчилик саноати маҳсулотларининг мамлакатдан четга чиқарилган турлари йилдан-йилга анча кўпайганлиги билан уларнинг ҳаридорғирлиги ҳам ошиб борганди.

Мўғул-татарлар истилоси арафасида Хоразмда бўлган машҳур араб сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавий ўзининг "Муъжам ал-булдон" ("Мамлакатлар луғати") асарида шундай деб ёзганди: "Мен у ерга 616 йили (1219-1220) борган эдим. Ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган ўлкани кўрмаганман. Экинлари ёппасига парвариш қилинган, қишлоқлари бири-бирига яқин қаторлашиб кетган, алоҳида ҳовли-ю-чорбоғлари кўп. Даштда ҳам кўраю кўрғонлар бор. Ўлканинг рустоқларида (деҳқончилик туманларида) парваришланмаган, нообод жойни топиш қийин. Яшил дарахтзорлар, айникса, гужуму тут кўп, чунки улар (аҳоли) қурилиш ёғочларига муҳтож, тут барги эса ипак қуртига емдир. Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми (аҳоли кўплиги жиҳатидан) — бунинг фарқ йўқ. Дунёнинг ҳеч бир ерида Хоразмдек фаровон ва аҳолиси гавжум юрт бўлмаса керак. Хоразмнинг кўпчилик аҳоли манзиллари — бозорларга, ҳаётий зарур нарсаларга мўл-кўл, расталари кўп шаҳарлардир. Бозори бўлмаган қишлоқ камдан-камдир. Буларнинг ҳаммаси умумий хавфсизликда ва тинчлик-хотиржамликда амалга ошмоқда"¹⁵¹.

Мўғуллар истилоси арафасидаги ва ундан кейинги Хоразмда мавжуд шаҳарларларда Шарқона хусусиятлар тўла мужассамлашганди. Ўрта аср форс тарихчиси Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвинийнинг ёзишича: "Ҳар бир шаҳар ўртасида яна бир кичик шаҳар бўлган. Кичик шаҳарнинг ўртаси кўҳандиз деб аталган. Марказдаги кичик шаҳарларни шаҳристон ёки арабча — мадинат ус-суғро (кичик шаҳар) деб атаганлар. Унинг атрофи девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳристон атрофида катта шаҳар —

¹⁴⁷ Ўша жойда, 179-б.

¹⁴⁸ МИТТ, т. 1, с. 180.

¹⁴⁹ МИТТ, т. 1, с. 216.

¹⁵⁰ МИТТ, т. 1, с. 202.

¹⁵¹ МИТТ, т. 1, с. 419.

мадинат ул-кубро бўлиб, у ҳам девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Катта шаҳар атрофларида эса узумзорлар ва мевали боғлар, уларнинг тевагагида — экинзор далалар бор эди"¹⁵².

Хоразм шаҳарларида ҳаёт қайнаб, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ғоятда ривожланган. Ҳунармандлар ишлаб чиқарган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам-поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, совун, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуғлар, ҳўл мева, қуруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда ҳаридоргир бўлган.

1219 йилда шаҳарда бўлган Ёқут Ҳамавий: "Мен Гурганж каби буюк, бой ва гўзал шаҳарни кўрмадим", — деб таҳсинлар айтганди¹⁵³. Закарийё Қазвиний эса Гурганж ҳақида сўз юритаркан: «У Жайхун дарёси бўйидаги жуда катта шаҳар ва аҳолиси жуда кўп. Уни жаннатдаги шаҳар ва чимилдикдаги келинчакни кўриклагандай, фаришталар кўриқлайди", — деб ёзган эди¹⁵⁴.

Тарихий манбаларда Хоразмнинг бошқа савдо шаҳарлари тўғрисида ҳам кўп маълумотлар сақланиб қолган. 922 йилда Хоразмда бўлган араб дипломати Ибн Фадлан «Ардахушмисан бозорлари гавжум ва аҳолиси фаровон, катта шаҳар. Ардахушмисан Кат ва Гурганж оралиғида жойлашган ҳамда Амударё бўйидаги шаҳар бўлиб, унга сув йўли орқали борилади»¹⁵⁵, — деб ёзганди. "Худуд ал-Олам" асарида «Ардахушмисан савдогарларнинг тўпланиш жойи»¹⁵⁶, — деб кўрсатилган. 1219 йилда Ардахушмисанда бўлган Ёқут Ҳамавий, шаҳарни Суриянинг йирик шаҳарларидан бири — Нисибин билан тенглаштиради. Аммо сайёҳ Ардахушмисан шаҳрининг мухташамроқ, бозорларида моллари кўп, аҳолиси кўпроқ ва бадавлат эканлигини таъкидлаганди¹⁵⁷.

Истаҳрий ва Мақдисийлар Ардахушмисанни Хоразмнинг Кат (Кос) ва Гурганждан кейинги йирик шаҳри сифатида кўрсатишган¹⁵⁸. Косдан Журжониягача масофа 3 кунлик йўл, Ардахушмисангача эса 1 кунлик йўл¹⁵⁹ деб кўрсатганди Истаҳрий. Хивадан Рахушмисангача (Ардахушмисан) ҳам масофа (30-40 км.) шунча бўлганлигини Мақдисий ёзиб қолдирган¹⁶⁰. Ҳамдуллоҳ Қазвиний ва Хожи Халфаларнинг маълумотларига кўра, Гурганж билан Ардахушмисан оралиғидаги масофа — 14 фарсах (84-112 км.) бўлган¹⁶¹. Ардахушмисан орқали Хивани четлаб, тўғри Ҳазорасп билан Гурганжни боғловчи йўл ҳам ўтганди. Ҳазорасп ва Ардахушмисан ўртасидаги масофа 16 фарсахдан иборат деб ҳисобланган¹⁶². Ардахушмисан ўрнидаги ҳозирги Воянган ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихий манбалардаги маълумотларни тўла тасдиқлаб, ўрта асрларда шаҳарнинг йирик савдо-ҳунармандчилик маркази бўлганлигини кўрсатади.

Араб олимларидан Мақдисий ва Истаҳрий асарларида Хоразм воҳаси савдо-сотиқ ва маданий марказлари орасида Хива шаҳрини катта, бой шаҳар сифатида тилга олиб ўтганлар. Хоразмшоҳлар даврида Хива ўзининг энг гуллаб-яшнаган даврини бошидан кечирган. Шу даврда Хоразм воҳасидаги асосий ташқи ва ички савдо йўлларининг Хивадан ўтганлиги шаҳарнинг тараққиётига имкон яратган. Шаҳар ва унинг атрофларини Амударё суви билан таъминлаган Хейконик (Полвонёп) каналидан кемалар қатнаб, савдогарлар ўз молларини узоқ манзилларга ташиш имкониятига эга бўлганлар.

¹⁵² Бу ҳақда қаранг: Буниёдов З.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати, (1097-1231 йй.). - Т.: «Адабиёт ва санъат», 1997, 134-б.

¹⁵³ МИТТ, т. 1, с. 419.

¹⁵⁴ Буниёдов З.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 135-б.

¹⁵⁵ МИТТ, т. 1, с. 156.

¹⁵⁶ МИТТ, т. 1, с. 216.

¹⁵⁷ МИТТ, т. 1, с. 410.

¹⁵⁸ МИТТ, т. 1, с. 181; с. 206.

¹⁵⁹ МИТТ, т. 1, с. 181.

¹⁶⁰ МИТТ, т. 1, с. 206.

¹⁶¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, с. 211.

¹⁶² МИТТ, т. 1, с. 211; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. — Сочинения. Т. III. — М.: «Наука», 1965, с. 171.

Х-ХІ асрларда ҳам Хоразмнинг энг йирик савдо марказлари сифатида танилган Ҳазорасп, Дарғон, Замахшар, Норинжон, Кат шаҳарларининг ривожланиши кейинги даврларда ҳам давом қилган. 1219-1220 йилларда Хоразмда бўлган Ёқут Ҳамавий «Ҳазорасп мустаҳкам қалъа, гўзал ва бозорлари, расталари кўп бўлган йирик савдо шаҳри»¹⁶³ деб гувоҳлик берган.

Ёқут Ҳамавий Дарғонни ҳам йирик савдо маркази сифатида тилга олиб ўтади. Улкан хоразмшоҳлар давлати шаклланган даврда асосий савдо йўлларида бирида жойлашган Дарғон қалъаси муҳим стратегик таянч шаҳарга айланган. Савдо-сотиқ мунсабатларининг ривожланишига замин тайёрловчи сиёсий барқарорликнинг таъминланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг ҳам шимолий, ҳам жанубий тармоқлари туташган жойда турган Дарғон шаҳрининг муҳим иқтисодий тугунга айланишига шароит яратган.

Х асрдаёқ Истаҳрий ва Мақдисийлар томонидан Хоразмнинг муҳим савдо марказларидан бири сифатида эслатиб ўтилган Замахшар шаҳри хоразмшоҳлар даврида анча кенгайган. Бу ердаги бозорлар атрофида янги иморатларнинг қурилиши, хунармандларнинг устахоналари кўпайиши натижасида аҳолининг турмуши учун зарур ҳом-ашё ва маҳсулотлар тайёрланган. Довдон ҳавзаси бўйида жойлашган ва йирик Мадра (Ғазовот) каналидан сув олган Замахшар атрофларида деҳқончилик ҳам анча ривожланганди.

Бир вақтлар ушбу заминдан ўтган Ёқут Ҳамавий: "Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми — бунинг фарқи йўқ. Ўйлайманки, Хоразм сингари бепоён ва кенг ер, шу сингари аҳолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак", — деган ҳайратомуз сўзларни ёзганди.

Ёқут Ҳамавий Хоразмнинг Субурна, Совкан шаҳарлари Хоразмнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятлари билан олиб борилган савдо-сотиқ муносабатларида муҳим роль ўйнаганлиги ва обод шаҳарлар бўлганлигини таъкидлаганди¹⁶⁴.

Араб географи Ибн Руста Журжониядан 4 фарсах (28 км.) жанубда Варгада (Варагда) кишлоғи жойлашган деб ёзганди¹⁶⁵. Археолог олимларнинг аниқлашича, Варгада IX-X асрларга келиб шаҳарга айланган ва унда ҳаёт то XIV асргача узлуксиз давом этган. Шаҳарнинг умумий майдони 20 гектардан ортиқ бўлиб, унинг қолдиқларидан турлитуман хунармандчилик буюмлари, сопол идишлар топилиши шаҳарнинг хоразмшоҳлар даврида йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигидан далолат беради. Шаҳар атрофларида кенг экинзорлар, кишлоқ ва каналлар излари, суғориш иншоотлари мавжуд бўлиб, у йирик деҳқончилик рустоғи маркази бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Х асрдаги араб ёзма манбаларида қайд этилган Миздахқон, Нузкат, Нукфаг, Кардор, Баратегин, Жувакин, Шўроҳон каби тараққиёти юксалган шаҳарлар билан бир қаторда сўл қирғоқ Хоразмда Даскоҳонхос, Рузунд, Вазарманд каби араб манбаларида тилга олинган шаҳарлар ҳам мавжуд бўлганки, ҳозиргача уларнинг аниқ ўрнини аниқлаш имконияти топилмасдан қолмоқда.

Араб сайёҳи ал-Мақдисий тилга олган Хоразмнинг Нузкат, Нукфаг, Баратегин ва Жувакин шаҳарлари тўғрисида бошқа манбаларда маълумотлар учрамасада, уларнинг мўғуллар босқини арафасида йирик савдо марказлари қаторида турганлигини тахмин қилса бўлади. Ёқут Ҳамавий XIII аср бошларида Нузкатни Гурганж яқинидаги шаҳарча сифатида тилга олганди¹⁶⁶. Археолог Я.Ғ.Ғуломов Нузкатни Жумиртов этагидаги Жумрикалъя ҳаробаси ўрнида бўлган, деган фикр билдирганди. Олим яна Жувакинни Қуюққалъя, Нукбоғ (Нукфаг)ни Эски Порсу, Баратегинни эса Қизқалъя ёдгорликлари ўрнига тўғри келиши мумкин деб ҳисоблаганди¹⁶⁷.

¹⁶³ МИТТ, т. 1, с. 419.

¹⁶⁴ МИТТ, т. 1, с. 423-424.

¹⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. //Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. Т. II, вып. 7, с. 77-79.

¹⁶⁶ МИТТ, т. I, с. 436.

¹⁶⁷ Ғуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи, 156-158-б.

1333 йилда Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута воҳада табиий бойликлар мўл ва савдо-сотик ривожланганлигини кўрган. Урганч ҳақида у: "Бу — туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки — у мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётиб, бозорга кирдим, ярмига етганимда, "шўр" деб аталадиган жуда гавжум жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик тумонат эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим"¹⁶⁸, — деб ёзганди. Хоразмга келгунига қадар Ибн Баттута Қоҳира ва Дамашқ каби йирик шаҳарларда бўлган ҳамда йириклиги ва гавжумлиги билан Урганчни уларга қиёслаган.

Олтин Ўрда даврида қайтадан тикланган Урганч шаҳри Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғидаги Волгабўйи, Дашти Қипчоқ ва Шарқий Европа мамлакатлари билан боғловчи асосий марказ сифатида яна муҳим аҳамият касб этган. Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Жебе ва Субутой нуён бошлиқ мўғуллар кўшинлари юриши даврида тўхтаган Дашти Қипчоқ билан боғловчи карвон йўли Олтин Ўрда даврида яна қайтадан ишлай бошлади¹⁶⁹. Худди шу даврда Марказий Осиёни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи ҳам тикланганлигини ёзма манбалар билан бир қаторда археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Ибн Баттутанинг кўрсатишича, илгаридан жаҳонга донғи кетган Хоразм қовунларига талаб катта бўлиб, у қурилган ҳолда Ҳиндистон ва Хитойгача чиқарилган¹⁷⁰.

Сўл қирғоқ Хоразмда бироз жонланиш кўзга ташланган бир вақтда унинг ўнг қирғоқ ҳудудларида ҳали ҳам тушкунлик ҳолатлари сақланиб турарди. Машҳур сайёҳ Ибн Баттута ўз хотираларида Урганчдан Катгача бўлган масофада «аҳоли яшайдиган қишлоқларни учратмаган»лиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бир қаторда Ибн Баттутанинг фикрлари бироз шубҳа ҳам туғдиради. Илгари Бухорога олиб боровчи йўлда жуда кўплаган обод қишлоқ ва шаҳарлар бўлганлигини барча Хоразмга келган савдогар ва сайёҳлар қайд қилган. Мўғуллар босқини вақтида вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларнинг аксарияти XV аср бошларида ўз қаддини тиклаганлигини археологик тадқиқотлар натижалари тасдиқлаб берган. Афтидан, сайёҳ Ибн Баттута ўзи ўтган йўлда катта ва обод қишлоқларни кўрмаганлиги ҳақида фикр юритган бўлса керак.

III – Боб. Ўрта асрларда Хоразмда маданий ҳаёт ва унинг хориж сайёҳлари асарларида акс этиши.

Хоразмшоҳлар даврида илм-фан ва санъат ривожланди. Салжукийлар давридаёқ империянинг муҳим маданий ва сиёсий марказларида илм ва адабий фаолият жонланган эди. 1153 йилда содир бўлган ўғузлар исёни бу соҳада бироз турғунликка олиб келди. 1157 йилда Султон Санжар вафот этганларидан сўнг то Хоразмшоҳлар 1197 йилда Ироқ салжукийлари давлатини тугатгунларигача бўлган давр ичида ғурий ва қорахитойларга қарши олиб борган урушлари Хуросон ва Хоразм шаҳарларининг моддий жиҳатдан зарар кўришларига сабаб бўлди. Бироқ, шунга қарамай, XII асрнинг иккинчи ярмида ҳам илм-фан ва адабиёт ривожланди. Хусусан, Жалолиддин даврига қадар, яъни 1220 йилгачаёқ Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж моддий жиҳатдан ниҳоятда гуллаб-яшнагани сингари, илм-фан ва санъат маркази сифатида ҳам Хуросоннинг буюк шаҳарларини анча ортида қолдириб кетди.

¹⁶⁸ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати, 58-б.

¹⁶⁹ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 112.

¹⁷⁰ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати, 62-б.

Султон Санжарнинг пойтахти бўлгани учун гуллаб-яшнаган Марв Хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди. Бироқ, мўғул истилоси оқибатида бу шаҳар таназулга юз тутиб, орқада қолди. Мўғул истилосидан биров олдин бу ердан чиқиб кетган Ёқут Ҳамавий шаҳарда ўша вақтда ўнта кутубхона бўлганлиги тўғрисида ёзган эди. Жоме масжиди кутубхонасида 12 минг жилд китоб бўлган. Шаҳардаги барча кутубхоналардан фойдалангани ва шу туфайлигина асарларини ёза олганини эътироф этган. Ёқут Марвда лозим бўлган асар нусхалари ҳам кўп бўлганлигини, асосий эътибори билан дунёнинг бирор шаҳридаги кутубхона Марв билан беллаша олмаслигини қайд қилган эди. Бу Хоразмшоҳлар даврида Маврнинг буюк бир маданият марказига айланганлигидан далолат беради. Сомонийлар давридан эътиборан, Хуросоннинг энг катта шаҳрига айланган Нишопур ҳам Хоразмшоҳлар даврида ўз мавқесини сақлаб қолди. Карвон йўллари устида жойлашган бу шаҳар айтилган вақтда ҳунармандчилик маркази ҳам эди. Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж XII асрда гуллаб-яшнаб, дунёнинг энг муҳим маданият марказларидан бирига айланди. Хоразм ҳукмдори Отсиз 1142 йилда Хуросон юришидан қайтганда, бу ерга жуда кўп олимларни олиб келган эди. Санжар вафот этгач ва давлат империя сифатида шаклланигандан сўнг, Гурганжга кўплаб олиму уламолар кўчиб келдилар.

Хоразмшоҳларнинг иншо девонига ҳар доим даврнинг энг машҳур муншийлари раҳбарлик қилган. Такиш даврида бу вазифада машҳур Баҳоуддин Боғдодий ишлаган бўлса, Жалолиддин замонида Насавий хизмат қилган. Улардан ташқари, Замахшарий, Рашидиддин Ватвот, Фахриддин Розий каби олим ва шоирлар Хоразмда яшаб ижод қилганлар. Илмий муассасалар бой вақфларга эга бўлган. Бу ерда олимлар турли соҳаларда тадқиқот ишларини олиб боришган. Ҳукмдорларнинг катта илтифотига сазовор бўлган бу машҳур олимлар халқ ўртасида катта обрў қозонган эдилар. Фахриддин Розий ва Шихобиддин Хивакӣ каби олимлар шаънига ёзилган қасидалар бунинг ёрқин далилидир. Хоразмдаги кутубхоналар ҳақида Насавий берган хабарни, тарихчи Ибн Исфандиёрнинг шаҳарда китоб тижорати билан шуғулланган саҳҳофларнинг махсус бозори бўлганлиги тўғрисидаги фикрини эътиборга олсак, пойтахтнинг ўлкан илм-фан ва маданият марказига айланганлиги маълум бўлади.

Хоразмшоҳлар даврида илмий, адабий ва диний асарлар араб тилида ёзилган. Маълумки, ўша вақтда Ғарбда латин тили худди шундай ролни ўйнаётган эди. Фақат олимларгина эмас, балки ўша даврнинг зиёлилари ҳам арабчани яхши билган. XII асрда айрим илм соҳаларида она тили туркий ёки форс тили бўлган ўрта синф зиёлилари орасида биров осонлиги учун форс тили ҳам қўлланилган.

Айтилган чоғда асарларининг бутун ислом оламига тарқалишини хоҳлаган олимлар ўз асарларини араб тилида ёзар эдилар. Ҳатто, улар маҳаллий эҳтиёжга кўра форсча ёзган асарларини арабчага таржима қилардилар. Бу асарда ҳар икки тилни билган муаллифларнинг таъсири остида кўпгина араб калималари форсча калималар ўрнини эгаллаган, араб тилига хос баъзи услубий хусусиятлар ҳам форсчага ўтган. Ўзлари яшаган муҳит таъсирини кўра, арабчадан кўра форсчани яхшироқ билган Хоразмшоҳлар ўз буюртмаларига мувофиқ ёзилган асарлар форсча бўлишини истар эдилар. Худди шунингдек, девон ишларида ҳам давлатнинг расмий тили сифатида форс тили ишлатилган, фармонлар шу тилда ёзилган. Араб ва форс тилларини бирдек яхши билган Насавий Жалолиддиннинг ҳаёти тўғрисидаги асарини араб тилида битган. Бундан у Жалолиддин тарихини бутун ислом оламига танитиш мақсадини кўзлаган эди. Насавийнинг асари ўша даврдаёқ форсчага таржима қилинган.

Хоразмшоҳлар даврида форс тили илм тили сифатида араб тилидан устунроқ мавқега эришди ва бу аҳвол XII асрда янада кучайди. Авваллари арабча ёзилган илмий ва тарихий асарлар бу даврда форсчага ўтирилди. Эрон шеърятининг ривожига ҳам ўзгаришлар бўлиб, қадимги Хуросон мактабига хос адабий анъаналар ўзгаришга учради. Ироқ, Аррон, Форс вилоятларида етишган буюк шоирларнинг таъсири остида Ироқ мактаби вужудга кела бошлади. Салжуқийлар давридаги адабиёт тараққийси Хоразмшоҳлар даврида янада юқори даражага кўтарилди.

Хоразм тили сўзлашув ёки ёзув тили сифатида араб ва форс тили қаторида ўз аҳамиятини XIII аср охирларигача сақлаб қолган¹⁷¹. А.А.Фрейманнинг кўрсатишига қараганда, Хоразм тили XIII-XIV асрлардан кейин тамомила турклашади¹⁷².

XII-XIII асрларда кўшни давлатларни ўзига бирлаштирган Хоразм ўта кучли империяга айланди. Натижада, “Маъмун Академияси”дан 100 йил кейин Қутбиддин Муҳаммад I ибн Ануштагин ва унинг ўғли ал-Малик Абу Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз томонидан “Маъмун Академияси”га ўхшаган Академия ташкил этилди. Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз ҳукмдорлик қилган даврларда Хоразмга Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа юртлардан йирик олимлар таклиф қилинди. Исмоил Журжоний, Абу Бакр Абулқаҳр ибн Абдурахмон Журжоний, Ҳаким Азракий, Абдурахмон Ҳасан Алкутаний Марвазий, Абул Маҳасин, Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳусайн, Абу Абдулла Фахриддин ар-Розий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Умар ал-Чағминий шулар жумласидандир.

“Маъмун Академияси” 17 йил фаолият кўрсатган бўлса, бу Академияда камолга етган олимлар 60 йил фан ва маданият равнақида хизмат қилишди. Шарқшунос олим В.В. Бартольднинг фикрича, Отсиз ҳукмронлик қилган даврда Хоразмнинг нуфузи Каспий денгиздан тортиб, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта қисмларигача бўлган ерларга ёйилган. Ўша даврда Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Абу Хомид ал-Ғарнотий (1080-1169) ўзининг “Тухфат ал-албоб ва нуҳбат ал-аъжоб” (Оқиллар тухфаси ва ажойиботлар сараси) номли асарида шундай ёзади: “... Хоразмда мен ўзим зиёрат қилган ҳеч бир ўлкада кўрмаган мевалар ўсади. Унинг аҳли эса - фозил олимлару шоирлар ва олижаноб кишилардир”¹⁷³.

Хоразмшоҳларнинг ҳаммаси билимли киши сифатида шуҳрат қозонишган, илм-фан ва маданият тараққиётини таъминлаганлар. Қутбиддин Муҳаммад отаси Ануштагин даврида Хуросон пойтахти Марвда яхши маърифат олган адаб ва дин илмларини ўрганган эди. У Хоразм ҳукмдори бўлгач, қобилятли раҳбар сифатида уломаларга ва дин арбобларига ҳомийлик қилди. У ҳар томонлама истеъдодли одам эди. Олимлар ва дин арбоблари уни яхши кўришар, у ҳам уларни иззат-ҳурмат қилар эди. (Қутбиддин Муҳаммад) фуқароларига адолатли бўлиб, улар ҳам уни яхши кўриб, унинг номини азиз тутар эдилар¹⁷⁴.

Улар ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаганлар. Масалан, Отсиз қасидалар, рубоийлар ёзган, кўплаб назм намуналарини ёддан айтиб бера олган, санъат ва илмга катта ихлос билан қараган. Айрим маълумотларга кўра, уд мусиқа асбобини чалишда ўз даврида шоҳ Алоуддин Такишга тенг келадиган киши бўлмаган. Шу билан бирга у иқтидорли адиб бўлиб, араб ва форс тилларда ижод ҳам қилган. Хоразмда ал-Ҳанафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса қурдиргани унинг маърифатпарварлигига ишончли бир далилдир. Алоуддин Такиш ҳукмдорлик қилган даврда илм-фан ва адабиёт шу тариқа равнақ топади.

Такишнинг илм толибларини билимли ва маърифатли қилиш мақсадида кўплаб мадрасалар, масжидлар, кутубхона (дор ул-кутуб)лар ва жамоат бинолари қурдиргани, ҳатто баъзи мадраса талабаларини пул ва озиқ-овқат, кийим-кечак билан ҳам таъминлаб тургани тарихдан маълумдир. Ўша даврда йирик илмий ва маданий марказлардан бирига айланган Гурганж ва Катда маънавиятнинг бундай ривожига маҳаллий олиму-адиблар, шоирлар билан бир қаторда хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб, ижод қилган олиму фозиллар ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган, албатта.

Андалузиялик олим ва сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080 - 1168) Ибн Анийн номи билан танилган шомлик машҳур шоир Шарафиддин Муҳаммад ибн Наср (1144-1232), шунингдек, 1153 йилда Хоразмга келган жандлик шоир ал-қози Ёқуб ибн ал-Жандий, Хуросоннинг Нисо шаҳридан келган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ан-

¹⁷¹ Народы Средней Азии и Казахстана. Т.1. М., 1966. 138-бет.

¹⁷² Фрейман А.А. Хорезмский язык. М., -Л., изд-во АН СССР, 1951. 32-бет.

¹⁷³ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари. // Шарқ юлдузи. 1991, № 2.

¹⁷⁴ Садриддин Али ал-Ҳусайний. Зубдат - ут-таворих. Саҳифа 184. Ибн Халдун. Саҳифа 190. Яна қаранг: 3. Буниёдов. Кўрсатилган асар, 8- бет.

Насавий, ал-Қассоб номи билан машҳур Сарийъ ул-Каас лақабли нишопурлик адиб Муҳаммад ибн ал-Хусайн, машҳур балхлик шоир ва адиб, машҳур котиб Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий Рашидиддин ал-Ватвот каби ўнлаб олиму фозиллар тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ фалакиёт, физика, химия, табобат, жўғрофия, тарих ва бошқа фанларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Хоразм мадрасаларига мударрислар ва имомлар бевосита Султоннинг ёки ҳокимнинг махсус кўрсатмаси билан тайинланган. Хоразмшоҳлар давлатида кўзга кўринган машҳур давлат арбоби, маърифатпарвар мударрис Султон Алоуддин Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси Шиҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивакӣ бешта мадрасада фикҳдан дарс берган. Муфти Шиҳобиддин Хоразмда биринчи бўлиб, масжид қошида кутубхона қурдирган. Бу кутубхона жуда ҳам нодир китоблар билан бойитилган¹⁷⁵.

Ёкут ал-Ҳамавий таъкидлашича, Абу Мадар Маҳмуд Шариф ал-Исфакхоний тилшунослик соҳасида, айниқса наҳву сарфда беқиёс ном қозонган. Унинг илмий қобилияти ва фазилатлари ҳақида халқ орасида турли хил афсоналар, ривоятлар тарқалган. Ал-Исфакхоний теран билими ва заковати, нуфузи катталиги туфайли муътазилий мазҳабини хоразмликлар ўртасида кенг ёйишга эришади¹⁷⁶.

Хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган балхлик Рашидуддин Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий (1094-1191) котиблик санъатида катта обрў қозонади. У умрининг охиригача Хоразмда яшаб, араб ва форс тилларида йигирмадан ортиқ асарлар яратгани тарихдан маълум. Унинг “Ҳадоиқ ас-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър” (“Шеърят нафосатида сеҳрли бўстонлар”) асари алоҳида аҳамиятга молик. Хоразмшоҳ Отсизнинг набираси Султоншоҳ Маҳмудга (1172-1193) бағишланган. “Мажмуат ар-расоил” (“Мактублар тўплами”) асари эса икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми халифалар, султонлар, ҳоконлар, вазиру амирлар, ҳокимлар, қози ва муфтилар номига жўнатилган турли-туман мактублардан таркиб топган. “Мактублар”нинг иккинчи қисмида эса, юқори мансабли амалдорлар, машҳур шахслар, шоиру-адибларга ва муаллифнинг ўз дўсту биродарларига йўллаган мактублари жамланган.

Рашидиддин ал-Ватвот мактублари орқали Хоразмда ўша пайтда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурганини англаймиз. Шу боисдан Хоразмга хорижий элу юртлардан кўчиб келувчилар кўп бўлган. Хоразм шу даражага бориб етдики, - деб ёзади Рашидиддин ал-Ватвот, - у қўрққан ва хавф-хатарга тушганлар учун беҳатар макон, элма-эл кезиб юрадиганларга манзилгоҳ, дарвишлар учун паноҳжой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматлардан қалблари куйиб-ёниб нажот излаб келадилару, бу жойда барча иллатлари шифо топган, дарду аламлари бартараф бўлган, жамики юмушу ташвишларидан қутилган ҳолда қайтадилар. Оллоий таолога бу ўлкага кенг қўламда бундай улуғлигу бу даражадаги олий ҳимматни муяссар кўрганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин”¹⁷⁷. Шунингдек, ал-Ватвот мактубларидан ўша пайтда Хоразмда яшаган олимлар, шоир ва адиблар ўртасида уюштирилган илмий мунозаралар ҳақида ҳам бой тасаввурга эга бўламиз.

Шуниси диққатга сазоворки, хорижий мамлакатларда яшаб, фаолият кўрсатган хоразмликлар ҳам бошқа халқларнинг илм-фан ва маданияти ривожига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Шулардан бири Мисрда яшаган Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий эди. Мисрлик тарихнавис, ёзувчи Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютийнинг (1344-1405) ёзишича, “ўзининг теран билими билан Аҳмад ал-Хоразмий ўша даврда Миср мафкуравий ғояларининг ўсишига муайян даражада ҳисса қўшган”¹⁷⁸.

¹⁷⁵ Ан-Насавий. Кўрсатилган асар, 22- боб, 71, 72- бетлар.

¹⁷⁶ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари. // Шарқ юлдузи. 1991, № 2.

¹⁷⁷ Уватов У. Кўрсатилган асар.

¹⁷⁸ Уватов У. Рашидиддин ал Ватвот мактублари. // Гулистон. 1991. № 11; Рашидиддин ал-Ватвот Хоразмда. / “Ёш ленинчи”. 1991 йил 2 август.

Арабистонга бориб қолган Хоразмлик етук шоир ва адиб Сайфи Саройи Искандария шаҳрининг маликаларидан бири бўлмиш Тайхосбекка ёзган шеърини мактубида илмий-маданий ва дўстлик алоқалари мустаҳкамлани- шини таъкидлайди:

Бошим силадинг: “Юртдан жудо” деб,
Менам сўзинг этурман “жон фидо” деб.

Бу қул бирла, маликлар бирлигидур,

Бу бир элнинг у элга хурлигидур.

Ғариб кўнглим уйин обод қилдинг,

Элим номин минг-минг ёд қилдинг¹⁷⁹.

Демак, бу даврда илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти Хоразмда ҳунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, ташқи ва ички савдонинг ривожини билан уйғунлашиб кетади. Иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётдаги ижобий силжишлар мамлакат шаҳарларининг, айниқса, Гурганжнинг гуллаб- яшнашига замин ҳозирлайди. Худди шу олимлар ҳамда Хоразмнинг қулай жўғрофий шароитда жойлашгани Шарқнинг йирик илмий-маданий ва савдо марказларидан бирига айланишида муҳим ўрин тутди. Қадимги Хоразмдан “Ипак йўли”нинг ўтиши, Шарқ билан Ғарбнинг боғланиши воҳанинг иқтисодий ва маданий ривожига таъсир этган, албатта. Биз Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъа, Бургутқалъа, Жонбосқалъа, Қирққизқалъа, Норинжонқалъа, Эллиққалъадан археологик қазилар пайтида топишган воҳа антик даври маданияти ва санъатига оид ёдгорликларга ҳамда қадимий қўлёзмалардаги фикрларга асосланиб, шуни айтиб ўтмоғимиз керакки, Хоразм ҳамма даврларда жаҳоннинг энг йирик марказларидан бири саналган. Бу қадимий маданият ҳатто бугунги кунда Европада антик дунё деб аталиб келаётган Юнон ва Рим маданияти билан бир қаторда туради. Зотан, Хоразмдан ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Ироқ, Умар аз- Замахшарий, Умар Чағминий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мунис Хоразмий, Оғаҳий каби олиму фозилларнинг, шоиру адибларнинг етишиб чиққанлиги бежиз эмасдир. Бинобарин, Олмоний тарихчи олими Хердер бу ҳақда шундай деб ёзади: “Овруполик бирорта халқ ўз ёзувини ўзи кашф этган эмас, испанлар ёзуви ҳам Осиёдан олинган; Шимолий ва Ғарбий Оврупо маданияти юнон-румо-араб уруғидан униб чиққандир ... Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табобат сирларини очмоққа қалит тутқаздилар... Физиканинг барча бўлимларини шу қалит ёрдамида очдилар ва бу қалит асрлар давомида амалда қўлланиб келинмоқда ...”¹⁸⁰.

Фаннинг ижтимоий соҳалари қаторида табиий ва аниқ фанлар, жумладан, астронимия, математика ва географияга ҳам махсус эътибор қаратилган. Мазкур соҳалар мамлакатнинг амалий эҳтиёжлари, чунончи, турли ўлкалар ва қарвон йўллари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, халқаро савдо - элчилик ва маданий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатда суғориш тармоқлари барпо этиш, ободончилик қўламини кенгайтириш кабилар учун бевосита зарур эди. Ўша даврда Маҳмуд Чағминий астронимия ва математика соҳалари бўйича ҳамда Муҳаммад Нажиб Бакрон географияга оид асарлар ёзиб қолдирганлар. Уларнинг ижодида Абу Райҳон Беруний илмий мактабининг давоми қўзғатилади. Ануштагинлар – Хоразмшоҳлар давлати маданий ҳаётида ислом ақидаларига ҳам эътибор қўйилган.

Ислом дини пешволари - сайидлар, уламолар, машойихларга хоразмшоҳлар жуда катта илтифот қўрсатганлар, элчилик муносабатларида ва турли низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда улар билан бамаслаҳат иш тутганлар. Марказлашган йирик сиёсий бирликнинг мавжудлиги, иқтисодиёт, фан ва маданият йўналишларидаги умумий ўсиш ўз навбатида, маънавий маданият тараққиётига ижобий таъсир этди. Хусусан, тасаввуф таълимоти кенг ривожланди. Бу ерда Хуросон тасаввуф мактабининг таъсири кенгайганлиги қўзғатилади. Абдулла Ансорий (1006-1089), Юсуф Ҳамадоний (1049-1140), Аҳмад Жом (1049-1142)

¹⁷⁹ Насрулло Даврон. Ноёб сатрлар. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 7 февраль.

¹⁸⁰ Қаранг: Каримов Ҳ. Тарбия илдизлари. / Ўқитувчилар газетаси. 1990 йил 31 март.

унинг йирик намоёндалари эдилар. Тасаввуфнинг қатор майда тариқатлари: муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия, сайёрия ва бошқалар юзага келди. Ягона сиёсий бирлик заминиди Хуросон тасаввуф мактаби бевосита Мовароуннаҳрда тасаввуф ривожига сабабчи бўлди. Жумладан, Юсуф Ҳамадоний тасаввуф мактаби асосида яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари вужудга келган.

Ануштагинлар – Хоразмшоҳлар давлатида тасаввуф тараққиёти биринчи навбатда хоразмлик йирик мутасаввиф олим Нажмиддин Кубро (1145-1221)

номи билан боғлиқдир. Унинг асли исми Аҳмад ибн Умар ал-Хевакий бўлиб, Хоразмда туғилиб – ўсиб кейин Эронзамин ва Араб мамлакатларига саёҳат қилган; узоқ вақт ўша томонларда йирик тасаввуф машойихларидан таълим олиб, ўзи ҳам етук тасаввуф таълимотчиси даражасига етган ва Нажмиддин Кубро лақаби билан шуҳрат қозонган. Сўнгра у ватанига қайтиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида Гурганжда яшаб, тасаввуф таълимотини ривожлантирган, кўплаб шогирдлар орттирган. Жумладан, таниқли шоир ва тасаввуф намоёндаси Фаридиддин Аттор ҳам унинг шогирдларидан эди. Нажмиддин Кубронинг таълимоти тасаввуфда кубравия тариқати номини олган ва машҳурдир. “Кубро тасаввуф тарихида кенг феъллик йўлини тутган шайхлардандир. Чунки, ул зотнинг хонақосида сунний мазҳабли шогирдлар билан бирга шиа мазҳабли муридлар ҳам таълим олаверган”¹⁸¹.

Нажмиддин Кубро илмий асарлар ва рубоийлар ёзган. Улардан асосийлари – “Фавоих ал-Жамол ва фотиҳ ал-Жалол”, “Ал-усул ал-ашара”, “Рисолат ал-Хаиф ал-Хаим мин-Лаумон ал-лаим” ва бошқалар¹⁸².

Чингизхон Нажмиддин Кубро - Аллоҳ раҳмат қилсин – борлигини билиб, унинг ҳақида маълумотга эга бўлгач, қуйидаги мазмунда хабар юборади: “Мен Хоразмни қирғин ва талон-тарож қилмоққа ҳукм этганман. Замоннинг табаррук ул зоти шарифи (хоразмийлар муҳитини тарк этиб, бизга келиб қўшилмоқлари лозим!”. Шайх – уни, Аллоҳ раҳмат қилсин – шундай жавоб қилдилар: “Мана етмиш йилдирки, мен Хоразмда осойишта яшаб, шу халқ билан ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб келмоқдаман. Эндиликда, фалокат юз берган чоғда, мен уни ташлаб қочсам, бу виждонсизлик ва номардлик бўлади”. (Шаҳар босиб олинганидан) сўнг уни ҳалок бўлганлар ичидан қанчалик ахтармасинлар топа олмадилар. Унга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин!”¹⁸³.

Нажмиддин Кубро 1221 йили Хоразмда мўғул босқинчиларига қарши жангда 600 дан зиёд мурид издошлари билан иштирок этади. Бу ғазотда оғир яраланган Кубро ўлими олдида тиф тутган мўғул аскарига ташланиб, шаҳид бўлади¹⁸⁴.

Ҳукмдорлар, айниқса, Хоразмшоҳ Отсиз олиму, шоирлар ва адибларга ҳурмат билан қарар, ўзи ҳам истеъдодли маърифатпарвар, адабиётга қизиққан шахс эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган¹⁸⁵.

Ободончилик ва маданият ривожига эътиборни сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. У ҳаётининг кейинги ўн йилини она Ватанидан узоқда, турли юртларда ўтказган ва боз устига бирор жойда узоқроқ муддат яшаб қолмаган бўлишига қарамай, шаҳар ва кўрғонлар ободончилиги учун ҳисса қўшганлиги, масжидлар барпо этганлиги ўша давр тарихий манбаларида қайд этилган.

Маълумки, Ўрта Осиёда Ислом тараққий этиб, мустаҳкам қарор топгач, ҳукмдорлар давлатнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий бошқарувини Ислом ҳуқуқи асосида ташкил қилдилар. Бунда маҳаллий ҳуқуқшунослар - фақиҳлар муҳим ўрин тутган. Хоразмшоҳлар ҳам ўз салтанатини шу асосда бошқардилар. Натижада бу даврда кўпгина фақиҳлар

¹⁸¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Т., 1995, 19- бет.

¹⁸² Қодиров М. Нажмиддин Кубро. Т.: А.Қодиров номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 140-бет.

¹⁸³ Рашидиддин Фазлуллоҳ. Жомеъ ат-таворих. 214 – 217 бетлар. Яна қаранг: О.Бўриев, Н.Тошев. Жалолиддин Мангуберди (Даври. Саркардалиқ фаолияти. Манбалар.) Т.: Фан. 1999, 61-62 бетлар.

¹⁸⁴ Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. (Даври, маданият, ҳаёт, манбалар). Тўплам. Т.: Фан, 1999, 99-бет.

¹⁸⁵ Уватов У. Абу Мансур аз-Замахшарий. Т.: А.Қодиров номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.121-бет.

етишиб чикди. Жумладан, Муҳаммад аз-Замахшарий (1075-1144), Аҳмад ибн Муҳаммад Муваффиқ-ад-дин хотиб ал-Хоразмий (ҳиж. 484-596), Довуд ибн Исо Абу Бакр ибн Аюб, Абу Муҳаммад Мажид ад-дин Садир ал-Афозил ал-Хоразмий (ҳиж. 555-617), Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ва бошқа кўпгина йирик фуқаҳо ва уламолар етишиб чикқан¹⁸⁶.

Хоразмшоҳлар давлатида, айниқса, Султон Такиш ва Алоуддин Муҳаммад даврларида маданий ҳаёт раванг топан. Айниқса, қасидагўй ва дostonчи шоирлар ижоди гуллаб-яшнаган. Хоразм шеърят мактабининг деярли барча вакиллари сарой шоирлари эдилар. Шулардан кўзга кўрингани шоир ва олим Рашидиддин Муҳаммад ал- Умарий (1115-1182) эди. У паст бўйли, калбош, кўримсиз бўлгани учун Ватвот – жажжи куш лақабини олган эди. У Балхда туғилган ва Хоразм мадрасаларида таълим-тарбия олган. Мактублар ёзишда юксак маҳоратга эришгани учун юқори мартабаларга эришиб, уч ҳукмдор - Отсиз, Эл-Арслон ва Такиш султонлар саройида котибул-иншо вазифасини бажарган. Арабий ва форсий номалар битишга моҳирлигидан Хоразм султонларининг арзандаси бўлиб яшади. Имом Рашидиддин Ватвот мактубларини турли бадий воситалар, ташбеҳлар, гўзал ўхшатишлар, нозик ва ўткир фикрлар билан безатиб кофияли наср - сажъ усулида ёзарди. У бошқа истеъдодли шоирларга ғамхўрлик қилар, шоирлар ҳам унинг етакчилиги, раҳнамолигини тан олар эдилар. У Ҳоконий билан яқин дўст эди, аммо, кейинроқ Ҳоконий уни хоразмшоҳлар хонадонига қасидагўйлигини масҳара қилиб, ижодини буюк Султон Санжар хонадони қасидагўйи Адиб Собир Термизийнинг ижодидан паст қўядиган бўлгач, уларнинг ораси бузилди. Султон Санжар ўзига тобе Хоразмшоҳ Отсиз саройига доимий элчи-вакил қилиб юборган эди. Аслида Адиб Собир Хоразмшоҳнинг қалтисроқ ишларидан Султон Санжарни огоҳлантириб, мактублар юбориб туриши керак эди. Аммо, Отсиз шоир, Адиб Собирни Султон Санжарга барча гап сўзларни етказиб турувчи жосусдеб ўйлаб, дарёга чўктириб юборди. Бу гумонни хоразмшоҳга Рашидиддин Ватвот айтган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Рашидиддин Ватвот ўзининг шеърят нафосати ҳақидаги “Ҳадойиқ-ус - сеҳр фи дақойиқи аш-шеър”. (“Шеър санъатининг сеҳрли боғлари”) китобини Хоразмшоҳ Отсизга бағишлади. У кўпчилик қасидаларини Табаристон испаҳбоди (чегара вилоят ҳокими) Нусратиддин Абул-Фатҳ Рустамга бағишлар эди. Испаҳбод эса шоирга ҳар йили 500 динар олтин пул, ипак дастор, жубба ва ясатиғли от ҳадя қилар эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ватвотнинг “Расоил” (“Номалар”) тўплами жуда қимматли. “Номалар” икки қисмдан иборат: 1. Халифалар, ҳукмдорлар (подшоҳлар), султонлар, вазирлар, амирлар, волийлар, қозилар ва муфтийларга битилган. 2. Уламолар, шайхлар, машҳур кишилар, шоирлар, дўстлар ва бошқаларга ёзилган мактублар. Бу эса даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ўрганишда фоят муҳим аҳамиятга эга. Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдураззоқ ва унинг ўғли Камолиддин Исмоил Исфаконий - Исфакон шеърят мактабининг атоқли вакиллари. Жамолиддин асосан қасида ва ғазаллар ёзарди. Унинг айниқса исфаконлик Саъд ва Хўжандий хонадонларига аталган қасидалари машҳур. 1192 йилда вафот этган. Жамолиддиннинг ўғли - Камолиддин Исмоил (1172-1232) атоқли қасидагўй шоир. У араб ва форс тилларида ғазаллар битган. У 20 ёшида отасининг ўлимига бағишланган машҳур марсиясини ёзди ва бу унга шухрат келтиради. Аммо, унинг шухратини кўролмаган ҳасадгўйлар сабабли ҳаёти оғирлашади. Гўзал маъноларни очгани учун Камолиддин “Ҳаллоқи маоний” (“Маънолар яратувчи ижодкор”) лақабини олган. У хоразмшоҳлар Такишга, Алоуддин Муҳаммадга, Жалолиддин Мангубердига, Ғиёсиддин Пиршоҳга, Форс отабеги Саъд ибн Зангий ва унинг ўғли Абу Бакрга атаб қасидалар ёзди. Кейинчалик Камолиддин машҳур шайх авлиё Шихобиддин Умар ибн Муҳаммад Сухравардийнинг таъсирига тушиб, тасаввуфий руҳида шеърлар ёзади.

¹⁸⁶ Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. (Даври, маданий, ҳаёт, манбалар). Тўплам. Т.: Фан, 1999, 96-бет.

Мўғуллар Исфaxonга босиб келганида (1237 йил 21 декабрь) бир мўғул хазина излаб, шоирни ўлдиради. У сўнгги рубойисини ўз кони билан ёзди. (Бу пайтда султон Жалолиддин вафот этган, мўғуллар зулми авжига чиққан эди). Моликул - калом Ҳожа Заҳириддин Тохир ибн Муҳаммад Фарйобий (1160-1202) истеъдодли шоир, Асириддин, Абул Фазл Муҳаммад ибн Тохир Аҳсикатий (ваф. 1184) - Хоразмшоҳлар замонидаги атоқли шоир ва уламолардан бири “Султон ул - фузало” (“Фозиллар султони”), Фарғона вилоятининг Аҳсикат шаҳридан эди.

Хоразмшоҳлардан султон Такиш ва Эл-Арслон замонларида Бухорода яшаб ижод қилган. Малик аш-шуаро ва малик ал-фузало мавлоно Сайфиддин Исфарангий ҳам Аҳсикатийга эргашиб, ғазаллар ва қасидалар ёзган. Мавлоно Сайфиддиннинг девони 12 минг байтдан иборат. У лафзгўйликда Бадриддин Шошийга эргашган... Хоразмшоҳлар замонидаги атоқли шоирлардан яна бири Ғиёсиддин Абул-Мажид Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Иброҳим ал-Жандий эди. Хоразмнинг ўша замондаги машҳур шоир ва адибларидан яна Фахрул-машойих Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ибн Али Адиб ал-Хоразмий (вафот 1165), Фахрул-афозал Абу Ҳафз Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Хоразмий, Камолиддин Абул-Фараж Юсуф ибн Маҳмуд ибн Аҳмад Самарқандий, Муаййануд - дин Абу Саъд Иброҳим ибн Форис ибн Рустам Хоразмий ва бошқаларнинг номларини келтирамиз.

Хоразмшоҳлар давлатида бундан ташқари, фан ва маданият, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ёрқин из қолдирган буюк алломалар яшагани манбалардан маълум. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз:

1. Ал-Ҳаким Али ибн Муҳаммад ал-Ҳижозий ал-Қоъиний атоқли шифокор, тиббий илмларнинг билимдони. Унинг тиб илми ва амалига оид номлари бор (расоил) энг буюк Султон Санжар шарафига у “Китоб мафохир ул-атроқ”, (“Туркларнинг фахрли ишлари ҳақида китоб”) ёзган. Ҳаким Али Ҳижозий “Китоб фи-л-ҳикмат” асарини Хоразмшоҳ Отсиз ибн Муҳаммадга битган. У Умар ал-Хайёмийнинг шогирди бўлган.
2. Файласуф олим Баҳовуддин Абу Муҳаммад Абдул Жаббор ибн Муҳаммад Собит ибн Хорогий - Марв донишмандларидан бири, астраномия ва мантиққа доир асарлар муаллифи. Отсиз унинг илмини кадрлаб Хоразмга чақириб олган. Унинг тарихга оид китоблари ҳам бор.
3. Абул-Мафохир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдул-Жалил Умарий котиб ал-Бухорий ал-Хоразмшоҳий. Лақабига кўра, Муҳаммад Умарий Хоразмшоҳ Отсиз саройида котиблик қилган.
4. Амир саййид имом Зайниддин Исмоил ибн Ҳасан табиб. “У нодир асарлари билан тиб ва бошқа илмларга жон киритди ... Хоразмшоҳ Отсиз узоқ йиллар давомида унга иззат-ҳурмат кўрсатди. Хоразмда имом Зайниддин куйидаги асарларини ёзди: “Ат-Тиб ал-мулукий” (“Шоҳлар учун тиб китоби”), “Китоб ул-ағроз” (“Ниятлар китоби”), “Китоб фи радд ул-фалосифа” (“Файласуфларга раддия”), “Китоб тадбир йавм ва лайла” (“Кеча-кундиз тадбири”), “Китоб васфнома” ва бошқалар.
5. Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Марвон ал-Хоразмий - адиб, лақаби - Ҳужжатул-афозил саййиддул удабо ва фахрул-машойих (фозиллар ҳужжати, адиблар ҳожати ва шайхлар фаҳри). Маҳмуд ибн Умар Жориллоҳ Замахшарийга адаб илмидан дарс берган. Шоир сифатида ҳам танилган (ваф. 1164)
6. Абу Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Аббос Арслон Хоразмий (1099-1172) – илоҳиётчи ва тарихчи олим “Кофийул - фикҳ” ва “Тарихи Хоразм” китобларининг муаллифи.
7. Ал-Ҳаким Абу Жаъфар ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 1156) - қадимги донишмандларнинг илмларини (Афлотун, Арасту, Батлимус асарларини) яхши билган.
8. Абул-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Қосим Аҳсикентий – адиб ва шоир, имом ва тил, тарих олими (ваф. 1126).
9. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим Аҳсикентий – Муҳаммад Аҳсикентийнинг укаси. Адиб ва шоир.

10. Фахриддин Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн ар-Розий (1148-1210) - Хоразмшоҳ Такиш шарафига “Жавомеъ ул-улум” (“Илмлар йиғиндиси”) комусий асарини ёзган.
11. Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ибн Хусайн Самарқандий (ваф.1204) – “Рисола фи адабул баҳс” (“Баҳс одоби ҳақида рисола”) муаллифи.
12. Муҳаммад ибн Умар ибн Холид Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий фалакиёт, астраномия олими “Ал-Мулаххас филҳайъат” (“Астраномиядан мухтасар китоб”) муаллифи. Бу асарида Чағминий сайёраларнинг фазо ва замондаги ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши, Ер қимишлаши сабаблари, фаслларнинг алмашуви, кеча ва кундуз тенглиги, қутблар, экватор, меридиан чизиқларини аниқлайди.
13. Маликул-уламо Абул-Музаффар Масъуд ибн Муҳаммад ибн Садид Хўжандий - таниқли адиб ва лашкарбоши.
14. Минҳожиддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал- Марғилоний - фикҳ олими.
15. Минҳожиддин Муҳаммад ибн Умар ибн Абул фатх Бухорий - котиб ва муаррих.
16. Фахрул-Хоразм ал-Аллома Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Хоразмий аз-Замахшарий (1075 й. 18 март – 1114 й. 14 апрель) нахв - грамматика ва луғат илмларида арабу ажам олимларига устозлиги учун ан-Наҳавий ва ал-Луғавий лақабларини ҳам олган¹⁸⁷. Ал-Замахшарий талабалик ёшига етгач, Бухорода таҳсил олади ва ўқишни тугатиб, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида котиблик билан шуғулланади. Аз-Замахшарий қолган умрини фақат илм-фанга бағишлаш мақсадида Марв, Нишопур, Исфажон, Шом, Боғдод, Ҳижоз ва Маккада бўлади. Олим бу ерда илмий ишларини давом эттириб, араб тили грамматикаси ва луғатини, маҳаллий қабилаларнинг лаҳжаларини, мақолларини, урф-одатларини чуқур ўрганди. Бу минтақаларда жуғрофияга оид хилма-хил маълумотларни йиғди. У ҳаётини шогирдларига дарс бериш ва илмий асарлар яратишга бағишлади. Аз-Замахшарий Макка шаҳридан ватани Хоразмга қайтиб келиб бир неча йил яшайди ва ҳижрий 538 йили Арафа кечаси (1144 й. 14 апрел)да вафот этади. Олим араб тили грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тарих, тафсир, ҳадис ва фикҳга доир 50 дан ортиқ асарлар яратган, уларнинг баъзилари бизгача етиб келган. Жумладан, араб тили грамматикасини ўрганишда йирик қўлланма ҳисобланган “Ал-Муфасссал”, “Шарҳ тобиат китоб Сибавайх” – “Сибавайхнинг (таниқли араб тилшуноси) китобига ёзилган мукаммал шарҳ”, Хоразмшоҳ Алоуддавла Абул Музаффар Отсизга бағишлаб ёзилган “Мукаддимат ул-адаб”, жуғрофияга оид “Китоб ал-жибал ва –л- амакин ва – л-мийах” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”), “Асос ал-балоғат”, “Ал- Кустос фил аруз”, мусулмон оламида машҳур бўлган “Ал-Кашшоф ан-ҳақоик ит – танзил ва уйин фи вужуҳ ит-таъвил” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уларни шарҳлаш орқали сўзлар кўзини очиш”) ва бошқа кўплаб асарлари мавжуд¹⁸⁸. Шунингдек, Абул – Муаййид Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий шоир ва адиб, Абу Мадор ад-Даббий Хоразмий, Малик Нусратиддин Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза ан-Насавий - Нисо шаҳри ҳокими, шоир, башоратчи, Сирожиддин Яъқуб Саккокий - фалакшунос, шоир, илм- фаннинг барча соҳаларида асарлар ёзган, Абдул-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур Абу Саъид ибн Абул - Музаффар ал-Марвозий ас-Самъоний (ваф.1167) - Марвнинг машҳур уламози, адиб ва тарихчи, Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс ар-Розий - адиб ва олим, Заҳириддин Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад Бухорий-Нужободий - илоҳиётчи олим, Таҳо ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Исҳоқ шайх ёки Фақиҳул-аълам имом Зайниддин Абу Бакр ал-Бухорий (ваф.1252) фақиҳ ва адабиётчи олим, Қосим Абу Муҳаммад Бухорий (1160 йилда туғилган), Мажиддин Насавий - олим ва шоир, Шихобиддин Насавий - шоир, тарихчи, давлат арбоби. Хоразмшоҳ султон Жалолоддин девонида муншийлик вазифасида хизмат қилган. Баъзи пайтларда элчилик

¹⁸⁷ Буниёдов З. Кўрсатилган асар, 151-153- бетлар.

¹⁸⁸ Уватов У. Абу Мансур аз-Замахшарий. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 119-124- бетлар.

ҳам қилган, Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон - жуғрофийун олим ва бошқа олиму шоирлар хоразмшоҳлар даврида ижод қилганлар.

Мадрасаларнинг имомлари ва мударрислари Султон ёки унинг ноиби томонидан тайинланган ва махсус имтиҳонлардан ўтказилган уламолардан сайланган, султон ўз ноибларига ўзи яхши билган уламоларни тавсия этган. Масалан, Хоразмшоҳ Эл-Арслон 557 йил рамазон (1167 й. сентябрь) ойда Туркистон ҳокони Абул – Музаффар Тамғач Буғрохон зиммасига бошқа ишлар билан бирга, мадрасаларга муносиб мударрислар тайинлаш вазифасини ҳам юклаган. Хоразмшоҳ Отсизнинг бир фармонида “Фалончининг отаси узоқ йиллар Марвдаги мадрасанинг мударриси эди, бизнинг хонадонга яқин киши эди. Фалончи отасининг вафотидан сўнг саройга таклиф этилиб, Олий мажлисга (аъзо қилиб) сайланган. Энди бу киши отасининг мактабига дарсларга раҳбарлик қилиш (тадрис) учун тайинланади. Мадрасанинг барча вақфлари шу кишининг тасарруфига берилади, бу киши вақф даромадларидан муносиб ишларга, иморатлар қуриш, зироат (экин экиш) учун сарфлайди. Мадрасанинг барча илоҳиётчи, фақиҳ, уламолари, талабалари бу кишини иззат-ҳурмат қилишлари, унинг йиғинларига қатнашлари зарур”¹⁸⁹. Хоразмшоҳ Такиш дин уламоси Бадриддин номига бундай фармон чиқарганлар: “Саройда катта ҳурматга сазоавор бўлган Бадриддин яхши хизматлари учун фалон йирик вилоятлардаги мадрасанинг мударриси, имом-хатиби этиб тайинланди. Бадриддин ўз вазифаларини такводорлик билан, Қуръони мажидга, ҳадиси шарифга, пайғамбар суннатига ва имомлар ибратига мувофиқ ҳолда бажарсин. У жума ва ҳайит намозларида (имомлик қилиб), ваъз, хутбалар ўқишни, Аллоҳга, пайғамбарга, халифалар ва хоразмшоҳларга ҳамду сано айтсин, диний бинолар, иншоотларни таъмирлаш, вақф даромадларини кўпайтириш учун ғамхўрлик қилсин, одамларга сўзда ва амалда ибрат кўрсатсин, ўзига муносиб ўринбосарлар тайинласин”¹⁹⁰.

Баъзи мадрасаларга бутун бошли кишлоқлар вақф қилиб берилган. Хоразмшоҳ Такишнинг вазир Насриддин номига чиқарган фармонида мазкур вақфнинг аввалги мутаваллийси лаёқатсиз одам бўлиб чиққанлиги, вақф ерлари даромад келтирмай, зиён келтираётгани кўрсатилган. Вазир Насриддин ана шу мадраса вақф ерларидан келган зарарни қоплаши, янги мутавалли тайинлаши, бўлажак мударрисларни ўқитиш ишларини назорат қилиши зарурлиги айtilган.

Султон Алоуддин Муҳаммад давридаги хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбобларидан Шихобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хевакий машҳур фақиҳ, шофиъия мазҳабининг муфтийси эди.

Энг зукко ва зийрак одамлар ҳам унга хизматкорликка ярар эди. Султон жуда муҳим ишларда у билан маслаҳатлашарди. Унинг оstonасида подшолар, вазирлар, амирлар, навбат кутиб туришар, ул зот эса ўша пайтда имомларга таълим берар эди. Шихобиддин Хоразмнинг бешта мадрасасида дарс ўқир, фақат дарслари тамом бўлганидан кейин у Султоннинг ҳожиблари билан турли ишлар ҳақида гаплашар эди. У Хоразмдаги Шофиъия масжиди қошида шундай ажойиб кутубхона очганки, аввал ҳам кейин ҳам унга тенг келадигани бўлмаган¹⁹¹.

Бухоронинг машҳур мударрисларидан яна бири Муҳаммад Умар ибн Муҳаммад Кутбиддин ибн Умар ал-Ансорий ал-Ақлий ал-Бухорий эди (ваф. 1220). У Бухородаги энг обрўли шайх-мударрислардан эди. Мадраса мударрислиги обрўли мансаб бўлиб, баъзан истеъфога чиққан юқори мартабали амалдорлар мударрис бўлиб ишлар эдилар. Султон янги мадрасалар қурилишини одатда таниқли дин арбобларига топширар эди. Масалан, Хуросондаги бир мадраса қурилиши муфтий ва имом Азизиддин Алп Балхийга, Нишопурдаги бир мадраса қурилиши – муфтий ва мударрис имом Фахриддин Абу Собит Абдулазиз ибн Абдул- Жаббор Куфийга топширилган.

¹⁸⁹ Буниёдов З. Кўрсатилган асар, 156- бет.

¹⁹⁰ Ўша жойда.

¹⁹¹ Ан-Насавий. Кўрсатилган асар, 22- боб, 71, 72- бетлар.

Хоразмшоҳ Жалолиддин таниқли маърифатпарвар олим Муқаррабиддин Муҳаммад ибн Иброҳим Паҳлавон ал-Хоразмийга (ваф. 1228) Исфакхонда отаси Султон Алоуддин Муҳаммад хотираси учун катта мадраса қуришни топширган ва бу ишга 30 минг динар маблағ ажратган. Бу маблағдан ташқари яна Ироқдан келадиган хирожлардан бир қисми “мадраса қурилишини тамомлаш (ва зарур ашёлар, дарсликлар учун) қўшимча маблағлар берилган.

(Кўзалар ва шамдонлар ҳам тилладан бўлган). Муқаррабиддин Исфакхонга бориб, мадраса қурилишини бошлади. “Камина (Шихобиддин Насавий) тўрт ойдан кейин Исфакхонга борганимда мадраса деворлари одам бўйи кўтарилган экан”¹⁹².

Хоразмшоҳлар даврида Бухоронинг Деҳқон туманида Хизонатул-кутуб Дорул-фуқаро - халқ кутубхонаси очилган бўлиб, бу ерда нодир қўлёзмалар сақланар эди.

Тарихий манбалар ва олиб борилган тадқиқот ишларининг шохидлик беришича, даштдан келган кўчманчилар Хоразм ва Хуросон минтақаларида аввалдан яшаб келаётган туркий унсурни янада кучайтирди. Натижада кўчманчилар ўтроқлашиб, шаҳар ва қишлоқларда яшай бошладилар. Шунинг таъкидлаш керакки, XII асрнинг иккинчи ярмида қангли-кипчоклар ҳарбий куч сифатида давлат ҳаётида янада кучлироқ роль ўйнайдилар. Ҳукмрон сулола билан юқори табақа туркий уруғ задогонлари ўртасида қандайдиги муносабатлари ўрнатилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ижтимоий ҳаётда туркий анъаналар янада ривожланди. Эски туркий унвонларнинг расмий лақаби сифатида қўлланиши, армияда қадимги анъанавий рутбалар (хон каби) жорий этилиши, сулола аъзоларига туркий исмлар берилиши (Мангуберди каби), уруғ ташкилотидида мавжуд анъанага кўра, кўшиннинг ўнг ва сўл қанотга бўлиниши кўмондонларни урушга қорлаш учун қизил ўқ юборилиши ҳам ана шундай далиллардандир. Бу уруғчилик анъаналарининг кўпчилиги аввалги хоразмшоҳлардан аввалги туркий давлатларда ҳам, улардан кейинги давлатларда ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳодисалар, шунингдек, туркий тил ва адабиётнинг XII асрдан бери ислом маънавияти доирасида равақ топгани эътиборга олинса, бу жараён Хоразмшоҳлар даврида ҳам давом этгани табиий бир ҳолдир. Бироқ, ғазнавийлар ва салжуқийлар давридаги каби, Хоразмшоҳлар замонида ҳам туркий тил сарой ва армия тили сифатида қўлланилгани, унинг мавқеи ва тараққиёт даражаси манбаларнинг қамлиги учун етарли даражада ёритилмаган. XII асрда Қорахонийлар мамлакатидида яратилган “Ҳибат ул-ҳақойик” асари бир қатор ўзига хос хусусиятларига кўра Қашқар даврига оиддир. Бу эътиборга олинмаган тақдирда ҳам, Аҳмад Яссавий ва издошларининг XII асрда яратган тасаввуф адабиёти бевосита Хоразмшоҳлар даврининг маҳсулидир. Бу адабиёт кўчманчи қабилалар орасида дарвишлик, тасаввуф ғояларини тарғиб қилган. Шу боисдан ҳам у кўпроқ қишлоқ шеърйати анъаналарига боғлиқ эди. Бундан ташқари, Хоразм ва Хуросон шаҳарларида мумтоз форс шеърйати намуналари услубиёти асосида туркийча шеърлар ёзилган, арабча ва форсча асарлар туркийчага таржима қилинган. Бу жараён мўғул истилосидан сўнг ҳам давом этди. Озарбайжон, Аррон ва Онадўлига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хоразмшоҳлар замонида туркий тил муҳим роль ўйнаганига оид бошқа бир мисол ҳам бор. Муҳаммад ибн Қайс исми бир муаллиф “Тибян луғат ат-турки ало лисон ал-қангли” номли асар ёзиб, Жалолиддин Хоразмшоҳга тухфа қилган. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган. XIV асрда яшаб ўтган адиблардан Ибн Муқанна бу асар тўғрисида маълумот берган. Профессор Фуод Кўпрулу мазкур китобнинг қангли-форсча луғат бўлганлигини, унда грамматикадан ташқари тарихий ва этнографик маълумотлар ҳам бўлганлигини айтиб ўтади. Фуод Кўпрулуни қайд қилишича, “Ал-Муъжам фи маъойир ашъор ал-Ажам” номли муҳим бир асар ҳам ўша муаллиф томонидан битилган”¹⁹³.

Маъмун академиясига жалб этилган ал-Беруний, ибн Сино, ал- Чағминий, ал-Журжоний каби алломалар Хоразм мақомларини “Дуваздах мақом”, яъни ўн ики мақом шаклида ривожлантириб, йилнинг ҳар бир ойига, ҳар бир куну-тунига бағишлаб қуй басталадилар. Бунинг IX-XIII асрларда Хоразмга келган араб сайёҳлари Ёкут Ҳамавий, Макдисий, ибн

¹⁹² Шу асар, 85-боб, 230- бет.

¹⁹³ Ойдин Тонарий. Кўрсатилган асар, 108, 109- бетлар.

Руста, ибн ал- Хайсамий ва бошқалар ҳам қайд этганлар. “Журжония эли, - деб ёзади Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-булдон” номли асарида, - ўз мақомларини беҳад кадрлайди, мамлакат пойтахти Гурганжда мусиқа асбоблари ясаб тирикчилик қиладиган маҳаллаларни ўз кўзим билан кўрдим”¹⁹⁴. Ҳақиқатан ҳам Хоразм мақомларининг овозаси етти иқлимга тарқалган эди, бу мақомларни ўз юртини тарк этган ҳофиз ва машшоқлар Бухоро ва Самарқанд, Шош ва Ширвон, Ироқ ва Дамашқ, Рум ва Олтин Ўрдада, Қрим ва Шарқий Туркистон ўлкаларида ижро этиб юрдилар. Улуғ шоир Алишер Навоий “Ҳамса”сига кирган машҳур “Сабаи сайёр” достонида мусофир созанда тилидан Хоразм ўлкасининг мусиқа санъатида “илми адвор” фани бекиёс ривожланганлигини қуйидаги мисраларда янада равшанроқ очиб беради:

Чун дуо қилди, деди фарзона,
Ки дей ўз кўрганимдин афсона:
Менки тушмиш буён гузар манга,
Мулки Хоразм эрур диёр манга.
Санъатим анда соз чалмоқ иши,
Билмайин мен киби ишимни киши.
Илми адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм аҳли таҳқиқий.
Элга таълим этмоқ вирдим,
Кимки устои қавм, шогирдим.
Қилди Хоразм аҳли истикбол,
Фаҳм қилмоққаким, недур аҳвол¹⁹⁵.

Шоир айтгандай, Хоразм мақомлари фақатгина мафкуравий йўсинда бўлмай, ўз ватанидан узоқ-узоқларда, подшоҳ саройларида, тўй ва базмларда сайл ва диралишмаларда қайта-қайта ижро этилди. Хоразм халқ мусиқаси тарихидан бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дарвоқе, Хоразмнинг қадимий шаҳри Ҳозараспдан топилган улкан мусиқа архиви – кўҳна Хоразм ноталарида битилган илк манбалар фикримизнинг тасдиғидир. Бу “Хоразм мусиқа ҳаёти”, яъни нотаси чизиғи XII аср бошларида Хоразмшоҳлар мамлакатада яратилган экан¹⁹⁶.

Хоразмшоҳлар даврида бугунги мусиқамизнинг асосини ташкил этган мукаммал бир мусиқа бўлганлиги муҳаррардир.

Таниқли мусиқашунос марҳум Хусайн Сададдин Орал 1940 йилларда яратган тадқиқотлари натижасида бугунги турк мусиқасининг Ўрта Осиёдан келиб чиққанлигини исбот этди. Бундан ташқари, у туркий мусиқа араб, Эрон ва Византиядан олинмаганини, балки аксинча туркий мусиқа Миср ва Эрон мусиқасига ва бошқа халқлар мусиқасига катта таъсир ўтказганини ҳам исботлаб берди. У классик ва халқ мусиқаларининг илдизи бирлиги, мақомларда фарқ йўқлиги тўғрисидаги фикрни ўртага ташлаган эди.

Гарчи, XI асрдан олдин битилган назарий китоблар мавжуд бўлса-да, туркий мусиқа ҳақида ёзилган ва бизгача етиб келган бу даврларга оид бирон асар йўқ. Бу назарий китобларда туркий мусиқа алоҳида тадқиқ этилмаган, балки туркий мусиқага асосланган ислом мусиқасининг тараннум хусусиятлари ўрганилган. Шарқ мусиқаси ҳақида илк илмий тадқиқот машҳур олим Форобий томонидан битилган. Фақат у ҳам қадимги юнон мусиқа назариясини Шарққа тадбиқ этган. Туркий мусиқа назариясига оид илк асар Жалолиддин Хоразмшоҳ давлати барпо этилган, Озарбайжонда яратилди. 1224 йилда у Табризни пойтахт қилиб, ўз давлатини барпо этган вақтларда Урмияда туғилган Сафиуддин (1293 йилда вафот этган). “Шарафия” номли бир китоб ёзган. 1247 йилда ёзилган бу асар туркий мусиқа ҳақида бугунгача ёзилган асарлар орасида энг мукаммалдир. У барон Д’ Эрлангер томонидан французчага таржима қилинган. 1975

¹⁹⁴ Матёкубов Б., Нуржонов К. Халқнинг дил рози./ “Ёш ленинчи” рўзномаси. 1990 йил 25 март.

¹⁹⁵ Алишер Навоий. Сабаи сайёр. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 288, 289- бетлар.

¹⁹⁶ Успенский В.А. Туркменская музыка. Москва. 1928, 33- бет.

йилда доктор Аҳмад Бижан Эржиласин томонидан Тил ва Тарих-география факультетининг қўлёзма китоблар бўлимида мазкур асарнинг янги бир нусхаси топилди ва Мурод Бардақчи томонидан тақдироти ўтказилди. “Шарафия”да ҳатто бугун ҳал этилиши қийин бўлган масалаларнинг бундан 700 йил олдин ечиб берилгани диққатни тортади. Шунга кўра, Сафиуддиннинг асарига ғарб мусикашунослари “Тушуниши ҳам тушунилмайдиган муаззам бир асар”, деб таъриф берганлар. Китобнинг биринчи саҳифасидаги: “Бу ерда юнон олимлари тилга олмаган маълумотлар ҳақида гап боради”, - деган жумла диққатни жалб қилади. Бундан маълум бўладики, Сафиуддин Форобийнинг асаридан беҳабар бўлган. У туркий мусиканинг бошқача бир техникаси бўлганлигини асарининг бошида таъкидлаган. Сафиуддиннинг асари сингари ниҳоятда қимматли бир китобнинг битилгани бу соҳада ундан олдин ҳам мусикага оид китоблар ёзилгани ва улардан фойдаланилганини кўрсатади. Афсуски, бу китоблар йўқолиб кетган¹⁹⁷. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Хоразмшоҳлар даврида, ҳатто ундан олдинги салжуқийлар империяси вақтларида туркий мусика мукаммал бир даражага кўтарилган деб айтиш мумкин ва бу ҳеч қандай муболағали эмасдир.

Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур обидалардан Тўрабекхоним мақбараси ва унга яқин турган ажойиб Урганч минораси (XI аср), ҳашаматли Такиш ва Фахриддин Розий мақбаралари (XII-XIII асрлар)нинг жанубида жойлашган Тошқалъа номли истехком харобаларини қазиб текширди. Бу истехкомларнинг шарқий қисмида деворлари майда хом ғиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб келган. Тахминан, Тошқалъадан 1,5 км Ғарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли обида киши диққатини тортади. “Карвонсарой дарвозаси” жойлашган ерда катта кўча бўйида ўрнашган шаҳар маҳалласининг харобалари қазиб текширилган. Карвонсарой олдидаги Чорсуда жуда кўп хунармандларнинг кўча томон қараб турган дўконлари, бир бурчакда жойлашган чойхона, ошхона ва балиқхона борлиги маълум бўлган. Ошхона олдида катта қозон учун қазилган ўчоқларнинг излари бўлиб, “Чойхона” харобаларидан жуда кўп чойнак синиқлари ва кичик халтачада майда чақалар топилган. Бу ерда катта тандирли нонвойхона, темирчи дўкони, ҳаммом ва унга ўхшаш қурилишларнинг борлиги аниқланган.

Илк ўрта асрга оид минора харобаларини қазиб текшириш ҳам муҳим маълумотларни беради. Минора харобалари ёнида 1900 йил топилган тошга ёзилган хатга қараганда, бу минора 1011 йили, яъни Маъмун академиясида

Абу Али ибн Сино ва Беруний хизмат қилаётган даврда пайдо бўлган. Лекин, бу ёдгорлик мўғул истилоси даврида шаҳарнинг бошқа ёдгорликлари билан бир вақтда йиқилган. Минора қайтадан XIV асрда тикланган бўлиб, Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб келган минораси, Тўрабекхоним ва шу даврда қурилган бошқа ёдгорликлар билан тенгдош, деб ҳисоблаш мумкин. Минорага қўшилган XI асрга оид жуда катта ҳашаматли масжид харобалари диққатга сазовордир¹⁹⁸.

Умуман олганда, Ануштагинлар – Хоразмшоҳлар салтанатида бой маданий мерос таркиб топганлигини кўрамиз. Унинг салмоқли қисмини исмлари юқорида санаб ўтилган олимлар ёзиб қолдирган ёзма мерос ташкил этади. Афсуски, мўғуллар босқини йилларида бу маданий ёдгорликларнинг катта қисми йўқ қилинди. Лекин, унинг сақланиб қолган қисми ҳам кейинги асрларда фан ва маданият ривожига учун муҳим омил бўлганлиги маълум.

Чунончи, Чағминий астронмияси, Нажиб Бакрон географияси, Фахриддин Атторнинг тасаввуфга оид асарлари ва тазкирасининг кейинги давр алломалари ижодида алоҳида ўрни бор.

Ануштагин – Хоразмшоҳлар даври маданий ёдгорликлари жумладан, ёзма меросининг бир қисми бизнинг замонамизгача ҳам етиб келган.

¹⁹⁷ Ойдин Тонарий. Кўрсатилган асар, 108, 109- бетлар.

¹⁹⁸ Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. (Даври, маданий ҳаёт, манбалар). Тўплам. Т.: Фан, 1999.

104, 105- бетлар.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар XI-XII асрларда Хоразмда темирчилик, кулолчилик, шишасозлик ва қурилиш касбларининг жуда ҳам тараққий қилинганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали – пишган ғишт ишлатила бошланади, биринчи марта деразага ойна қўйилади. Дераза ойнасининг қолдиқлари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Хоразмда илгарироқ топилган. Уйларнинг ички архитектурасини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари, ўйма нақш берилган ёғочлар ҳам ишлатилди. Бу эса Хоразмда тасвирий санъатнинг янги ва юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

Республиканинг кўплаб қўлёзма жамғармаларида бой ёзма маданият ёдгорликлари мавжуддир. Уларда Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган давлатчилик ва унинг хусусиятлари, давлат тузилиши, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ва уларнинг айнан ўзига хос сифатлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Хусусан, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм тарихига оид ҳужжатлар катта аҳамиятга эга. Бу манбалар жуда қимматли бўлиб, ўтмишимизга тегишли турли тарихий воқеалар ва маълумотлар ҳақида тасаввур қилиш имкониятини беради.

Булардан ташқари ўша давр сайёҳлари ва сарой тарихчиларининг асарлари тадқиқот мавзусини ёритишда катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Ибн ал- Асир, Ёқут ал- Ҳамавий ва ан-Насавий асарларида ва бошқа муаллифлар томонидан ёзилган қўлёзмаларда мавзуга оид жуда кўп қимматли маълумотлар келтирилган. Улар ўз асарларида Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда, шунингдек, Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига оид қимматли маълумотларни муфассал баён этадилар.

Тахминан, 140 йил ҳукмронлик қилган ануштагинийлар даврининг сиёсий тарихига бағишланган бир қанча салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, адабий - маданий ҳаётни ёритувчи бирон-бир кўзга кўринарли иш шу пайтгача қилинмаган. Ваҳоланки, бу давр Ўрта Осиё халқлари тарихида илмий, маданий ва адабий, форсий ва туркийда ижод қилиб, асарлар битганлар.

XII-XIII асрларда Хоразмда яшаб, фан оламида танилган Маҳмуд ибн Умар Чағминий, Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн, Абдулло Фаҳриддин ар-Розий, Абу Фазл Муҳаммад ибн Абул Қосим ал-Хоразмий, Абу Али Ҳасан ибн Хорис Хоразмий, Тоҳир ибн Қосим Аҳмад Хоразмийларнинг номларини эсга олиш билан Хоразмда илм-фан ва маданиятга қизиқиш зўр бўлганини далиллайди.

Хоразмдаги илм-фан, маданиятнинг ривожига, шубҳасиз хорижий эллардан келган ва бу ерда ижод қилган олимлар, шоиру адибларнинг хизмати ҳам катта бўлган. Хоразмда баркамол ижод қилганлардан асли балхлик машҳур шоир, адиб ва котиб Рашидуддин ал-Ватвот, хуросонлик ал-Қулсумий, Шомдан келган Шарафиддин Муҳаммад ибн Наср ибн Анийн, Нисо шаҳридан Муҳаммад ан-Насавий ва жандлик Ёқуб ибн ал-Жандий кабиларни зикр қилиш мумкин. Уларнинг ижодларида араб классик адабиётига хос мадҳия, фахр, ғазал, ҳанийн (ватанни қўмсаш), шикоят, ҳажв каби жанрлар ўз ифодасини топган. Улар арабий илмларнинг ривожига ўз хиссаларини қўшганлар. Уларнинг самарали ишлашлари учун Хоразмшоҳлар етарли даражада имконият яратиб беришган ва моддий ёрдам ҳам кўрсатиб туришган. Бу соҳада Алоуддин Такиш ва Алоуддин Муҳаммадларнинг саъйи-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Зеро, уларнинг ўзлари ҳам илм ва адабиётга ихлосманд эдилар. Масалан, Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс ўзининг “ал-Мўъжам фи маъайири ашъар ал-ажам” деб аталувчи поэтик асарини, Фаҳриддин ар-Розий эса “Жавомеъ ал-улуш” номли қомусий китобини шахсан Такишнинг илтимоси билан ёзишган.

Жалолиддин Мангуберди яшаган даврда ҳам буюк Хоразмшоҳлар давлати жаҳонга машҳур бўлиб, унда маданият, фан, дин, савдо юқори даража ривожланган.